- Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган юқори солиқ юки кузатилади, жумладан, инвестицияларнинг маржинал ставкаси 49% ташкил этади (Грузияда - 23%),
- Иш ҳақи фонди солиқ ставкасининг юқорилиги солиқ тўловчилар томонидан ҳақиқий ишчилар сони ва иш ҳақи миқдорини (номинал иш ҳақи даражасидан тахм. 50%) яшириш ҳолларига олиб келган
- Солиқ ва божхона имтиёзлари ҳисобидан хўжалик субъектларини қўллаб қувватлашнинг кенг тарқалган амалиёти, шу жумладан яқка тартибдаги ҳолатлар, ушбу тақдим этилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилишнинг самарали тизимининг йўқлиги соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда (манзилли фискал имтиёзлар умумий миқдори 2017 йилда - 48 трлн сўмдан ортиқ)
- Солиққа тортишнинг соддалаштирилган ва умумий тизими бўйича солиқ тўлаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки даражасида катта фарқи мавжуд
- Солиқни камайтириш учун "солиқ схемаларидан" кенг фойдаланиш, у асосан бизнесни кичик корхоналарга сунъий равишда бўлишдан иборат, бунда солиққа тортиш тизимини фойдали тарзда қўллаш мумкин ("соддалаштирилган" схемани қўллайдиган корхоналар билан стандарт тартибни қўллайдиган корхоналарнинг 1-10 нисбати бунга далил)
- Яширин иқтисодиётнинг сезиларли улушга эгаллиги, шунингдек, коррупция амалиётининг ривожланганлиги
- "Doing Business" рейтингда Ўзбекистон "Солиққа тортиш тизимининг самарадорлиги" бўлимида 190 мамлакат орасида 64-ўринни эгаллади.
- Давлат идоралари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, солиқларни электрон бошқариш шакллари ва усулларининг, ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг мукамал эмаслиги

Солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш концепцияси

2018 йил 29 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ПФ-5468-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш концепциясини тасдиқлади.

Президент фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб:

- иш ҳақи фондининг солиқ юки камайтирилади
- умумий ва соддалаштирилган солиқ тўловчиларни солиққа тортиш такомиллаштирилади ва айланмадан (даромаддан) олинadиган солиқлар, шунингдек соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтиш мезонлари ҳам мақбуллаштирилади
- солиқ сиёсатининг такомиллаштирилиши соддалаштирилган солиқ режимидаги солиқ тўловчиларга нисбатан салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади
- қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилади

Президент фармонига мувофиқ солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт солиқ юки даражасини камайтириш;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган ва умумий тизими бўйича солиқ тўлаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;
- уларни бирлаштириш ва қўшиш орқали солиқлар сонини мақбуллаштириш
- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, қарама-қаршиликлар ва низоларни бартараф этиш;
- солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ва Солиқ кодексининг нормаларини бевосита амал қилишини таъминлаш;
- хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- солиқ назорати шакллари ва механизмларини такомиллаштириш

- Концепция узоқ муддатли солиқ маъмураштириш тамойилларини тасдиқламайди (кейинги ўринларда солиқ ставкаларининг ўзгариш эҳтимоли мавжуд)
- Солиқ ва божхона имтиёзларини камайтиришнинг аниқ муддат ва ҳажми мавжуд эмас
- Бюджетнинг солиқ тушумлари таркибида билвосита солиқлар устунлиги сақланмоқда
- Тўловлар бекор қилингандан кейин бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатларини молиялаштириш манбаси мавжуд эмас

Жорий ва таклиф қилинган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни таққослаш


Солиқ / мажбурий тўлов	Жорий ставкалар	Таклиф этилган ставкалар	Фарқи
Фойда солиғи	14%	12%	-2%
Дивидендлар ва фоизлар шаклидаги даромад солиғи	10%	5%	-5%
Ягона солиқ тўлови	5%	4%	-1%
Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар	3.2%	0%	-3.2%
ҚҚС	20%	20%	0%
Мулк солиғи	5%	2%	-3%
Жисмоний шахслар даромад солиғи	7.5% - 22.5%	12%	
Ягона ижтимоий тўлов	25% / 15%	12%	-3%
Фуқароларнинг сугурта бадаллари	8%	0%	-8%

Манбалар: очиқ манбалар маълумотлари, ишчи гуруҳнинг таҳлили

Солиқ ислоҳоти концепциясининг бюджетга таъсири

Солиқ ислоҳотлари концепциясини амалга ошириш 2019 йилда бюджетнинг даромад қисмини 26,3 трлн сўмга оширишга имкон беради; шу билан бирга, ўша даврда харажатларни 46,3 трлн сўмга кўпайтиришни талаб қилади

ЎЗР Давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларни инобатга олмаган ҳолда даромадлари, трлн сўм



ЎЗР Давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларни инобатга олмаган ҳолда харажатлари, трлн сўм



Стратегик вариантлар

1

Англо-Саксон варианты

Хусусиятлари: Тўғри солиқларнинг устуворлиги

Мамлакатлардан мисоллар:



АҚШ



Буюк Британия



- Нисбатан барқарорлик ва олдиндан тахмин қилиш



- Солиқ юки фуқароларга юкланган

2

Аралаш вариант

Хусусиятлари:

- Турли моделларнинг хусусиятларини бирлаштиради
- Давлат бюджети даромадлари таркибининг диверсификацияси

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мамлакатлардан мисоллар:



Жанубий Корея



Япония



- Бюджет даромадларининг муайян солиқларга ёки солиқларнинг бир гуруҳига тобе эмаслиги, бунинг натижасида мослашувчан бюджет-солиқ сиёсати



- Норматив-ҳуқуқ базасида тез-тез ўзгаришлар бўлиши мумкин.
- Солиқ бошқарувининг юқори даражадаги ҳаражатлари эҳтимоли

- Аралаш модел бюджет даромадлари ташқи бозор шароитларига жуда боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун энг мақбул бўлади
- Аралаш модел фоиз ставкаларини ўзгартириш, солиқ тўловчилар базасини кенгайтириш, имтиёزلарни тақдим қилиш/бекор қилиш ва ҳоказолар орқали ташқи омиларнинг ўзгаришига тез мослашувни таъминлайди.

3

Континентал вариант

Хусусиятлари:

- Билвосита солиқларнинг устуворлиги
- Ижтимоий суғурта бўйича юқори ажратмалар

Мамлакатлардан мисоллар:



Германия



Голландия



- Нисбатан барқарорлик ва олдиндан тахмин қилиш
- Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг юқори даражаси



- Солиқ юкининг юқори даражаси

4

Лотин Америкаси варианты

Хусусиятлари:

- Инфляцияга мойил иқтисодиётга хос
- Билвосита солиқларнинг катта улуши

Мамлакатлардан мисоллар:



Чили



Перу



- Инфляция ҳодисаларидан ҳимояланганлик



- Билвосита солиқлар йиғимининг моҳиятидан - солиқ бошқарувида тежамкорлик

2035 й. солиқ тизими қандай бўлиши керак

Мақсад:

Инвестицияларнинг ва Ўзбекистон Республикаси бюджетни даромад қисми ўсиб боришини рағбатлантирадиган замонавий юмшоқ солиқ тизимини яратиш

Вазифалар:

- Билвосита солиқлар улушини 35 фоизга қисқартириш билан солиқ юкини мақбуллаштириш
- Чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида бюджетга солиқ тушумларининг ўсишини таъминловчи ва капитал бозорларида рақобатлашишга имкон берувчи солиқ режимига риоя қилиш
- Узоқ муддатли солиқ бошқаруви қоидаларига ўтиш
- Инвесторлар учун солиқ ставкаларини музлатишнинг махсус тартибини ишлаб чиқиш
- Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларида ишлайдиган солиқ тўловчиларга имтиёзлар беришнинг самарали механизмни ишлаб чиқиш
- Солиқ тўловчилар учун барқарорликни ва олдиндан тахмин қилишни таъминлаш мақсадида солиқ қонунчилигини янада мақбуллаштириш ва соддалаштириш

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишлари:


- **Солиқ тизимининг умумий тузилмаси:** узоқ муддатли солиқ бошқарувига ўтиш ва солиққа тортиш ва солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш қоидаларини такомиллаштириш
- **Солиқлар тузилмаси:** билвосита солиқлар улушини қисқартириш, узоқ келажақда жисмоний шахслар даромад солиғининг улушини кўпайтириш
- **Солиқлар ва тўловлар тизими:** алоҳида солиқлар бўйича концептуал муаммоларни аниқлаш, энг яхши жаҳон тенденцияларни жорий қилиш (BEPS, солиқ маълумотлари билан автоматик тарзда алмашиш, MLI, CbCr, HXK, THT ва бошқалар)
- **Солиқ ва божхона имтиёзлари:** мақсадли имтиёзларни бекор қилиш, саноатнинг айрим тармоқларини рағбатлантириш учун саноат имтиёзларини жорий этиш
- **Инвесторлар учун махсус механизмлар:** узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш учун, инвесторлар учун солиқ ставкаларини музлатиш орқали, махсус механизмларни ишлаб чиқиш (МИШга ўхшаш) **
- **Солиқ назорати ва бошқаруви:** солиқ назоратини такомиллаштириш ва солиқ низоларини кўриб чиқиш жараёнларини АКТ ва автоматлаштириш воситаларини жорий этиш, шунингдек, солиқ органлари ходимларини малакасини ошириш орқали такомиллаштириш
- **Юридик жавобгарлик тизими:** солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тизимини такомиллаштириш

Рақамли кўрсаткичлар

	2017/18	2035
“Бизнес юритиш” рейтингдаги ўрин	74	Топ-20
“Солиққа тортиш” рейтингдаги ўрин (Бизнесни юритиш, ЖБ)	64	Топ-20
Ҳисоботларни топшириш ва солиқ тўлашдан кейин тартиблар индекси (0 - энг паст, 100 - энг юқори)	48,17 балл	>80 балл
Бюджет солиқ тушумларида билвосита солиқлар улуши	54%	<35%

Солиқлар тузилиши,

бюджет солиқ тушумларидан %



Тузилманинг ўзгариши:

- Мақсадли ҳолат Япония ва Жанубий Кореянинг мезонлари асосида ҳисобланган
- Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаси 2035 йилга бориб, 1,4 мартага кўпайиши, даромадларни қонунлаштириш ва иш ҳақи даражасининг ошиши (шахсий даромад солиғининг ортиши - ривожланган мамлакатлар тажрибаси бўйича)

Инвестициялар: асосий йўналишлар

Харажатлар манбалари

		2019-2035
		Млрд АҚШ долл
1	Ижро ҳоқимияти	0,5 – 0,6
2	Қонун чиқарувчи ҳоқимият	0,4 – 0,5
3	Суд ҳоқимияти	-
4	Қишлоқ хўжалиги	67,9 – 83,0
5	Тўқимачилик саноати	21,0 – 25,6
6	ЁЭК	70,2 – 85,8
7	ТКМ	43,2 – 52,8
8	Автомобиль саноати	41,6 – 50,9
9	Кимё саноати	40,6 – 49,6
10	Транспорт	28,7 – 35,0
11	Қурилиш саноати ва инфратузилма	129,9 – 158,7
12	Сайёҳлик	39,6 – 48,4
13	КБваХТ	30,0 – 36,8
14	Банклар ва мувофиқлик	17,4 – 21,2
15	Суғурта тизими	4,8 – 5,8
16	Пенсия тизими	0,6 – 0,8
17	Капитал бозорлари	10,8 – 13,1
18	Соғлиқни сақлаш	132,2 – 161,5
19	Ижтимоий сиёсат	44,7 – 54,6
20	Инсон капитали	145,6 – 178,0
21	Маданият	10,3 – 12,6
22	Экология	5,9 – 7,2
23	Илм-фан, технология, инновациялар	50,9 – 62,2

Умумий харажатлар:
(млрд АҚШ долл. нисбатан)

940 – 1 149

Инвестициялар: асосий манбалар

Молиялаштириш манбалари

1	Хусусий инвестициялар, ДХШ билан бирга (тўғридан-тўғри хорижий, корпоратив ва хусусий инвестициялар, ДХШ)
2	Давлат маблағлари
3	Капитал бозорлари (корпоратив қимматли қоғозларга инвестициялар)
4	Юридик шахсларнинг бошқа маблағлари (сўғурта маблағлар ва юридик шахсларнинг депозитлари)
5	Жисмоний шахсларнинг бошқа маблағлари (жисмоний шахсларнинг депозитлари ва халқаро пул ўтказмалари)
6	Давлат қарзлари (ташқи бозорда қарз олиш)
7	Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар (давлат мулкани сотишдан тушган тушим)
8	ХТВ дастурлари бўйича маблағлар (трансфертлар ва ХТВ дастурлари бўйича грантлар)

Млрд АҚШ долл.


2019



Тезкор сценарий

2019–2035

Млрд АҚШ долл.




ЯИМ ўсиш суръатларининг ўртача даражаси:

Ялпи инвестициялар оқими:

Ўтган давр давомида инвестицияларни жалб қилиш динамикаси


Млрд АҚШ долл.




- 2020-2025 йиллар бошида, жумладан **ДХШ дастурларидан ҳам, халқаро компаниялар бозорга кириши** туфайли ҳам йирик инвестициялар кириши кузатилади. Юқори иқтисодий ўсиш давлат кредитларини нисбатан арзон нархларда олиш имконини беради
- 2026-2030 йилларда **давлат нисбатан аҳамиятсиз ўрин тутати. Маҳаллий банклар ва капитал бозорлари** аста-секин таъсир кўрсатишни бошлайди, улар корпоратив инвесторлар билан биргаликда иқтисодий ўсишга ёрдам беради
- 2031-2035 йилларда бозор механизмларининг фаол ривожланиши ва молиявий тизимнинг шаклланиши туфайли **лойиҳавий молиялаштириш ва корпоратив секторда капитал бозори ҳисобидан билвосита инвестициялар тобора кучаяди**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети прогнози

Бюджет тўзилиши сақланган ҳолда* ва солиқ ислоҳотлари концепцияси инobatга олинган ҳолда давлат бюджетининг профицити/дефицити прогнози, млрд АҚШ долл.



Бюджет тўзилиши сақланган ҳолда* ва солиқ ислоҳотлари концепцияси инobatга олинган ҳолда давлат бюджетининг профицити/дефицити прогнози, млрд АҚШ долл.



- 2024 йилга қадар **бюджет дефицити** кўзатилади
- Солиқ ислоҳоти **бюджет харажатларини** 2019 йилда сезиларли даражада оширади
- 6 йил мобайнида профицитга чиқиш учун, 2025 йилдан бошлаб, **бюджет харажатларининг ўсиш** суръати йилига 13,5% қадар **чекланиши керак**.
- Солиқ ислоҳоти концепцияси **давлат бюджетининг юкини**, хусусан, юридик шахсларнинг айланма маблағларидан (даромадларидан) тушган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши ҳисобидан **сезиларли даражада оширишни** назарда тутлади; фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлайдиган суғурта бадалларини бекор қилиш; тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўловлар ставкасини 25% дан (15%) 12% гача қисқартириш; бу олдин бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланган харажатларни қоплаш учун бюджетдан 46,3 триллион сўм (6 млрд. АҚШ доллари) талаб қилади
- Шу билан бирга, **бюджет даромадларининг асосий ўсиши** ҚҚС тўловчилари доирасини кенгайтириш (2019 йилда +16,2 триллион сўм ёки 2,1 миллиард доллар) ва манзилли фискал имтиёзларини бекор қилиш (агар имтиёзларнинг 25 фоизи бекор қилинса, бюджетга ялпи тушумлар ўсиши +12,2 триллион сўм ёки +1,6 миллиард АҚШ доллари ташкил қилади) ҳисобидан кўзда тутилган

Эслатма: *мақсадли фондлар ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини инobatга олмаган ҳолда
Манбалар: Молия вазирлиги, Ишчи гуруҳининг таҳлили

Жорий ҳолат



Жиддий муаммолар

- Иқтисодиёт норасмий таркибий қисмининг юқори улуши - ЯИМ 50% гача
- Чет эл инвестициялар оқимининг камлиги - 2,3 млрд доллари (2017 йил учун)
- Импортнинг экспортдан юқорилиги - соф экспорт - 1,7 млрд доллар. доллари (2017 йил учун)
- Банк сектори томонидан кредитлаш ҳажмининг пастлиги - асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг фақат 12,1% тижорат банклари томонидан молиялаштирилади (2017 йилга)

Муҳим хулосалар

- Ўзбекистон Республикасида норасмий иқтисодиётнинг улуши катта - бу ҳуқуқий майдондан ташқарида амалга ошириладиган ва солиқлар ҳамда йиғимлар қўлланилмайдиган тадбиркорлик фаолияти. Иқтисодиёт вазирлиги берган баҳога кўра, норасмий иқтисодиётнинг улуши жорий ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизига етиши мумкин ва бу кўрсаткич бўйича дунё рейтингда 152-ўринда (ХВФ рейтинги)
- Норасмий иқтисодиётнинг бундай катта улуши молиявий тизимнинг ва умуман иқтисодиётнинг ривожланишига жиддий тўсиқлар келтириб чиқаради, чунки у банк активларининг миқдори ва солиққа тортиладиган базага ҳисса қўшмайди
- Норасмий иқтисодиётнинг юқори улуши бир қатор омилларга боғлиқ, жумладан қуйидагиларга:
 - Давлат органлари ва молиявий тизимга нисбатан ишонч даражасининг пастлиги
 - Юқори даражадаги коррупция
 - Ҳуқуқларни инкор этишнинг юқори даражаси
 - Банк тизимида ва солиқ органларида махфийликнинг йўқлиги
 - Юқори солиқлар ва мажбурий тўловлар

Норасмий иқтисодиётнинг ҳажми ЯИМ нисбатан %да и дунёдаги ўрни (руйхатдаги 159 мамлакат орасида)

1	Швейцария	7%
10	Япония	8%
57	Италия	25%
107	Қозоғистон	33%
114	Россия	38%
145	Озарбайжон	44%
152	Ўзбекистон	50%
157	Нигерия	51%
158	Грузия	53%

ХВФ норасмий иқтисодиётнинг ҳажмини ҳисоблаб чиқади ва ўзгаришларнинг йиллик динамикасини нашр этади. ХВФ ихтисослашган БМТ агентлиги сифатида макроиқтисодий статистика маълумотларини баҳолаш ва прогнозлаш соҳасида нуфузли манба ҳисобланади

- Ўзбекистон Республикаси норасмий иқтисодиёт бўйича мамлакатлар рўйхатида расман кирмаган ва Иқтисодиёт вазирлигининг баҳолашига асосан ХВФ рейтингига киритилган
- Норасмий иқтисодиётнинг улуши ЯИМнинг 50% ни ташкил этади, 159 давлат баҳоланишига асосланган ўртача қиймат 32% ни ташкил этади

Ҳисоб рақам ва депозит ва нақд пул маблағларининг улуши пул массасига нисбатан %да 2018 й. бошига

	Нақд пулсиз маблағлар	Нақд пул маблағлари	Коэффициент
	15%	27%	0,55
	49%	20%	2,45
			x4,45

Нақд пул айланишини камайтириш орқали банк тизимидаги маблағларнинг ўсиш салоҳияти

- Ўзбекистон Республикасида пул маблағлари таркибида нақд пулнинг улуши катта, нақд пулсиз маблағлар улуши эса етарли даражада эмас.
- Нақд пулнинг катта қисми коррупцияга, норасмий иқтисодиёт ва солиқларни тўлашдан бош тортишга қарши курашиш чораларини амалга оширишга тўсқинлик қилади
- ХВФ методологияси бўйича норасмий иқтисодиёт юқори улушининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган нақд бўлмаган пулнинг нақд пулга (0,55) нисбати Россия Федерациясига (2,45) нисбатан ҳам анча паст.

Стратегик вариантлар

1

Пул маблағларининг махфий амнистияси

Активлар қийматидан 2,5% миқдорида солиқ тўлаш ёки қиймати 12% миқдорида бўлган давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан капитални қонунлаштириш. Давлат тўлиқ ошкор этмасликни ва солиқ органлари томонидан таъқибларнинг тўхтатилишини кафолатлайди



- Амнистия дастурининг юқори натижавийлиги



- Жиноят йўли билан олинган маблағларни қонунлаштириш имконияти яратилади.
- Жамоатчилик томонидан кучли танқид, жумладан намойишлар

Мамлакатлардан мисоллар:



Италия

Мамлакат ичида капитални қонунлаштириш ва оффшор капитални қайта тиклаш бўйича дастурларнинг юқори самарадорлиги

2

Келиб чиқиш манбаларини мажбурий тарзда кўрсатиш шарти билан пул маблағларига ва мол-мулкга нисбатан амнистия

Пул маблағларини, кўчмас мулкни ва бошқа активларга тегишли капитални қонунлаштириш. Миллий банк тизимига пул маблағларини қайтариш - солиққа тортилмайди (5 йиллик муддат ичида ҳисоб-рақамларда маблағларни сақлаб туриш шарти билан), кўчмас мулк нархининг 10% миқдорида бир марталик тўлов ундирилади. Ҳукумат ходимлари таъқибдан озод қилинади. Пул маблағлари манбасини ошкор қилиш талаб этилади



- Мамлакат ичида капитални амнистия қилиш дастурининг юқори натижавийлиги



- Чет элдан капитални қайтариб олиш дастурининг самарадорлиги паст

Мамлакатлардан мисоллар:



Қозоғистон

Мамлакат ичида капитални қонунлаштириш дастурларининг юқори самарадорлиги

3

Мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилмайдиган мажбурий тарзда декларациялаш билан капитални амнистия қилиш

Банк тизимига пул маблағларини 1 фоиз миқдорида давлат бюджетига ўтказиб жойлаштириш имконияти. Пул маблағларининг келиб чиқиш манбаларини мажбурий равишда билдириш. Даромадларни жиноий йўл билан топган шахслар ва мамлакат мансабдор шахслари амнистияга тушмайди



- Жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунлаштиришга йўл қўйилмайди.



- Амнистия дастурининг самарадорлиги (топилган маблағлар прогноз қилинган ҳажмдан 100 баравар кам)

Мамлакатлардан мисоллар:



Грузия

Даромад манбаларини мажбурий тарзда билдиришни талаб қиладиган ва мансабдор шахслар даромадларини қонунлаштиришга йўл қўйилмайдиган дастурнинг самараси паст

Ўзбекистон Республикасида капитал амнистиясини ўтказиш мақсади



2019 й.
Февраль-Март

Умумий капитал амнистияси эълон қилинди



Қўшимча маълумот олиш учун ҳеч қандай сўров йўқ

2019 й.
Декабрь

2020-йил
январь
ойидан

"Нол даражадаги чидамлилиқ"¹

Капиталнинг муваффақиятли амнистияси учун асос бўлиб ошкор этмаслик ва жиноятни йўқ қилиш, шунингдек, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарликнинг бир неча бор ошиши тўғрисида огоҳлантириш ҳисобланади.

Ечим

- 2019 йил март ойидан декабрь ойига қадар давом этадиган солиқ амнистияси ва капитални репатриация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолаш
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг капитал амнистияси эълон қилиниши муносабати билан сўзлаган нутқи

Қонунлаштириш босқичлари ва усуллари

Амнистия дастури бўйича капитални қайтариш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси **резидент-банкларига маблағларни қолдиқ маблағларга** фоизларни ҳар қандай валютада олиш ҳуқуқи билан камида 5 йил муддатга **жойлаштириш**
- Ўзбекистон Республикасининг эмитентлари (жумладан, евробондлар) ёки марказий ҳукумат **қимматли қоғозларини** камида 3 йил сақлаб туриш шарти билан **сотиб олиш**
- **Давлат хусусийлаштириш дастурига мувофиқ** активларни сотиб олиш
- Ёки юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни амнистияга тушган мол-мулкнинг/актив қийматидан 5% миқдоридида компенсация билан алмаштириш

Қўйидагиларни кафолатлаш талаб қилинади:

- **Декларация топширишдан озод қилиш**, солиқ қарзларини тўлаш ва қонунлаштиришдан олдин олинган маблағларни текшириш
- **солиқ қарздорлиги**, жарима ва қонунлаштириш учун тақдим этилган активлар бўйича жарима **ёзувларини йўқ қилиш**
- барча активлар трансферларининг солиқ органлари ва бошқа давлат органлари ҳамда учинчи шахслар учун **тўлиқ махфийлиги**

Ўзбекистон Республикасининг барча жорий ва собиқ фуқаролари, шу жумладан ўз-ўзини иш билан таъминлаганлар, тадбиркорлар ва мансабдор шахслар **капитални қонунлаштириш дастурига кириш ҳуқуқига эга**

ФАТФ тавсияларига биноан, капиталнинг амнистия дастури жиноят йўли билан олинган ёки терроризмни молиялаштиришга қаратилган маблағларга нисбатан татбиқ этилмайди

Дўстона юрисдикциялар (Люксембург, Швейцария ва бошқалар) билан солиқ тўғрисида ахборот алмашиш ва солиқ фирибгарлигига қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш битимини имзолаш бўйича ишни бошлаш керак

Мақсадли натижа

- Ўзбекистон банк тизими ва капитал бозорларига 15-25 млрд АҚШ долл. миқдоридида қўшимча маблағ жалб қилиш.
- Норасмий иқтисодийётнинг ҳажмини ва коррупция даражасини пасайтириш

Изоҳ 1: коррупцияга мурасасизлик, ноқонуний бойитиш ва солиқларни тулашдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикасида жамоат аҳамиятига эга бўлган лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва мулкнинг жиноят кўламига мос даражада қисман мусодара қилинишига оид сиёсат

Жаҳонда ва Марказий Осиёдаги энг яхши амалиётлар



Италия

Вазият ва муаммо таърифи

- Солиққа тортишдан яшириладиган даромадларнинг катта улуши
- Экспатриация қилинган капиталнинг сезиларли ҳажми
- Давлат бюджетини қўшимча молиялаштириш эҳтиёжи
- Бошқарув органларида коррупциянинг юқори даражаси

Ечим

Италия Сенати 2014 йил 15 декабрдаги 186-сонли қонунни тасдиқлади, унда ахборотни ихтиёрий равишда ошкор этиш, чет элдаги активларни қонунлаштириш имконияти ва жарима миқдори сезиларли даражада қисқариши кўзда тутилган.

Қонунлаштириш босқичлари ва усуллари

2014-йилги дастур (2014 йил 186-сонли қонун) чет элдан капитални қайтариб олиш, шунингдек, оффшор орқали солиқлардан қочиш ва маблағларни ноқонуний равишда олишга қарши курашиш учун мўлжалланган. Ушбу дастур **бир йил давом этди** ва энг **илғор ва кенг қамровли** дея ҳисобланиши мумкин

Ушбу қонунга биноан ошкор қилинган активлар эълон қилинмаган солиқлар учун пулли санкцияларнинг катта истиснолари билан ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жиноий таъқибдан озод этиш билан тўла ставкали солиққа тортилди.

Бироқ, иштирок этувчи солиқ тўловчилар ўз номларини, банк маълумотларини тақдим этишлари ва воситачиларни маълум қилиши керак эди, шундай қилиб ҳукумат активлар келиб чиқишини текшириши мумкин бўлар эди.

2015-йилда Италия солиқ тўлашдан бўйин товлаган шахслар учун имтиёзли жой ҳисобланган **Швейцария билан битим имзолади**, унда солиқ маълумотларини алмашиш ва солиқ **фирибгарлиги билан курашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича чоралар** ҳам бор. 2018 йилдан бошлаб икки мамлакат ўртасида солиқ масалалари бўйича ахборот алмашинув тизими жорий этилди. Ушбу битимга асосан, Италия Швейцария компаниялари билан тузилган битимлар бўйича қўшимча далиллар тақдим этишлари керак бўлган мамлакатларнинг қора рўйхатидан олиб ташлади.

Мақсадли натижа

- 2014 йил охирига келиб дастур бўйича репатриация қилинган активлар ва эълон қилинган солиқлардан даромад 4 миллиард евро ни ташкил қилди
- Жами капитални қонунлаштириш дастурлари доирасида 70 миллиард евродан ортиқ маблағ йиғилди



Қозоғистон

Вазият ва муаммо таърифи

- Иқтисодиёт норасмий қисмининг катта улуши
- Ҳорижий инвестициялар оқимининг қисқариши
- Савдо балансининг ва жорий операциялар ҳисоби сальдосининг пасайиши
- Банк сектори томонидан кредитлашнинг қисқартирилиши

Ечим

2014 йил 30-июнь куни Президент "Қозоғистон Республикаси фуқароларининг, оралманлар¹ ва Қозоғистон Республикасида доимий яшаш ҳуқуқига эга шахслар мол-мулкни қонунлаштириш муносабати билан амнистия ҳақида" ги қонунни имзолади

Қонунлаштириш босқичлари ва усуллари

Қонунлаштириш 2014 йил 1 сентябрда бошланиши ва 2015 йил 31 декабрда тугаши керак эди, лекин муддати 2016 йил 31 декабригача узайтирилди. Деярли барча асосий моддий бойликлар - пул, қимматли қоғозлар, компаниялардаги акциялар, кўчмас мулк қонунлаштирилиши керак эди

Қонунлаштиришнинг биринчи босқичида яширин пулларнинг эгаси уларни иккинчи даражали банклардаги ёки "Казпочта" махсус омонат ҳисоб-рақамларига ўтказиши ва кейин Амнистия сценарийсини танлаши керак

Асосий сценарийда қонунлаштириладиган маблағлар банк ҳисоб-рақамларида ёки "Казпочтада" да беш йил сақланиши кўзда тутилган.

Агар мулк эгаси маблағларни беш йил муддатга қўйишни хоҳламаса, **Қозоғистон фонд биржасида хоҳлаган қимматли қоғозларни сотиб олиши мумкин**

Учинчи сценарийга кўра, **давлат хусусийлаштирувининг иккинчи босқичида объектларни сотиб олиш орқали пулни қонунлаштириш мумкин**

Тезлаштирилган усулда қонунлаштириш мумкин: давлатга қонунлаштириладиган мол-мулк қийматининг 10 фоизини тўлаш орқали капитални амнистия қилиш

Давлат хизматчилари ҳам мулк ва даромадларни декларация қилиш қоидаларини бузганликлари учун интизомий жавобгарликдан озод қилинади

Мақсадли натижа

- Қонунлаштирилган мулкнинг умумий қиймати 20 миллиард АҚШ долларига етди, улардан 7,8 млрд пул маблағлари эди
- Чет элга олиб кетилган мол-мулкни қайтаришдан эмас, балки мамлакат ичида мулкни қонунлаштиришда муҳим натижаларга эришилди.



Грузия

Вазият ва муаммо таърифи

- Кўп сонли солиқлар ва қонунчиликнинг паст даражадаги шаффофлиги
- Жорий бошқарувга нисбатан ишонч даражасининг пастлиги
- Бюджетни қўшимча молиялаштиришга эҳтиёж

Ечим

2014 йил 24-декабрь куни, Грузия Президенти «Декларация қилинмаган солиқ мажбуриятлари ва мол-мулкларни амнистия қилиш ва қонунлаштириш тўғрисида»ги қонунга имзо чеқди

Қонунлаштириш босқичлари ва усуллари

Амнистия ушбу дастурда ихтиёрий равишда иштирок этган шахсларга нисбатан солиқ қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ бўлган тергов органлари томонидан очилган барча ишларни тўхтатилишини назарда тутган

Шунингдек, у солиққа доир жиноят содир этганлик учун қонунда назарда тутилган тартибда **судланганликдан озод этилиши** ҳақида эълон қилди.

Амнистияда иштирок этган шахсга йил охирига қадар қуйидагилар учун ҳуқуқ берилди:

- солиқ органларига уларнинг мулкий ҳолатини акс эттирувчи декларация тақдим этиш ва яширилган мулк бозор қийматининг 1 фоиз миқдорида давлатга жарима тўлаш
- Грузиядаги тижорат банкларига нақд пул маблағларини топшириш ёки чет элдан ўз пул маблағларини ўтказиш йўли билан миллий ёки хорижий валютадаги муддатли ёки жамғарма депозитларига пул ўтказиш

Қонун қуйидагиларга нисбатан амал қилмади:

- а) бундай **даромадни (мулкни)** наркотик ва қурол-аслаҳа, терроризм, одам савдоси ва бошқа трансмиллий жиноятлар каби **жиноий йўллар билан топган шахсларга**
- б) **мансабдор шахсларга**

Мақсадли натижа

- **Қутилган 4 миллион доллар ўрнига бюджет** солиқдан қочган тадбиркорлардан атиги 35 минг доллар олган.
- **Амнистия** тегишли қонун тўлиқ бўлмаганлиги учун эмас, балки ишбилармонларнинг давлатга ишонмаслиги туфайли **амалга ошмади**

Хусусийлаштириш ва ягона миллий фонд



Давлат мулки

- Хусусийлаштириш ва ягона миллий фонд



Ликвид активлар

- Юқори ликвидли активлар, масалан, корхоналарда акциялар ва улушлар, айниқса ёқилғи-энергетика мажмуасида, ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашда



Ноликвид активлар

- Паст ликвидли ёки ноликвидли активлар, масалан, эскирган бинолар, ишламайдиган мулк мажмуалари



Стратегик активлар

- ЎЗР ривожланиш стратегияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган активлар: саноат, ёқилғи-энергетика мажмуаси, инфратузилма



Ностратегик активлар

- Ривожланиш стратегиясининг доирасидан ташқарида бўлган активлар

Асосий мақсад:

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланиши, давлат улушини камайтириш

Асосий мақсад:

Ўзбекистон Республикасининг бюджетига пул оқими, давлат бюджети харажатларини қисқартириш

Тавсия этилган қадамлар:

- Фаол инвесторларни биргаликда инвестиция киритишга жалб қилиш
- Уч босқичда хусусийлаштириш (25%+25%+50%-1)
- Хусусийлаштиришда иштирок этишга рухсат берилган шахсларни назорат қилиш

Тавсия этилган қадамлар:

- Стратегик/портфелли инвесторларни жалб қилиш
- Босқичма-босқич хусусийлаштириш
- Хусусийлаштиришда иштирок этишга рухсат берилган шахсларнинг қатъий назорати йўқлиги

Стратегик инвестор учун мезонлар

- Халқаро компания
- Мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлиш
- Стратегик портфелда тегишли активларнинг мавжудлиги (горизонтал ёки вертикал интеграция)
- Ривожланган КИМ
- Барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилиш
- Молиялаштириш манбалари ва экспертизадан фойдаланиш
- "Муваффақият ҳикояси"

Иқтисодиётнинг асосий соҳаларида давлат улуши 2018 - 2035

2018

70-80%

2035

10-15%

Хусусийлаштириш ва ягона миллий фонд

Хусусийлаштириш босқичлари



«Ёппасига хусусийлаштириш»

- Оммавий хусусийлаштириш сотилаётган активларнинг энг катта қийматини таъминламайди
- Мулкнинг номақбул инвесторларларга ўтказилишига имконият яратилади
- Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида шок ҳолатларини келтириб чиқаради

Давлат мулкни сақлаб қолиш

- Ривожланиш бошида қўшимча инвестиция манбаларини олишга имкон бермайди
- Хусусий халқаро инвестициялар келишига тўқинлик қилади
- Самарасиз корхоналарни тўлиқ молиялаштиришни талаб қилади

Босқичма-босқич тўлиқ хусусийлаштириш

- Инвесторларга иқтисодиёт «давлат тасарруфидан чиқариш» ҳақида сигнал жўнатади
- Активнинг сотилган акциялар пакети учун “адолатли” баҳо олишга имконият беради
- Самарасиз активлардан шок ҳолатларисиз қутулишга имкон беради

«25%+1»

Инвестор активнинг капиталига киради ва активнинг самардорлигини оширишга ҳисса қўшади. Инвестор вето ҳуқуқига эга

«50%-1»

Инвестор мулкчилик улушини оширади ва бозор салоҳияти ва қийматини оширишга ёрдам беради. Давлат якуний қарор чиқариш ҳуқуқини сақлаб қолади

«Олтин акция»

Инвестор давлатдан мулкни сотиб олади. Давлат «олтин акция»ни вето ва дивидендлар ҳуқуқини сақлаб қолади, лекин оператив бошқарувдан чиқариб ташланади

Босқичма-босқич хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштиришни ўтказиш бўйича Ягона миллий фондни яратиш керак, бу мамлакатга якка тартибдаги ва корпоратив инвесторларни жалб қилиш ва саноат маслаҳатчилари билан ишлашни мувофиқлаштириш имконини беради

Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ягона миллий фонднинг таркиби ва функциялари



Асосий стратегик ташаббуслар

2025

- Давлат мулкани хусусийлаштиришни амалга ошириш
- Капитал амнистиясини амалга ошириш
- Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини таъминлайдиган махсус маъмурий ҳудудларни (ММХ) шакллантириш
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат банкларининг филиалларини очишга доир таъқиқни бекор қилиш
- Солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатининг мувофиқлик амалиётини такомиллаштириш
- Давлат бюджети Ягона ғазначилик ҳисобининг ликвидлигини бошқариш орқали Давлат бюджетининг ғазна томонидан ижросини такомиллаштириш
- Давлат қарзлари, давлат қарзларини ва давлат молиявий активларини бошқариш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

2030

- Солиқ тизимини ислоҳ қилиш

- ДХШ ни ривожлантириш

2035

● кадрлар ● молия

● технологиялар ● қонунчилик ва давлат томонидан тартибга солиш

● инфратузилма

Савдони ривожлантириш

Ички ва ташқи савдони рағбатлантириш

Ички ва ташқи савдони рағбатлантириш воситалари



Савдо



Ички



Ташқи

Институционал муҳит ривожланиши
Инвестиция оқимларини рағбатлантириш

Аҳолининг бизнес фаоллигини қўллаб-қувватлаш

Экспорт учун қулай шароит яратиш
Маҳаллий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш институтларини ташкил этиш

Экспортни ривожлантиришни рағбатлантириш



Молиявий қўллаб-қувватлаш

- 1 Суғурталаш
- 2 Молиялаштириш
- 3 Кафолатлар
- 4 Ҳисоб-китоб/валюта



Номолиявий қўллаб-қувватлаш

- 1 Ахборот-таълим бўлими
- 2 Ҳамкорларни қидириш
- 3 Тадқиқотлар
- 4 Экспортни қўллаб-қувватлаш (божхона, ИС, логистика, мослашув)

Экспортни қўллаб-қувватлаш ягона маркази

ЁКИ

Экспорт-импорт банки

Экспорт кредитларини суғурталаш бўйича агентлик

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

«Ўзимпэкс-алоқа»

Экспортни ривожлантириш бўйича миллий агентлик

Савдони ривожлантириш

Ички ва ташқи савдони рағбатлантириш

Экспорт циклининг босқичлари ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чоралари бўлими кесимида қўллаб-қувватлаш воситалари

	1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич
Қўллаб-қувватлаш чоралари бўлими	Экспортнинг афзалликлари тўғрисида маълумот бериш, экспортга тайёр эканлигини аниқлаш	Экспортни режалаштириш, бозор ва ҳамкорларни қидириш, стратегияни ишлаб чиқиш	Шартнома тузиш, маҳсулотни, ишлаб чиқаришни мослаштириш	Маҳсулотни сертификатлаш, лицензиялаш, етказиб бериш	Яқуний тартиб ва ҳисобот
1 Компетенцияларни шакллантириш	Таълим маҳсулотлари				
2 Янги бозорларга кириш	Эҳтимолий ҳамкорларни қидириш			Давлат органларида экспортчининг манфаатларини ифодалаш	
3 Тадқиқотлар	Соҳа таҳлили Мамлакат таҳлили Жаҳон савдоси таҳлили	Экспорт стратегиясини шакллантиришга кўмаклашиш Интернет-майдончаларга киришни таъминлаш			
4 Экспортга чиқаришни қўллаб-қувватлаш	Патент тадқиқотларини амалга ошириш	Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш	Логистик ёрдам		
	Маслаҳат				
	Тендерда иштирок этишни кузатиш	Сертификатлаш ва мослаштириш бўйича маслаҳат	Ҳужжат айланмасига ёрдам	Божхона бошқаруви	Давлат органларида экспортчининг манфаатларини тақдим этиш
	Экспортчилар учун акселератор				

Молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари

Суғурталаш

- Етказиб берувчи кредитини суғурталаш
- Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш кредитини суғурталаш
- Ўзбекистон инвестицияларини чет элда суғурталаш
- Ҳаридор кредитини суғурталаш
- Тасдиқланган аккредитивни (СР) суғурталаш
- Экспорт факторингини суғурталаш
- Экспортчининг айланма маблағларини тўлдириш учун берилган кредитни суғурталаш
- Кафолатларни суғурталаш
- Таъминловчи тўловларни суғурталаш
- Тасдиқланган аккредитивни суғурталаш (бир нечталиқ)
- Лизинг объектларининг қайтарилмаслик хавфини суғурталаш
- Товарларни қайтарилмаслик хавфини суғурталаш
- Кафилни суғурталаш (контркафолат)
- Хорижий харидорга боғлиқ бўлмаган кредитни суғурта қилиш

Молиялаштириш

- Экспорт контракти бўйича харажатларни молиялаштириш
- Экспортга доир етказиб беришнинг жорий харажатларни молиялаштириш
- Экспорт қилувчининг тижорат кредитини молиялаштириш
- Чет эл харидорлари билан савдо айланмасини молиялаштириш
- Хорижий харидорни тўғридан-тўғри кредитлаш
- Тасдиқланган аккредитив орқали молиялаштириш
- Хорижий харидор банкига кредит бериш
- Экспорт қилувчининг тижорат кредитини молиялаштириш
- Факторингни молиялаштириш
- Экспортчиларнинг қарз воситаларига инвестициялар киритиш
- Маҳаллий ривожлантириш учун инвестицион кредитлар

Кафолатлар

- Тендер кафолати
- Аванс тўловини қайтариш кафолати
- Экспорт шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилишини кафолатлаш
- Тўлов кафолати
- Бошқа кафолатлар
- Қарз воситаларини чиқариш кафолати

Ҳисоб-китоб/валюта


- Валюта хавфларини суғурталаш

Урбанизация

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг 68 фоизи шаҳарларда яшайди, Осиё ва Африкада эса шаҳар аҳолиси 90 фоизга ошиши мумкин. Урбанизация Ўзбекистон аҳолисига ҳам дахлдор, бу эса мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади

Ўзбекистонда урбанизация даражасини ошириш учун дастлабки шарт-шароитлар мавжуд


Шаҳар аҳолисининг улуши, %



- 2017 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон урбанизация даражасини оширишга ёрдам берадиган **учта асосий дастлабки шартлар талабларига жавоб беради**:
 - Урбанизация даражаси паст - **шаҳар аҳолисининг улуши 51% ташкил қилади**
 - Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражаси паст - харид қилиш паритети бўйича **6 865 халқаро долл. ташкил қилади**
 - Иқтисодиётнинг саноатлашиш даражаси паст - **иқтисодиётнинг 19,2 фоизини қишлоқ хўжалиги эгаллайди**
- Шу билан бирга, Ўзбекистонда **урбанизацияга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар бу**:
 - Ички миграция учун тўсиқлар пайдо қилувчи, рўйхатга олиш тизими каби **чекловчи маъмурий чоралар**
 - Шаҳарларда **мавқе ошиши учун катта имкониятларнинг йўқлиги**
 - Шаҳарларда **саноатлашиш даражасининг пастлиги**
 - Шаҳарлар деб ҳисобланалиган аҳоли пунктларда ривожланган Шаҳар инфратузилмасининг йўқлиги

Урбанизация иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлиши мумкин





Бир иш билан банд бўлганга реал қўшилган қиймат, АҚШ доллари, 2010 йил нархларида



- Урбанизация **ЯИМ тузилмасини меҳнат самарадорлиги анча юқори бўлган саноат улушини ошириш йўналишида ўзгаришига олиб келади** ва бу ўз навбатида иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. ХХР ва Ҳиндистон мисолида **урбанизациянинг 1 фоизга ўсиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 10% ва 13% га ўсишига олиб келди**
- Давлат субсидиялари юқори даражада бўлишига қарамасдан, **Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги сектори самарадорлиги паст бўлиб қолмоқда**. Хусусан, 2017 йилда қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган бир кишига тўғри келган қўшимча қиймат хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан **1 800 АҚШ долларга кам бўлди**.

Ўзбекистон Республикасининг 2035 - йилда мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари

Барқарор макроиқтисодиёт



Ўзбекистон Республикасининг 2035 - йилда мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари

Барқарор макроиқтисодиёт

Аҳолининг умумий сони, млн киши, 01.01.2018 й

32,79  42,1

CAGR = 1,4%

Ишсизлик, % иқтисодий фаол аҳолига нисбатан

 8,9  6,2

CAGR = -2%

Давлат қарзининг ЯИМ улуши, %

16  38,7



CAGR = 5,0%

Инфляция, %

14,4  4,5

CAGR = -6%

КўБ сингиши, дона/1000 киши

 7,1  25

CAGR = 7,2%

1 КўБга қўшилган қиймат, минг АҚШ доллари/КўБ

113  273

CAGR = 5,0%

Йиллик инвестициялар¹ ҳажми, млрд АҚШ долл.

12  129

CAGR = 14%

Товар ва хизматлар экспорти, млрд АҚШ долл.

13,9  136,5

CAGR = 13,5%

Товар ва хизматлар импорти, млрд АҚШ долл.

14,4  116,7

CAGR = 12,3%

Коррупцияни идрок қилиш бўйича халқаро рейтингдаги ўрни, ўрин

 157  46

CAGR = Н/Д

Умумжаҳон матбуот эркинлиги индекси халқаро рейтингдаги ўрни, ўрин

165  43

CAGR = Н/Д

Бизнесни юрийтиш қулайлиги бўйича халқаро рейтингдаги ўрни, ўрин

 74  <20

CAGR = Н/Д

Ўзбекистон Республикасининг 2035 - йилда мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари


Аҳоли турмуши сифати

қашшоқлик чегарасида яшаётган аҳолининг улуши (1,95 АҚШ доллари/кунига), %



CAGR = -100%

Джини коэффициентининг кўрсаткичи¹, %



CAGR = -0,6%

Болалар ўлими кўрсаткичи, 1000 нафар туғилганга, 2017 й




CAGR = -8,8%

Мажбурий меҳнат билан шуғулланадиган болалар сони, млн киши



CAGR = -100%

Аҳоли ўсиш суръати, ўрта йиллик %




CAGR = -0,7%

Шаҳар аҳолисининг улуши, умумий аҳолидан %



CAGR = 2,3%

Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати, умумий аҳолидан %



CAGR = 3,7%

Туғилганда кутилган умр кўриш давомийлиги, йил, 2017 йил



CAGR = 0,8%

Халқаро мигрантлар оқими, умумий аҳолидан %



CAGR = -4,8%

Соғлиқни сақлаш харажатлари, % ЯМДдан



CAGR = 3,1

Шифокорлар билан таъминланганлик, ҳар 1000 кишига шифокор



CAGR = 0,6

Таълим ҳаражатлари, ЯИМдан % ҳисобида



CAGR = 0,9

Ўзбекистон Республикасининг 2035 - йилда мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари


Аҳолининг турмуш сифати

Бошланғич мактабга борган болалар улуши, 100 кишига



CAGR = 0%

Ўрта мактабга борган болалар улуши, 100 кишига



CAGR = 0,3%

ОТМ кирган битирувчилар улуши, 100 кишига



CAGR = 12,9%

БМТ рейтингида жойлашув Human Development Index, ўрни



Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлиги %да, шаҳар/қишлоқ,



CAGR = 1,2%

Инфратузилма ва ресурслар самарадорлиги

Сув ресурсларининг унумдорлиги, ЯИМ/м³ тоза сувга




CAGR = 22,2%

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун йиллик сув олиниши, умумий сондан %



CAGR = -1,4%

Мобиль алоқага уланган абонентлар, ҳар 100 кишига абонентлар сони



CAGR = 2,8%

БМТ Барқарор Ривожланиш Мақсадлари бўйича тараққиёт индекси, балл (100дан)



CAGR = Н/Д

Мобил Интернетдан фойдаланаётган алоқа абонентлари, ҳар 100 кишига абонентлар сони



CAGR = 3,9%

ИТТКИ ҳаражатлари, ЯМДдан % ҳисобида



CAGR = 18,1%

Стратегияни амалга оширишнинг асосий босқичлари: “Стратегик поғоналар”

3-босқич

2035

Интеграция

*Етук бозор
иқтисодиётига ўтиш*

2-босқич

2030

Инновациялар

*Иқтисодий ва
технологик салоҳиятни
рўёбга чиқариш*

1-босқич

2025

Инвестициялар

*Стратегик
ривожланиш
мақсадларига фаол
тарзда инвестициялар
киритиш*

Иқтисодий ривожланишга
кучли тўртки бериш учун
инвестицияларни жалб
қилиш



Пойдевор

2020

Институтлар

*Тизимли ва
институционал асос
яратиш*

Ривожланиш ва ислоҳот учун бошқарув
тизимини яратиш



2019

2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегияси

01

Институтлар

- Ўзбекистон Республикаси Ислоҳотларни бошқариш марказини яратиш (Президент Маъмуриятининг таркибида)
- Ривожланиш институтларини яратиш:
 - КЎБ қўллаб-қувватлаш бўйича ягона институт
 - Ривожланиш банки
 - “Invest in Uzbekistan” БК
- Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун ягона миллий жамғармани яратиш

02

Молия

- Хусусийлаштиришни амалга ошириш
- Капитал амнистияси
- Солиқ ислоҳотини амалга ошириш

03


Жамият

- МТСни тадбиқ этиш
- Пенсия ислоҳотини амалга ошириш
- Давлат таълимини ислоҳ қилиш ва хусусий таълимни ривожлантириш
- "Сув" миллий лойиҳаси
- Сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни давом эттириш

Ўзбекистонда мудофаа саноати мажмуаси учун сарфланадиган харажатлар бошқа мамлакатларга нисбатан анча юқори

Ҳарбий харажатларнинг мамлакат ЯИМ улуши, 2017 й

- Ўзбекистонда ҳарбий харажатларнинг ЯИМ даги улуши дунёда ҳарбий сарф-харажатлар бўйича топ-15-та мамлакат рўйхатида кирадиган бир қатор мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан ошади



○ Ҳарбий харажатлар, млрд. АҚШ долл., 2017 й.

--- Ялпи ички маҳсулотда ҳарбий харажатлар улушининг ўртача қиймати

Шарҳлар

Ўзбекистонда ҳарбий харажатларнинг юқори даражада бўлиши қуйидаги мақсадларга эришишга имкон беради:

- Жанговар тайёргарликни оширишга ва қўшинларнинг жанговар салоҳиятини оширишга
- Қуролли кучларни замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан жиҳозлашга
- Мавжуд қуролларни модернизация қилишга
- Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни минтақа мамлакатлари ва бутун дунё билан фаоллаштиришга
- Ҳарбий шаҳарчаларнинг инфратузилма объектларини, қўшинларни техникавий ва фронт орти таъминот тизимларини ривожлантиришга
- Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва Қуролли Кучлар фахрийларининг ижтимоий таъминотиغا

Мудофаа доктринасида қайд этилганидек, Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг асосий тамойиллари бу етарли мудофаа салоҳиятини ва бетарафликни сақлаб қолишдир, бироқ бир қатор муҳим ҳужжатларни такомиллаштириш зарурати мавжуд

Миллий хавфсизлик бўйича асосий ҳужжатлар

1. Миллий хавфсизлик концепцияси

Ҳолати: ҳужжатнинг жорий варианты 1997 йилда қабул қилинган, янги концепция ишлаб чиқилмоқда



2. Мудофаа доктринаси

Ҳолат: Ўзбекистон Республикасининг 09.01.18 й. ЎРҚ-458-сонли Қонуни билан тасдиқланган



3. Иқтисодий хавфсизлик доктринаси

Ҳолати: маълумот йўқ



4. Озиқ-овқат хавфсизлиги доктринаси

Ҳолати: маълумот йўқ



5. Кибер хавфсизлик доктринаси

Ҳолати: маълумот йўқ



Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсатини белгиловчи асосий тамойиллар

- Ҳарбий кучларни бошқа давлатларга қарши қўлламастик, ҳарбий тажовузни тўхтатиш ва қайтариш ҳоллари бундан мустасно
- Хавфсизликнинг бўлинмаслиги, бошқа давлатларнинг хавфсизлиги ҳисобидан ўз хавфсизлигини мустақамлашга йўл қўйилмаслик
- Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш
- Ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳарбий-сиёсий блокга айланган тақдирда ҳар қандай давлатлараро тизимдан чиқиб кетиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш
- Мудофаавий етарлилик
- Ҳарбий қурилишнинг замонавий ҳарбий можаролар хусусиятларига мувофиқлиги
- Ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, тарқатиш ва ўрнатишни рад этиш
- Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома тамойилларига риоя қилиш
- Хорижий ҳарбий базалар ва объектларни ўз ҳудудида жойлаштиришнинг олдини олиш
- Қуролли Кучларнинг тинчликпарвар амалиётларга ва хориждаги ҳарбий низоларга қўшилмаслиги
- Халқнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларига, маданий ва цивилизация хусусиятларига таяниш



тасдиқланди



Ишлаб чиқиш жараёнида



Очиқ манбаларда маълумот йўқ

Миллий хавфсизлик

Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг асосий тамойилларини амалга ошириш таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга жавоб бериш имконини беради.

Ҳаракатлантирувчи кучларга қараб турли хил таҳдидлар комбинацияси бўлиши мумкин: партизанлар урушидан тортиб маданий қарама-қаршиликкача, терроризмдан тортиб иқтисодий урушгача

Миллий хавфсизлик таҳдидлари



Кибержиноятларга мисоллар

Ҳозирда кибержиноятлар Ўзбекистон учун янги таҳдид солмоқда. Бундай жиноятларга мисол қилиб қуйидагиларни эслатиб ўтиш мумкин:

- 2014-йилда Америка савдо тармоғининг "Home Depot" тизими бузилди ва 50 миллион кредит карталар маълумотлари ошкор қилинди
- 2015 йилда АҚШ солиқ хизмати тизимини бузиш 700 мингдан ортиқ ижтимоий суғурта рақамини ва бошқа махфий маълумотларни ўғирлашга олиб келди
- 2017 йилнинг ўрталарида WannaCry вируси 500 мингдан ортиқ компьютерга зарар етказган, Буюк Британия Миллий Соғлиқни сақлаш хизматининг компьютер тизими зарарланди

Тезкор сценарий

Эҳтимолий таҳдидларнинг кенг қамрови миллий хавфсизликнинг турли таркибий қисмларига таъсир қилади.

Миллий хавфсизликка нисбатан таҳдидлар эҳтимолига мисоллар

- ⚠ Масофавий ҳарбий ҳаракатлар, шу жумладан, УУҚ ёрдамида
- ⚠ Ресурслар учун қуролли низолар
 - Фуқаролар уруши
 - Партизан уруши
 - Бошқа мамлакат қуролли кучларининг бостириб келиши
 - Мамлакат аҳолисига ва асосий инфратузилмаларга қаратилган терроризм
 - Уюшган жиноятчилик ва наркотрафикнинг ўсиши
 - Экологик ва табиий офатлар

Миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари



Жисмоний хавфсизлик

- ⚠ Миллий молиявий тизимни нишонга олган кибер ҳужум
- Ишсизликнинг ўсиши ва мамлакат аҳоли даромадларининг қисқариши
- Миллий валютанинг қадрсизланиши
- Асосий соҳаларнинг иқтисодий беқарорлиги
- Иқтисодий санкциялар, жумладан, миллий маҳсулотларга эмбарго жорий қилиш орқали



Иқтисодий хавфсизлик

- ⚠ Сиёсий тизимни саботаж қилишга қаратилган кибер ҳужумлар
- Бошқа мамлакат томонидан сиёсий босим
- Радикал сиёсий гуруҳларнинг пайдо бўлиши
- Диний тўқнашувлар
- Ахборот уруши
- Жосуслик



Миллий қадриятлар

- ⚠ Ўзбекистонга нисбатан энг долзарб таҳдидлар

Миллий хавфсизлик

Барқарор иқтисодиёт миллий хавфсизликни белгиловчи асосий таркибий қисмларни қўллаб-қувватлашга имкон беради

Миллий хавфсизлик



Жисмоний хавфсизлик



Иқтисодий хавфсизлик



Миллий кадриятлар



"Қаттиқ" куч

- Қуролли кучлар
- Ички хавфсизлик



Иқтисодий омиллар

- Иқтисодий имкониятлар
- Иш жойлари
- Халқ фаровонлигини таъминлаш



"Юмшоқ" куч

- Дипломатия
- Маданият
- ОАВ



Миллий иқтисодиёт



Мудофаа саноат мажмуаси



Лангар саноатлар (anchor industries)

- Фискал сиёсат
- Пул сиёсати
- Соҳавий сиёсат

- Инсон капитали
- Таълим
- Иммиграция

- Инновациялар
- Илм-фан
- Технологиялар

- Жаҳон иқтисодиёти
- Савдо
- Капитал ҳаракати

Кучли таъсир

Ўртача таъсир

Заиф таъсир

Миллий хавфсизлик

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий хавфсизлик доктриналари эътибор қаратган нуқта

Ривожланган мамлакатлар ўз иқтисодий доктриналарида ташқи таҳдидларга қарши курашишга кўпроқ эътибор беришади, ривожланаётган мамлакатлар эса ички таҳдидларга қарши курашишга эътибор беришади.

Ички таҳдидлар

- Иқтисодий ўсишнинг беқарорлиги
- Аҳолининг қашшоқлиги
- Юқори даражадаги коррупция
- Юқори даражадаги ишсизлик
- Таълим даражасининг пастлиги
- Бизнесни ривожлантириш учун маъмурий ва молиявий тўсиқлар
- Инвестицион фаолликнинг пастлиги

Ташқи таҳдидлар

- Чет элдаги сотиш бозорлари учун рақобат
- Ташқи савдо шароитларига юқори даражада боғлиқлик
- Илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида орда қолиш
- Хорижий давлатларнинг чекловчи иқтисодий чоралари

Мамлакатлар мисолида:



Россия



Қозоғистон



АҚШ



Япония



Франция

Иқтисодий хавфсизлик доктринасининг таркибий қисмлари

Халқаро иқтисодий хавфсизлик амалиётларига мувофиқ, доктриналар қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади:

Ички иқтисодий барқарорликка эришиш ва халқаро даражадаги мавқени мустаҳкамлаш

- Ички иқтисодий барқарорлик барқарор ўсиш ва инқирознинг олдини олишга кўмаклашган ҳолда, иқтисодий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади
- Халқаро бозорларда мавқени мустаҳкамлаш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ошганини кўрсатади

Миллий ресурсларнинг ҳаракатланиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат томонидан назорат қилиш имконияти

- **Ресурслардан самарали фойдаланиш** иқтисодиётнинг самарали фаолият юритишининг асоси бўлиб, фойдаланишдаги жиддий бузилишлар инқирозга олиб келади
- **Ресурсларни хорижга сотиш устидан назорат** қилиш халқаро бозордаги ўзгаришларга ва стратегик ресурсларнинг йўқ бўлишига **боғлиқликни камайтириш** учун зарур

Аҳолининг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш

- **Инсон капитали** иқтисодиётнинг асосидир ва ушбу ресурснинг ривожланиши **мамлакат салоҳиятини** сезиларли даражада **ошириши** мумкин
- **Барқарор ижтимоий муҳитни** яратиш - мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги учун зарур шартлардан бири.

Миллий хавфсизлик

АҚШ Миллий Хавфсизлик стратегияси доирасида АҚШ иқтисодий хавфсизлиги, 2017 й. декабрь

Мақсадлар

Миллий иқтисодиётни рағбатлантириш

Эркин, адолатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш

Тадқиқот, технологиялар, ихтиролар ва инновацияларда етакчилик

АҚШ инновацион базасини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш

Миллий иқтисодиётни рағбатлантириш

Фаолият йўналишлари

- Тартибга солиш юкини камайтириш
- Солиқ ислохотини қўллаб-қувватлаш
- АҚШ инфратузилмасини такомиллаштириш ва янгилаш
- Фискал сиёсатдаги ўзгаришлар натижасида қарздорликни пасайтириш
- Стипендияли таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш
- Янги савдо ва инвестиция битимларини қабул қилиш ва жорийларини янгилаш
- Носоғлом савдо амалиётларига қарши ҳаракат қилиш
- Хорижий коррупцияга қарши курашиш
- Ҳамкор мамлакатлар билан ишлаш
- Янги бозор имкониятларининг пайдо бўлишига кўмаклашиш
- Фан ва техника соҳасидаги жаҳон тенденцияларини тушуниш ва истиқболни белгилаш
- Ихтирочилар ва инноваторларни жалб қилиш ва ушлаб қолиш
- Инновацияларни яратиш ва жорий этиш учун хусусий капитал ва тажрибаларни қўллаш
- Ихтиролар ва инновацияларни тезкор жорий этиш
- Инновацион базага нисбатан таҳдидларни аниқлаш ва мониторинг қилиш
- Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш
- Интеллектуал мулкни сақлаб қолиш мақсадида чет элликлар учун виза тартибини қатъийлаштириш
- Маълумотларни ва тегишли инфратузилмани ҳимоя қилиш
- Тартибга солувчи тўсиқларни камайтириш
- Экспортни рағбатлантириш
- Энергия хавфсизлигини таъминлаш
- Аҳоли ва бизнес учун энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятига эришиш
- Энергетикада АҚШ технологик устунлигини ошириш

Япониянинг иқтисодий хавфсизлиги, жорий National Security Strategy доирасида, 2013 йил декабрь

Мақсадлар

Иқтисодий тараққиёт йўли билан Япония ва унинг фуқаролари фаровонлиги

Япониянинг дунёдаги мавқеи ва салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш

Миллий хавфсизликни ва ички ҳамда глобал тинчликни сақлаш ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи асосни мустаҳкамлаш

Фаолият йўналишлари

- Эркин савдо ва рақобат орқали иқтисодий ривожланишни амалга ошириш учун эркин савдо режимини мустаҳкамлаш
- Барқарорлик, шаффофлик ва истиқболни кўра олишни таъминлайдиган муҳитни сақлаш
- Киберхавфсизликни кучайтириш
- Мудофаа қуруллари ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлик
- Фазодан барқарор фойдаланишни таъминлаш ва хавфсизлик учун уни қўллаб-қувватлаш
- Технологик имкониятларни кучайтириш
- Мудофаа саноати ва технологик асосни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш
- Интеллектуал асосни ривожлантириш (хусусан, давлатнинг, олий таълим муассасаларининг ва тадқиқот марказларининг ўзаро ҳаракатлари орқали)

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги доктринасининг тезислари

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ички ва ташқи таҳдидлардан қатъий назар, мақсадларни амалга ошириш барқарор ва мустақил иқтисодий ривожланишга эришиш имконини беради

Мақсадлар



Ички иқтисодий барқарорликка эришиш ва халқаро даражадаги мавқеларни мустаҳкамлаш



Миллий ресурсларнинг ҳаракатланиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат томонидан назорат қилиш имконияти



Аҳолининг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш

Фаолият йўналишлари

- Узлуксиз иқтисодий ўсиш ва мақбул иқтисодий тузилма
- Самарали пул ва фискал сиёсати
- Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий мустақиллик
- Халқаро савдода чекловларнинг йўқлиги
- Юқори илмий ва техник салоҳият
- Экспортни ва экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш

- Самарали давлат бошқаруви тизими
- Ресурсларни оқилона тақсимлаш
- Озиқ-овқат хавфсизлиги
- Ресурс базасининг етарли даражаси ва манбаларни диверсификация қилиш

- Аҳолининг барқарор бандлиги
- Ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имконияти
- Инсон капиталини юқори даражада ривожлантириш

Миллий ғоя ўзбекистонликларни бирлаштириши ва ягона мақсад сари интилишни таъминлаши лозим

- Энг яхши 50 мамлакатлар қаторига қўшилиш муаммосини ҳал қилиш – бу миллий кураш
- Бутун мамлакат учун рағбат ва бирлаштирувчи ғоя керак
- Миллий ғоя - бу ҳар бир ўзбекистонлик учун тушунарли ва қадрли ягона мақсад сари интилиш.
- "2035 стратегияси"нинг вазифаси - бу ҳар бир ўзбекистонликнинг бахтиёрлигини таъминлашдир



Мирзиёев Ш.М.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

Бой халқ - бой давлат: "Мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ва "Агар халқ бой бўлса, давлат бой ва кучли бўлади" тамойили асосида бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имкониятлар ва имтиёзлар яратилмоқда.

Давлат фуқаролар учун: "Биз мамлакат ҳаётига оид ҳар қандай қарорни халқ фикрини инobatга олган ҳолда, халқ билан бевосита музокаралар ўтказиш асосида қабул қиламиз. Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилишлари керак" тамойили бизнинг фаолиятимиз пойдевори бўлиб қолади.

Макроиқтисодий барқарорлик ва тадбиркорлик: "Макроиқтисодий барқарорликни янада мустақкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, жумладан, барча даражадаги давлат бюджетини мувофиқлаштириш, миллий валютанинг барқарорлиги ва ички бозорда нарх кўрсаткичларини сақлаб қолиш энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади ... бутун макроиқтисодий мажмуа учун ҳар бир оиланинг тадбиркорликни амалга ошириш имкониятини ўрганиш мақсадида доимий ташрифлар, молиялаштиришни кенгайтириш муаммоларини ечиш ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал қилиш меъёрга айланиши керак."

Хавфсизлик ҳар бир инсон учун: "Хавфсиз шаҳар - хавфсиз мамлакат" концепцияси асосида биз ҳозир мамлакатда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. Шунинг учун янги тузилма - Миллий гвардия яратилди."

Баркамол авлодни тарбиялаш: "Соғлом ва баркамол ривожланган авлодни, Ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир мақсадли ва ғайратли ёшларни тарбиялаш, барча билимларимизни ва салоҳиятимизни уларга йўналтириш биз учун жуда муҳим, асосий масала".

Тиббиёт ва соғлиққа ишонч: "Соғлиқни сақлаш соҳасига келганда, биз бир ҳақиқатни ёдда тутишимиз керак: тиббий мутахассислар бизнинг соғлигимиз ҳимоячиларидир. Халқ уларга ишониши керак ва улар халқнинг ишончини қозониши керак"; "Энг катта бойлигимиз бўлган фуқаролар соғлигини ҳимоялаш соҳасида конституциявий нормаларни амалга оширишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши керак".

Ҳамкорлик ва интеграция: "Ўзбекистоннинг минтақамиз давлатлари билан очиқ, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёрлигини яна бир бор тасдиқлашни лозим деб биламан. Бу бизнинг ташқи сиёсатимизнинг асосий устувор вазифасидир".

"Ўзбекистон 2035" стратегияси Президент томонидан белгилаб қўйилган давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга оширишга қаратилган

Давлат фуқаролар учун

Макроиқтисодий барқарорлик ва тадбиркорлик

Хавфсизлик
ҳар бир киши учун

Бой халқ -
бой давлат

Баркамол авлодни тарбиялаш

Тиббиётга ишониш ва соғлиқ

Ҳамкорлик ва интеграция

Ўзбекистон 2035

Йўналишлар бўйича батафсиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача
ривожланиш стратегиясининг концепцияси

1. Давлат бошқарувини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача
ривожланиш стратегиясининг концепцияси

Ижро ҳоқимияти

Давлат бошқарувини ривожлантириш

Жорий ривожланиш даражаси



Жиддий муаммолар

- Кадрлар танқислиги, кадрлар тайёрлашнинг заифлиги ва рағбатлантирувчи омилларнинг йўқлиги
- Ижро ҳокимияти органларининг ички назорати етарлича ривожланмаган
- Ижро ҳокимияти идораларининг устидан қонун чиқарувчи ҳокимият ва жамиятнинг ташқи назорати етарлича ривожланмаган
- Аҳоли учун электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятининг етарли эмаслиги
- Давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги самарасизлик
- Юқори даражадаги коррупция
- Коррупцияга қарши чораларнинг етарли эмаслиги

Муҳим хулосалар

- Ўзбекистон Республикасида давлат идоралари учун **стратегик режалаштириш** ҳамда узоқ ва ўрта муддатли мақсадларни белгилашнинг кенг қамровли **тизими** мавжуд эмас.
- **Ижро ҳокимияти тизимининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган** омиллар мавжуд, жумладан:
 - Давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун комплекс **назорат тизими мавжуд эмас**
 - Қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ўз вақтида ва **сифатли чиқарилган қарорларнинг етишмаслиги шароитида** парламент назорати **самарадорлигининг пастлиги**
 - **Мустақил оммавий ахборот воситаларининг сонининг озлиги** ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан **жамоатчилик назоратини чеклайди**
 - **Бошқарув кадрларни тайёрлаш тизими етарлича ривожланмаган**
 - **Лойиҳа бошқарув тизимидаги камчиликлар** давлат лойиҳаларининг самарадорлиги пасайтириб **маблағларнинг самарасиз ишлатилишига олиб келади**
- **Умуман олганда**, коррупцияга қарши чораларнинг етарли эмаслиги туфайли **ноқулай инвестицион муҳит кузатилмоқда**, бу ҳам иқтисодийнинг ривожланишига тўсқинлик қилади

Ҳукумат самарадорлиги индекси



Жаҳон банки

Давлат бошқарувининг самарадорлиги рейтинг, 2016 йил

150

214 мамлакат орасида

- Бу индекс давлат хизматлари сифатининг идрок этилишини, давлат хизматининг сифатини, давлат сиёсати ишлаб чиқишининг ва амалга оширилишининг сифатини ва ҳукуматнинг ишлаб чиқилган сиёсатларга содиқлигини кўрсатади.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан жорий этилган маъмурий ислоҳот концепцияси юқорида келтирилган муаммоларга жавоб беради ва давлат бошқарув тизимини мақбуллаштириш учун керакли таркибий қисмлар тўпламини ўз ичига олади. Бироқ, концепцияни амалга ошириш кечикмоқда. Маъмурий ислоҳот концепциясини амалга оширишни тезлаштириш тартибини яратиш ва ишга тушириш зарур.

Коррупцияни идрок қилиш индекси



Коррупцияни идрок қилиш индекси, 2017 й.

157

180 мамлакат орасида

- Бу индекс коррупцияни идрок қилиш даражасини кўрсатади
- 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши амалдаги дастур коррупцияга қарши курашишнинг бошланишидир, ammo бу йўналишда узоқ муддатли сиёсатни амалга ошириш учун кенг кўламли чора-тадбирлар талаб қилинади

Матбуот эркинлиги индекси

**REPORTERS
WITHOUT BORDERS
FOR PRESS FREEDOM**

165

Умумжаҳон
матбуот эркинлиги
индекси, 2018 йил

180
мамлакат
орасида

- Бу индексда оммавий ахборот воситаларининг эркинлик даражаси, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчилик базасининг сифати, журналистларга босим даражаси кўрсатилган
- Оммавий ахборот воситалари ижро ҳокимияти идораларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим институти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг йўқлиги жамоатчилик назорати орқали ижро ҳокимияти самарадорлигини ошириш механизмнинг ишига тўсқинлик қилади

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш индекси



БМТ
телекоммуникациялар
инфратузилмасини
ривожлантириш
рейтинги (ТИ), 2018 й

11

4

193 мамлакат
орасида

- Бу индекс электрон ҳукуматни ривожлантириш индексининг (E-government Index) таркибига киради ва мамлакатда телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланиш даражасини кўрсатади
- Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация инфратузилмаси паст даражада ривожланганлиги (мамлакатда интернет тезлиги МДХ мамлакатлари учун ўртача кўрсаткичдан 10 баравар паст) аҳоли томонидан электрон давлат хизматларидан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда

Бизнес юритиш қулайлиги индекси



Бизнес юритиш
қулайлиги рейтинги
(рейтингдаги ўрни),
2018 й.

74

190
мамлакат
орасида

- Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар мавжудлиги бўйича ҳар бир мамлакатга тегишли ўрин берилади. Бизнес юритиш учун шарт-шароитлар рейтингида мамлакатнинг ўрни қанчалик юқори бўлса, корхона очилиши ва фаолият юритиши учун ишбилармонлик шароитлари шунчалик қулай ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг ўрни ўнта йўналиш бўйича олинган умумий баҳони тартибга солиш орқали аниқланади.
- Ўзбекистон "Қурилиш учун рухсатномалар олиш" ва "Халқаро савдо" йўналишлари бўйича энг паст рейтингга эга.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш индекси



Электрон
ҳукуматни
ривожлантириш
индекси, 2018 й.

81

193
мамлакат
орасида

- Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (ЭҲРИ) ҳар икки йилда БМТ Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш департаменти томонидан тайёрланади. Индекс ахборот-коммуникация инфратузилмаси, инсон капитални ва онлайн давлат хизматлари ҳолатини тавсифловчи учта кичик индекслардан иборат.
- Рейтингнинг барча кичик индекслари орасида Ўзбекистонда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш даражаси энг паст кўрсаткичга эга.


Ижро ҳоқимияти тизимида олий маълумотли кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд



Янги ҳоқимият органлари учун юқори малакали кадрларни шакллантириш зарур.

Сўнги 2 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасида фақат республика миқёсида:

- **3** вазирлик
- **4** давлат қўмитаси
- **3** агентлик ташкил топган



Суҳбат жараёнида вазирлик ва идораларнинг **80%** кадрлар муаммосини энг кескин масалалардан бири сифатида қайд этди

бошқармаларнинг¹ **15%** бошлиқ ўринбосари даражасида бўш лавозимлар мавжуд




Олий маълумотли кадрлар етишмаслиги туфайли амалдорлар бир идорадан бошқасига жуда **тез** ўтказилмоқда

Жорий ривожланиш даражаси

Давлат хизматчилари моддий таъминотининг паст даражада эканлиги юқори малакага эга кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилади

Юқори поғонадаги раҳбарларнинг ойлик иш ҳақи даражаси¹

минг номинал доллар ХҚП бўйича



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йил санасидаги ПФ-5185-сонли Фармонида давлат идоралари ходимларининг иш ҳақи даражаси пастлиги муаммоси таъкидланган.
- Ўзбекистондаги давлат хизматчиларининг иш ҳақи харид қилиш паритети бўйича ривожланган мамлакатлардаги ўртача иш ҳақининг **икки бараваридан ҳам кам**, ва бу:
 - Давлат хизматчиларининг ижтимоий мавқеи ва уларга юкланган маъсулият даражаси орасидаги тенгсизликни юзага келтиради
 - Давлат хизматининг “нуфузини” пасайтиради ва малакали кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилади
 - Кадрларнинг кетиб қолишига олиб келади
 - Коррупция хавфини оширади
- Шунингдек, турли муассасаларнинг бир хил даражадаги лавозимлар иш ҳақида фарқи кузатилади.

Эслатмалар: 1 – Government at a Glance (2017 edition) маълумотлари бўйича, Ўзбекистон бўйича маълумотлар давлат органлари билан суҳбат асосида берилган (2 минг АҚШ доллари, ХҚП бўйича)

Жорий ривожланиш даражаси

Давлат хизматчиларини ўқитиш тизими маълум нуқтага қаратилган ва давлат аппаратининг малакасини ошириш масаласини тезда "сифатли" забт этишга йўл қўймайди (1/2)



Давлат хизматчиларини ўқитиш муассасалари



Жаҳон тажрибаси



Civil Service College (CSC)

Сингапурда 468 ўқув дастури тақдим этилган ва 43 мингдан ортиқ киши ўқитилди



Сингапур

ANZSOG

Австралия ва Янги Зеландия Ҳукумат мактаби
2017 ўқув йилида ANZSOG-да

7,3 минг киши ўқитилди олди



Янги Зеландия



Австралия



Ўзбекистон



АКАДЕМИЯ
ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- ✓ Ўзбекистон Республикасида ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мавжуд
- ✗ Академияда фақат 3-та дастур бўйича ўқитиш ўтказилади
- ✗ Йилига 180 киши ўқитилади, бу давлат хизматчиларининг сонининг 0,1% дан ҳам кам
- ✗ Хорижий ҳамкорлик ривожланмаган
- ✗ Давлат идоралари учун маслаҳат бериш хизматларини тақдим этиш ривожланмаган.



Ушбу муассасалар давлат органлари учун маслаҳат бериш хизматларини ҳам фаол равишда тақдим этмоқда.



Ижобий омиллар



Салбий омиллар

Давлат хизматчиларини ўқитиш тизими маълум нуқтага қаратилган ва давлат аппаратининг малакасини ошириш масаласини тезда "сифатли" забт этишга йўл қўймайди (2/2)



Давлат хизматчиларининг таълим муассасалари



Жаҳон тажрибаси



Сингапур

Сингапурда **Public Service Commission** давлат хизмати истеъдодларни ривожлантиради ва қўллаб-қувватлайди:

- Сингапурда ва чет элда ўқиш учун Комиссия 16-турдаги стипендияларни тақдим этади, шу жумладан: ўқиш, турар жой ва транспорт харажатлари учун
- ўқиш тугагандан сўнг давлат идораларида мансаб пиллапояларидан тезда ўсиш дастурлари



АҚШ

- Mayor's Graduate Scholarship Program (New York City)
- Federal Employee Education and Assistance Fund Scholarship Program

Дастурлар давлат хизматчиларининг сиртқи ва кундузги таълим харажатларини қоплайди



БАА

Study Leave Program for Abu Dhabi Government Employees

- Бу дастур хорижда давлат хизматчиларининг кундузги ўқиш харажатларини қоплайди.



Ўзбекистон

- ✓ Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг таълим олишини қўллаб-қувватлаш учун баъзи дастурлар мавжуд.
Мисол: JDS дастури. Давлат хизматчиларига Япония университетларида магистр ва докторлик даражасини олиш имкониятини тақдим этади. 2018 йилда Япония 2,4 миллион АҚШ долларини ушбу дастурни молиялаштириш учун ажратди. Дастур фаолиятининг 18 йили мобайнида 311 нафар мансабдор шахс ўқитилди.
- ✓ Айрим вазирликлар ва муассасалар мустақил равишда қисқа муддатли малака ошириш курслари каби ўқув дастурларини жорий этмоқдалар.
- ✗ Маҳаллий ва/ёки чет эл университетлари негизида давлат хизматчиларини ўқитишни қўллаб-қувватлашнинг кенг қамровли тизими мавжуд эмас
- ✗ Таълим олгандан сўнг мансаб пиллапояларидан тезда кўтарилиш дастурлари мавжуд эмас



Ижобий омиллар



Салбий омиллар

Ўзбекистонда кадрлар ривожлантириш тизими ишлаб чиқилмоқда, аммо зарур қонунларни қабул қилиш чўзилмоқда



Миллий кадрлар захирасини яратиш

Кадрлар захираси - бу давлат хизмати ходимларини марказлаштирилган ҳолда танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, шунингдек, давлат хизматчиларининг мансаб пиллапоясидан кўтарилишини мониторинг қилишни ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муассасадир.

Миллий кадрлар захирасининг ўқув базаси таълим хизматлари учун ОТМ-га берилган давлат буюртмаси асосида шакллантирилади.



Давлат маблағлари ҳисобидан давлат хизматчиларининг мунтазам малака оширишини ташкил этиш

Кадрлар захирасини тайёрлаш бўйича ўқув дастурларида магистрлик даражасини олиш мўлжалланади. Ўқиш тугагандан сўнг, давлат хизматчиларидан давлат органларида маълум муддат ишлашлари ёки бажарилмаган мажбуриятларга мутаносиб равишда ўқиш харажатларини қоплашлари талаб қилинади.



Давлат хизмати миллий агентлигини ташкил этиш

Миллий агентлик кадрлар малакасини ошириш тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий жиҳатдан бошқаради, ўқув дастурларини тасдиқлайди



Малака даражасини фақат тегишли ўқув дастурларини ўтгандан кейин бериш

Хизмат пиллапоясидан кўтарилиш бевосита давлат хизматчиларининг билими ва малакасига боғлиқ бўлади

Қонун кадрлар таъминоти тизимидаги асосий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлса-да, тахминан бир йилдан буён лойиҳа даражасида қолмоқда!

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти коррупция муаммосининг аҳамиятидан хабардор ва коррупцияга қарши курашишда кенг қамровли ёндашувни яратиш бўйича чоралар кўрмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш қонуни



2017 йилнинг 3 январида ЎРҚ-419-сонли "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари:

- Жамиятдаги коррупцияга нисбатан муросазис муносабатни шакллантириш
- Коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш
- Коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш

2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури



2017 йил 2-февралда 2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди.

- Дастурда 51 чора-тадбирдан иборат бўлган йўл харитаси мавжуд

Дастурнинг амалга ошириш ҳолати давлат идораларидан маълумотларни олиш натижалари асосида аниқланади

Муассасаларо комиссиялар



Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини амалга ошириш учун муассасаларо комиссиялар² ташкил қилинди:

- Республика муассасаларо комиссияси
- Қорақалпоғистон Республикаси муассасаларо комиссияси
- Тошкент шаҳридаги муассасаларо комиссия



Ижобий омиллар



Салбий омиллар

1

Ривожланиш мақсадининг варианты

Ташаббусларни тепадан пастга (Top-down) қараб амалга ошириш тамойилига доир модел

Ушбу модел олий даражадаги ижро ҳоқимияти бошқарувчиларининг асосий йўналишларини аниқлашни, ҳар бир бўлинма учун мақсадларни ишлаб чиқишни, батафсил АСК ишлаб чиқишни, АСК амалга оширилишини ҳар ҳафтада қатъий мониторинг қилишни, ислоҳотлар натижаларини, мустақил текширувларни ва жамоатчилик назорати ишларини назорат қилувчи алоҳида ижро органини яратишни назарда тутди



- Юқори самарадорлик
- Амалга оширишнинг юқори тезлиги
- Ривожланишнинг аниқ устувор йўналишлари
- Жамият учун очиқлик ва шаффофлик



- Назорат органида кўп миқдордаги ваколатларни жамлаш
- Фақат устувор деб белгиланган муаммоларни ҳал қилиш

Мамлакатлардан мисоллар:



Ҳукуматни ўзгартириш дастури (ХўД) - дастур 2010 йилда Малайзияда жорий этилди.

Ислоҳотларни ўтказиш мониторингини амалга ошираётган ва юритаётган идорадан фойдаланиб натижаларга тезкорлик билан эришиш

2

Пастдан юқорига ташаббусларини амалга ошириш тамойилига асосланган модел (Bottom-up)

Ушбу модел муассасалар орқали узоқ муддатли мақсадларни (5 йил), уларга эришишнинг йиллик режаларини ишлаб чиқишни ва йиллик ҳисоботларни тақдим этишни назарда тутди. Шу билан бирга, муассасалар ўз-ўзига мақсадлар қўяди ва уларга эришиш йўллари белгилаб олади. Тизим назоратини қонун чиқарувчи ва ижро ҳоқимияти амалга оширади. Ушбу модел жамоатчилик назорати элементларини назарда тутди.



- Натижаларга интилиш
- Кенг қамровли ёндашув
- Жамоатчилик назорати
- Кам меҳнат сарфланади
- Назорат қилувчи органининг чекланган ваколатлари



- Дастурни амалга ошириш даражаси паст
- Қатъий назорат етарли эмас
- Мақсадларни белгилаб олишда устувор мақсадларнинг йўқ бўлиш хавфи
- Турли муассасалар мақсадлари ва ишлари мувофиқлик даражасининг пастлиги
- Олдиндан келишиб олмаганлик эҳтимоли

Мамлакатлардан мисоллар:



Ҳукуматнинг самарадорлиги ва натижалари тўғрисидаги қонун (ХСНҚ) - тизим 1997 йилда АҚШ жорий этилган..

Ривожланган иқтисодиётда вазирлик ва муассасалар натижаларга мустақил равишда эришадилар

3

Аралаш модел

Тизим ўзи билан ижро ҳоқимиятнинг назорат органи, ижро ҳоқимиятининг молиявий ва маъмурий органи ва тармоқ вазирликлари ўртасида келишувлар мажмуини ифодалайди, ва ўрта муддатли мақсадларни (3 йил), уларга эришиш кўрсаткичларини, зарур ресурслар ва “пул эвазига кадрият”нинг баҳоланишини ўрнатади. Мониторинг ҳар ярим йилда амалга оширилади. Мустақил аудит назарда тутилган



- Натижаларга эришиш мақсади
- Мустақил аудит
- Кенг қамровли ёндашув
- Кам меҳнат сарфланади
- Харажатлар самарадорлигини баҳолаш



- Дастурни амалга ошириш даражаси паст
- Назорат етарли даражада қаттиқ эмас
- Турли бўлимлар ишининг ўзаро келишилмагани

Мамлакатлардан мисоллар:



Давлат хизмати шартномалари - тизим 1998 йилдан 2010 йилгача Буюк Британияда амалга оширилди.

Мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш йўллари ишлаб чиқишда юқори турувчи ижро ҳоқимияти ва тармоқ вазирликларининг биргаликдаги иши

Мақсадлар кўриниши - 2035


Ижро ҳокимияти органлари учун мақсад ва вазибаларини белгилаб бериш тизимини жорий этиш, давлат лойиҳалари ва дастурларининг самарадорлигини ошириш, ижро ҳокимияти органларининг ички ва ташқи назорат тизимини ривожлантириш, кадрлар билан таъминлашнинг кенг қамровли тизимини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш, давлат хизматларидан аҳолининг фойдаланиш кўламини ошириш, ҳокимият алмашуви тамойилларига риоя қилиш ва конституциявий асосларни сақлаб қолиш

- Давлат органлари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичларга эришуви устидан узлуксиз мониторинг механизмини яратиш
- ОАВ мустақиллигини ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш
- Кадрлар захирасини яратиш, давлат кадрларини сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
- Жамоатчилик учун очиқ, муносиб ва етарли иш ҳақи даражасини яратиш орқали давлат хизматчиларининг профессионал таркибини яхшилаш
- Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ижро ҳокимиятини рақамлаштириш
- Коррупцияга қарши дастурлар ва жараёнларни мақбуллаштириш орқали коррупцияни камайтириш
- Давлат хизматининг нуфузи ва ижтимоий жозибдорлигини оширишга қаратилган чоратadbирлар мажмуини қабул қилиш
- Ижрочи хокимит тизими ичидаги барча вазирлик, идора ва ташкилотларда умумий аттестация ўтқозиш

Рақамли кўрсаткичлар

	2016/17/18	2035
Давлат бошқарувининг самарадорлиги рейтинг (рейтингда ўрин)	150	Топ-50
Коррупцияни идрок қилиш индекси (рейтингда ўрин)	157	Топ-50
Умумжаҳон матбуот эркинлиги индекси (рейтингда ўрин)	165	Топ-50
Телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланиш рейтинг (рейтингда ўрин)	114	Топ-50
Бизнес юритиш қулайлиги рейтинг (рейтингдаги ўрни)	74	Топ-20
Электрон ҳукумат ривожланиши индекси (рейтингда ўрин)	81	Топ-30

Инвестициялар



Асосий стратегик ташаббуслар

2025

- Мақсадга эришиш учун дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун давлат органини яратиш (Ислоҳотларни бошқариш маркази)
- Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш (тингловчилар сонини 180 нафардан 8 минг нафаргача ошириш, таълим дастурларини янгилаш ва сонини 3 дан 400 қадар ошириш)
- Кадрлар билан таъминлашнинг кенг қамровли тизимини жорий қилиш (ишга ёллаш эҳтиёжини аниқлаш, халқаро тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш)
- Давлат органларида бошқарув маданиятини ривожлантириш (шаффоф танлов босқичлари ва лавозимга лойиқлик мезонларини жорий этиш)
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 й. ПФ-2752-сонли Фармони билан тасдиқланган давлат дастурини амалга ошириш, ва давлат ва йирик хусусий ташкилотлар ва корхоналарда коррупцияга қарши кураш дастурини жорий этиш мажбуриятини яратиш
- Қонунчилик базасини такомиллаштириш, такрорий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бартараф этиш
- ОАВ орқали сўз эркинлиги ва жамоатчилик назоратини кучайтириш (Умумжаҳон матбуот эркинлиги индекси бўйича 120 мамлакатлар қаторига кириш)
- Солиқ тўловлари, давлат хизматларидан фойдаланиш ва бошқалар бўйича маълумотларни кузатишни соддалаштириш учун Миллий Идентификация Рақамини киритиш
- Давлат статистика тизимини ислоҳ қилиш
- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини рўйхатга олиш

● кадрлар

● молия

● технологиялар

● қонунчилик ва давлат томонидан тартибга солиш

● инфратузилма

2030

- Давлат хизматчиларининг таълим даражасини ошириш (халқаро амалиётларни жорий қилиш, таълим дастурларини халқаро амалиётга мослаштириш)
- Давлат хизматчилари учун in-out тизимини жорий этиш, лавозимларни бутлаш учун ҳам, давлат органлари ичида рақобатни кучайтириш
- Бизнес ва давлат хизматчилари учун коррупция фойдасиз бўладиган муҳитни шакллантириш
- Давлат хизмати тизимида янги кадрларни тарбиялаш, коррупцияни рад этишни шакллантириш, таълим дастурлари орқали давлат органлари "қиёфасини" ўзгартириш, ички тренинглар ўтказиш, қонунчиликни қаттиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш (Коррупцияни идрок қилиш индекси бўйича топ 80 мамлакатлар қаторига кириш)
- Жамоатчилик назоратининг мустақил институтларини шакллантириш (жамоатчилик ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари учун грантлар ва ҳоказо) (Умумжаҳон матбуот эркинлиги индекси бўйича топ-80 мамлакатлар қаторига кириш)
- Давлат хизматларини кенг миқёсда рақамлаштириш, жумладан, сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини қўллаш, вазирликлар ва идораларнинг ишини ташкил қилиш учун ИТ-технологияларни жорий этиш, катта маълумотларни таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш (электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси бўйича топ 50 мамлакатга кириш ва Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш рейтингига кўра топ 70 та мамлакатлар сафига кириш)

2035

- Давлат хизматчиларини тайёрлайдиган таълим муассасалари учун халқаро аккредитация олиш
- Коррупцияга қарши ижтимоий муросасизликни ривожлантириш, жамият дунёқарашини ўзгартириш (оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари билан ишлаш) (Коррупцияни идрок қилиш индекси бўйича топ-50 мамлакатлар қаторига кириш)
- Давлат хизматларини кўрсатишнинг электрон усулига ўтиш, шу жумладан, лойиҳаларни бошқариш ва давлат хизматларини тақдим этишда сунъий интеллект ва блокчейн технологияларидан кенг қамровли фойдаланиш (электрон ҳукумат ривожланиши индекси бўйича топ 30 ва телекоммуникация инфратузилмаси ривожланиш индекси бўйича топ 50 мамлакатлар қаторига кириш)
- Ижро ҳокимияти самарадорлигини анча юқори кўтариш (давлат бошқаруви самарадорлиги бўйича топ 50 мамлакатга кириш)
- Бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш (Бизнес юритиш қулайлиги индекси бўйича топ-20 мамлакатлар қаторига кириш)
- Мустақил оммавий ахборот воситаларини сўз эркинлигини таъминлаш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ривожланган тизимини яратиш (вазирлик ва идораларнинг жорий фаолиятини муҳокама қилишда ташкилотларни жалб қилиш, қонунларни қабул қилишда фикрларни ҳисобга олиш) (Умумжаҳон матбуот эркинлиги индекси бўйича топ 50 мамлакатлар қаторига кириш)

Қонун чиқарувчи ҳокимият

Давлат бошқарувини ривожлантириш



Асосий муаммолар

- Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият тўлиқ мустақил эмас
- Ўзбекистон Республикасида сиёсий маданият даражаси демократия ривожланган давлатлардан ортда қолмоқда
- Қонунчилик базасининг сифати барқарор эмас ва яхшилашни талаб қилади
- Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда исботлаш сиёсати ва "оқилона тартибга солиш" тамойиллари воситаларидан етарли даражада фойдаланмаслик уларнинг сифатини пасайтиради
- Қонун ишлаб чиқиш жараёнида давлат идораларининг ўзаро келишилмаган ҳаракатлари ва давлат идораларини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг паст даражаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини пасайтиради
- Парламент назорати даражасининг пастлиги
- Қонунчиликни муҳокама қилиш учун жамоатчилик платформаларининг фойдаланиш учун чекланганлиги

Асосий хулосалар

- Ўзбекистон Республикасида **ҳокимият вакиллик органларини** шакллантириш ва **улар ваколатларига** доир бир қатор тўсиқлар мавжуд. Ушбу чекловлар **қонун чиқарувчи ҳокимият идорасининг мустақиллигини пасайтиради**
- Қисман "бевосита амал қилувчи" қонунлар етишмаслиги сабабли **қонунчилик базасининг сифати паст**. Бошланғич қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг етарли даражада аниқ эмаслиги уларни ижро ҳокимияти идоралари ҳужжатларида батафсил акс эттиришга мажбур қилади, улар эса иш кўплигидан масалани ҳар доим ҳам чуқур ўрганиб чиқа олмайдилар
- Парламент аъзоларига зарур дастлабки маълумотлар тақдим этилаётганда, қонун яратиш жараёнида давлат идоралари ўртасида ўзаро келишувнинг йўқлиги сабабли **қонун ҳужжатларида қарама-қаршиликлар** мавжуд
- Тартибга солиш таъсирини баҳолаш (Regulatory Impact Analysis, RIA) ва «оқилона тартибга солиш» тамойиллари **каби исботлаш сиёсати воситаларининг етарли даражада қўлланилмаслиги қонун ҳужжатлари самарадорлигининг ва натижаларнинг пасайишига**, шунингдек, аҳоли зиммасига асоссиз маъмурий юк юкланишига олиб келади
- Парламент депутатларига илмий ёрдам етишмаслиги, малаканинг пастлиги ва манбалар билан таъминлаш етарли даражада эмаслиги сабабли **ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларнинг сифати паст**
- Халқаро шартномалар рақамли базасининг мавжуд эмаслиги **қонунларни ишлаб чиқишда** ва амалдаги қонунчилик базасини баҳолашда уларнинг низомлари **ҳар доим ҳам эътиборга олинмаслигига** олиб келади.
- Телекоммуникация инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва қонунчилик жараёнини рақамлаштиришдаги камчиликлар барча манфаатдор томонлар билан **қонунчилик ташаббусларини жамоатчилик билан муҳокама қилишда тўсқинлик қилмоқда**.

Демократияни ривожлантириш индекси



Демократия индекси,
2017 й.

158

167 мамлакат
орасида

- Ушбу индекс мамлакатда демократияни ривожлантириш даражасини кўрсатади ва сайловлар, сиёсий плюрализм, фуқаролик эркинликлари, ҳуқуқат фаолияти, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва мамлакатда сиёсий маданият ривожланиши каби соҳаларни қамраб олади.
- Ўзбекистон Республикасида сиёсий маданиятни ривожлантиришни давом эттириш зарур. Мамлакатда сиёсий партияларни эркин рўйхатга олиш жараёни чекланган, ҳокимият вакиллик органларининг мустақиллиги чекланган, минтақавий даражада ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият раҳбарларининг лавозимларини бирлаштириш амалиёти олиб борилади, бу эса қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига тўсқинлик қилмоқда

Давлат томонидан тартибга солиш сифатининг глобал кўрсаткичлари



Жаҳон банки

Давлат томонидан
тартибга солиш
сифатининг глобал
кўрсаткичлари, 2016 й

74-
80

186
мамлакат
орасида

- Ушбу кўрсаткич қонунчилик жараёнининг сифати, қонунчилик базасининг сифати ва аҳоли учун фойдаланиш имкониятининг даражасини акс эттиради
- Қонунчилик жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш ва қонунчилик базасини мақбуллаштириш зарур
- 08.08.2018-йилда Ўзбекистонда энг яхши халқаро амалиётга мос келадиган ва амал қилинган ҳолда, қонун ижодкорлиги жараёнини ва қонунчилик базасини яхшилашга илк қадам қўядиган қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият тўлиқ мустақил эмас, ва бу қонун ижодкорлиги ва назорат функцияларининг сифатини пасайтиради



- Либерал демократик партияси
- Демократик партия
- Халқ Демократик партияси
- Социал-демократик партияси

- Қонунчилик палатаси 150 нафар депутатдан иборат
- Мустақил номзодларни кўрсатиш таъқиқланганлиги Қонунчилик палатасини фақат рўйхатга олинган партияларнинг номзодлари орасидан шакллантиришга имкон беради¹
- Партияларни рўйхатга олиш жараёни ошқора эмас ва янги сиёсий партияларни рўйхатга олишга тўсқинлик қилиши мумкин²
- Президент Қонунчилик палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгадир⁴




Мавжуд тартиб Қонунчилик палатасининг мустақил бўлишига тўсқинлик қилади ва назорат ҳамда қонун ижодкорлигига тегишли вазифаларни бажаришни қийинлаштиради

Сенат таркибига 100 нафар сенатор киради:









- 84 нафар сенатор вилоят ҳокимиятининг вакиллик органлари депутатлари овоз бериши орқали сайланади
- Ҳар бир вилоят 6 сенаторни юборади
- 16 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади
- Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги вакиллик органлари (халқ депутатлари кенгашлари) ҳокимлар орқали бошқарилади, улар ҳокимиятни тақсимлаш тамойилига зид келади ва маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий ижро этувчи органлари фойдасига заифлашишига олиб келади
- Вилоят ҳокимлари айна пайтда сенаторлар бўлади, бу эса назорат қилувчи ваколатларни амалга ошириш ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига доир қарорларни қабул қилиш нуқтаи-назаридан Сенат фаолиятининг самарадорлигини пасайтиради
- Сенатнинг 16 нафар сенаторини тайинлаш тамойили Сенатнинг ижро ҳокимиятидан мустақиллигини оширади

Мавжуд тартиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатли органи ва маҳаллий вакиллик органларининг мустақиллигига тўсқинлик қилади, шунингдек назорат ва қонун ижодкорлиги вазифаларининг бажарилишини қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг иерархияси



- I даражали қонунлар
- II даражали қонунлар
- III даражали қонунлар
- IV даражали қонунлар
- V даражали қонунлар

-  Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика миқёсдаги вазирлик ва муассасаларнинг актлари
-  Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
-  Халқаро шартномалар ва битимлар
-  Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва фармойишлари
-  Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари
-  Маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари
-  Ўзбекистон Республикасининг қонунлари
-  Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари

Иерархияга риоя қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоли соҳалар мавжуд:


- Ижро органи томонидан чиқарилган низомлар қўпинча қонунлар ўрнини босади
- Ҳуқуқни қўлловчи идоралар биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига амал қиладилар
- Халқаро шартномалар ва битимлар устуворлигига риоя қилинмайди

Мавжуд тизим халқаро шартномаларнинг тўлиқ қўлланилишини таъминламайди, бу эса Ўзбекистон Республикаси халқаро интеграциясини мураккаблаштиради



Халқаро шартномаларни тўплайдиган асосий давлат органи Ташқи ишлар вазирлиги ҳисобланади

Ўзбекистон **4000** зиёд халқаро битимларда иштирок этмоқда



Ташқи ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари ва жамият учун очиқ бўлган электрон, оммавий келишувлар базасини сақламайди.



Халқаро шартномаларнинг тўлақонли электрон базаси йўқлиги уларни давлат идоралари, депутатлар ва судлар томонидан ишлатилишини сезиларли даражада қийинлаштиради



Халқаро битимлар қоидалари Ўзбекистоннинг қонунчилик базасида тўлиқ акс эттирилмайди, бу эса уларни амалга ошириш тартибига тўсқинлик қилади

Жорий ривожланиш даражаси

Муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 08.08.2018 й. энг яхши халқаро амалиётларга бутунлай мос келадиган қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини маъқуллади

	Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг таркибий қисмлари	Амалга ошириш муддати
Қонунчилик базаси	<ul style="list-style-type: none">• Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартириш, амалда қўлланилмаётган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-қоидаларни олиб ташлаш• Бевосита амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш	 Батафсил маълумотлар кўрсатилмаган 2018 йил 01 декабргача
Қонун ижодкорлиги фаолияти	<ul style="list-style-type: none">• «Ақлли тартибга солиш» моделидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш, «тартибга солиш муҳити» ҳуқуқий режимини шакллантириш	2019 йил 01 январгача
	<ul style="list-style-type: none">• НХҚ лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни мажбурий баҳолаш тизимини жорий қилиш, шу жумладан манфаат ва харажатлар таҳлили	2019 йил 01 декабргача
	<ul style="list-style-type: none">• Давлат органлари томонидан ҳуқуқий меъёрларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида фуқаролик ташаббусларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш• Далилларга асосланган сиёсат ва "оқилона тартибга солиш" воситаларини жорий қилиш ва қўллашни мувофиқлаштирувчи ягона ташкилотни белгилаш	2018 йил 01 октябргача 2019 йил 01 августгача

Шарҳлар

- Концепция ривожланган давлатлар амалиётига мос келадиган қонунчилик базасини ва қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг асосий таркибий қисмларини ўз ичига олади. Концепция амалга оширилган тақдирда, қонун ижодкорлиги фаолиятига ва қонунчилик базасига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда
- Концепциянинг айрим таркибий қисмлари декларатив тарзда ёзилган, аниқ қадамларни, муддатларни ва масъул шахсларни белгилашни талаб қилади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият

Жорий ривожланиш даражаси

Қонунларда нормаларининг етарлича талқин этилмагани сабабли тафсилотларни аниқлаш қонуности ҳужжатлар даражасида амалга оширилади, ва бу қонунчилик сифатини пасайтириб, қарама-қаршиликлар ва коррупцияга мойиллик пайдо бўлишига олиб келади



Ўзбекистонда сўз эркинлиги ва мустақил оммавий ахборот воситаларини чеклаш қонун чиқарувчи ҳокимият идораларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ва қонунларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилади.

Инглиз тилида қонунчилик базаси мавжуд эмас



- Инглиз тилида қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги хорижий инвесторларни жалб қилишни қийинлаштиради

Ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мавжуд эмас



- Lex.uz базаси фойдаланувчини қизиқтирган масалани мустақил равишда тўлиқ тушуниб олиши учун интерактив режимда тегишли ҳужжатлар, қонуности ҳужжатлари, суд қарорларининг тўлиқ рўйхатини тақдим этишга имкон бермайди

Электрон базада қонунчилик ҳужжатларининг барчаси ҳам мавжуд эмас



- Қонунчилик ҳужжатларининг тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги аҳоли учун унга ўрганиш имкониятини қийинлаштиради, масалан, кўплаб халқаро шартномалар қонунчилик ҳужжатларининг электрон базасида мавжуд эмас.

Ривожланмаган ИТ-инфратузилмаси аҳолининг қонунчиликка доир электрон базаларга киришига тўсқинлик қилади



- Интернет тезлигининг пастлиги ва унинг оммабплиги етарли даражада эмаслиги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўл қўймайди ва қонунларнинг самарадорлигини пасайишига олиб келади. 2018 йилда Ўзбекистон БМТнинг ИТ инфратузилмасини ривожлантириш индекси бўйича рейтингда 193 мамлакатдан 114-ўринни эгаллади

Ўзбекистон Республикасидаги қонун ижодкорлиги жараёнининг муаммолари нўқталари

Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги жараёни



✘ Олий Мажлис таркибида тадқиқот олиб борувчи ва депутатларга маслаҳат берувчи **махсус бўлинма** йўқ.

✘ **Далилларга асосланган сиёсат** воситалари етарли даражада қўлланилмайди, жумладан тартибга солувчи таъсирини баҳолаш

(Regulatory Impact Analysis ,RIA)

✘ “Оқилона тартибга солиш”нинг қуйидаги тамойилларни етарли даражада қўлламаслик: масалан:

- «One in One out»
- «Regulatory guillotine»
- «Sunset clause»

✘ Олий Мажлис палаталарининг **ўзаро ҳамкорлигига доир муаммолар**¹

Ўзаро ҳамкорлик йўналишлари



Ижро ҳокимиятининг соҳавий идоралари билан ўзаро ҳамкорлик

✘ Қонун ижодкорлиги жараёнини ва далилларга асосланган сиёсат воситаларини қўллашни мувофиқлаштирувчи идора мавжуд эмас

✘ Муассасаларо ҳамкорлик учун АКТ платформаси мавжуд эмас



Илмий жамоатчилик билан муҳокама

✘ Илмий ва эксперт жамоаларининг иштироки етарли даражада эмас

✘ Жамоатчилик фикрини инobatга олиш етарли даражада эмас (regulations.gov.uz порталидаги изоҳларнинг **53%** ҳисобга олинмаган)



Аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик

✘ ИТ-инфратузилмасининг ривожланмаганлиги онлайн-платформаларда жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш учун киришини қийинлаштиради



Халқаро битимлар низомларини инobatга олиш

✘ Халқаро шартномаларнинг тўлиқ рақамли базаси йўқлиги уларнинг қонун лойиҳаларида ўз аксини топишга тўсқинлик беради.

Эслатма. 1 - жумладан, суҳбат натижаларига асосланган ҳолда: қонун лойиҳалари 4 ой Сенатда кўрилади, Қонунчилик палатаси эса қонун лойиҳасини бир ой муддатда кўриб чиқади. 2 - БМТнинг “Қонун ижодкорлиги, меъёр ижодкорлиги ва Қонунчилик актлари таъсирини баҳолаш тизими (ҚАТБТ) ни модернизациялашга қўмаклашиш/2-босқич” лойиҳаси

Қонун чиқарувчи ҳокимият

Жорий ривожланиш даражаси

Ўзбекистонда парламент назорати сўровлар ўтказишга кам эътибор қаратиши ва тавсия бериш хусусиятига эгаллиги билан тавсифланади

Парламент назорати тизимининг таркибий қисмлари (халқаро тажриба)

	Мисоллар	Ўзбекистондаги вазият ¹
Субъектлар	<ul style="list-style-type: none"> Парламентнинг иккала палатаси, депутатлар (Сенат аъзолари), партиялар, фракциялар 	 <ul style="list-style-type: none"> ✓ Халқаро амалиётларга мувофиқлик
	<ul style="list-style-type: none"> Йўналишлар бўйича парламент назорати учун масъул қўмиталарнинг таркиби ва ваколатлари белгиланган 	 <ul style="list-style-type: none"> ⚠ Қонунчилик асосида фақат Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси бор, назорат воситалари аниқланмаган
Назорат турлари	<ul style="list-style-type: none"> Ҳукуматнинг мажбурий ҳисоботларини эшитиш 	 <ul style="list-style-type: none"> ✓ Ҳукумат вакилларининг мунтазам равишда ҳисоботларни тақдим этиш мажбурияти белгиланган
	<ul style="list-style-type: none"> Парламент сўровлари, текширувлар, тадқиқотлар ва ҳоказоларни ўтказиш 	 <ul style="list-style-type: none"> ⚠ Парламентнинг асосий эътибори парламент сўровларини ўтказишга йўналтирилган эмас², сўровлар сони тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ
	<ul style="list-style-type: none"> Ишончсизлик билдириш 	 <ul style="list-style-type: none"> ✓ Парламент қўйи палатасининг депутатлари Бош вазирга ишончсизлик билдиришлари мумкин
Масъулият	<ul style="list-style-type: none"> Суд ишини қўзғатиш имконияти, маълумот беришдан воз кечганлиги учун маъмурий ва жинорий жавобгарлик белгиланган 	 <ul style="list-style-type: none"> ⚠ Қонунчиликда назорат бўйича кўрсатмалар тавсия хусусиятига эга, ижро этувчи идоралар депутатлар ва фракциялар сўровларини эътиборсиз қолдиради

Шарҳлар

- Сўнги икки йил мобайнида Олий Мажлис фақат 6-та парламент сўровини жўнатган, бу парламент назорати даражасининг пастлигини билдиради. Ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда, Франция ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 2015 йилда 25 минг ва 30 мингга тенг бўлган
- Бундан ташқари, белгиланган назорат жараёнлари йўқ, асосий эътибор текширишлар ва сўровларда эмас, “эшитишларда” бўлиб турибди, кўрсатмалар тавсия хусусиятига эга
- Парламент назорати соҳасида ёритилган қўшимча масалалар:
 - Парламент назоратини амалга ошириш учун етарлича маъмурий имкониятларнинг йўқлиги (депутатларнинг сўровларни тайёрлашда ёрдам бериш учун ўз аппаратлари йўқ ва ҳоказо)
 - Республика ва вилоят даражасида парламент назоратининг мувофиқлашуви йўқ

Эслатма. 1 - "Парламент назорати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2 - БМТ вакилларининг баҳоси асосида Манбалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида" ги Қонуни, экспертлар сўхбати

Қонун чиқарувчи ҳокимият

Ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият соҳалари ўртасида ўзаро нисбатни тақсимлашнинг стратегик имкониятлари

1

Ҳокимият бўлинишида ваколатни кўпроқ қонун чиқарувчи соҳага бериш

Ваколатнинг энг катта қисми парламент қўлида тўпланган. Парламент ҳукуматни тузади ва унинг фаолиятини назорат қилади. Кўпинча давлат раҳбари парламент томонидан сайланади.

Ривожланган сиёсий маданият; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат; очиқ сайловлар; давлат бошқаруви халқ томонидан қонуний сайлаган шахслар томонидан амалга оширилади; ҳукуматнинг очиқлиги юқори даражада; ОАВ эркинлиги.



- Ҳокимиятнинг бир ҳукумат қўлида узоқ муддат бўлиш хавфи паст
- Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш
- Ижро ҳокимияти фаолияти устидан кучли назорат



- Сиёсий йўл беқарор бўлиши мумкин.
- Ҳукумат тез-тез ўзгариши мумкин.
- Мувофиқлаштиришнинг мураккаблиги, айниқса инқироз даврида

Мамлакатлардан мисоллар:



Германия



Италия

Мамлакатда сиёсий маданият юксак даражада ривожланган ҳолдаги модел

2

Мустақил парламентга эга мувофиқлаштирилган тизим

Давлат раҳбари халқ томонидан сайланади. Давлат раҳбари ҳукуматнинг фаолиятини шакллантиради ва назорат қилади. Парламент ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга оширади, жумладан, бюджет назорати, вето, импичмент ҳуқуқига эга

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; очиқ сайловлар; давлатни бошқариш халқ томонидан қонуний сайланган шахслар орқали амалга оширилади; ҳукуматнинг очиқлиги юқори даражада; ОАВ эркинлиги



- Қарор қабул қилишнинг юқори тезлиги ва барқарорлик
- Ижро ҳокимияти устидан назорат
- Ҳокимиятни тақсимлаш
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш



- Ҳокимият бир ҳукуматнинг қўлида узоқ муддат бўлиши хавфи
- Ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг қарама-қаршилиги эҳтимоли
- Тизимнинг давлат бошлиғига қаттиқ боғлиқлиги

Ривожлантиришнинг мақсадли йўналиши

Мамлакатлардан мисоллар:



АҚШ



Жанубий Корея

Қонун чиқарувчи соҳанинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан юқори даражадаги ташқи назорат

3

Юқори даражада марказлаштирилган тизим

Сиёсий плюрализмнинг йўқлиги; демократик маданиятнинг ривожланмаганлиги; оммавий ахборот воситаларининг чекловлари; сайлов эркинлигини чеклаш; ҳокимиятни тақсимлаш қонуни амалга оширилмайди; ҳокимият жамият орқали назорат қилинмайди ва унга ҳисобот бермайди



- Қарорларни тезкор қабул қиладиган ва амалга оширадиган кучли ҳокимият
- Барқарорлик, тартиб ва хавфсизлик



- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилмаслик
- Ҳокимият фаолияти устидан назоратнинг йўқлиги
- Яккаҳокимликнинг катта эҳтимоли
- Коррупциянинг катта эҳтимоли

Мамлакатлардан мисоллар:



ХХР



Шимолий Корея

“Тийиб турувчи ва мувозанатни таъминловчи” тизимнинг йўқлиги, ижро ҳокимиятининг фаолияти устидан ташқи назоратнинг йўқлиги

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақил бўлишини ошириш, Ўзбекистон Республикасида сиёсий маданиятни шакллантириш, қонунчилик базасини мақбуллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёни сифатини ошириш, қонунчилик базасини рақамлаштирувини давом эттириш ва ундан аҳолининг фойдаланишини ошириш

- Парламент сўрови амалиётини ривожлантириш ва кузатишлар ҳамда таҳлил натижалари асосида парламент томонидан босма нашр яратиш йўли билан парламент назорат функциясини ривожлантириш
- Қабул қилинган ҳужжатларнинг тартибга солувчи таъсирини баҳолашга доир мажбурий амалиётни жорий этиш
- Қонунчиликдаги қарама-қаршиликларни камайтириш
- Қонун ижодкорлиги жараёнини рақамлаштириш
- Фуқаролик жамиятини қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш (жамоатчилик муҳокамаси)

Рақамли кўрсаткичлар

	2016/17/18	2035
Демократия индекси (рейтингда ўрин)	158	Топ-50
Давлат томонидан тартибга солиш сифатининг глобал кўрсаткичлари (баллар)	3,0	5,0

Инвестициялар



Қонун чиқарувчи ҳокимият

Асосий стратегик ташаббуслар

2025



- Ҳокимият вакиллик органларининг мустақиллигини ошириш (шу жумладан ҳокимиятлар даражасида ижро ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимият лавозимларини бирлаштирувчи амалиётдан воз кечиш)
- Сиёсий маданиятни ошириш, жумладан, янги партияларни рўйхатга олиш жараёнини эркинлаштириш ва шаффофликни ошириш (Демократия индекси бўйича топ 100 мамлакатлар қаторига кириш)
- Мустақил номзодларни сайлаш амалиётини жорий қилиш
- Жамоатчилик назоратини кучайтириш ва қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш
- Ҳуқуқий базани такомиллаштириш, "Regulatory guillotine" тамойилини қўллаш (беvosита фойдаланилмайдиган қонунлардан воз кечиш)
- Қонунчилик базасини таҳлил қилиш соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, парламент аъзолари экспертизасини ва уларни илмий-ресурс билан таъминлашни кучайтириш
- Электрон қонунчилик базаларини ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали қонунчиликдан фойдаланиш даражасини ошириш
- Далилларга асосланган сиёсат ва "оқилона тартибга солиш" таркибий қисмларини жорий қилиш, давлат бошқаруви сифатининг глобал кўрсаткичлари бўйича ЎЗР балларини 3,8 етказиш.
- Қонун ижодкорлиги жараёнида давлат идоралари ўзаро ҳамкорлигининг электрон тизимини яратиш
- Парламент назоратини кучайтириш (парламент текширувларини бошлаш, парламент ҳисоботларини тузиш), ижро ҳокимияти идораларининг парламентга ҳисобот беришининг самарали тартибини яратиш
- Ҳокимият идоралари томонидан халқаро шартномаларни қўллашнинг самарали тартибини яратиш

2030



- Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг устидан ва қонунларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш (жамоатчилик ташкилотлари учун грантлар)
- Далилларга асосланган сиёсатни кенг қўллаш, жумладан: "Regulatory Impact Analysis" воситасини барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга татбиқ этиш
- "Оқилона тартибга солиш", жумладан, "One in one out" ва "Sunset clause" қоидаларини кенг қўллаш, давлат бошқаруви сифатининг глобал кўрсаткичларидаги ЎЗР баллини 4,4 қадар кўтариш
- Кенг қамровли мустақил парламент назоратини ўрнатиш учун имконият яратиш (жамоатчилик муҳокамалари, учрашувлар, муҳокамалар учун ҳужжатларни юбориш)
- Қонун чиқарувчи ҳокимият идораларининг сиёсий маданияти ва мустақиллигини янада ошириш (Демократия индекси бўйича топ 90 та мамлакатлар қаторига кириш)
- Кенг миқёсли мустақил парламент назоратини таъминлаш

2035



- Парламентда турли фикрларнинг ва муҳолифатнинг мавжудлигини таъминлаш
- Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини ўрнатиш (Демократия индекси бўйича топ 50 мамлакатлар рўйхатига кириш)
- Қонун чиқарувчи ҳокимият идорасининг фаолияти устидан тўлиқ жамоатчилик назоратини таъминлаш
- Тўлиқ ошқора сайловларни, шу жумладан, блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали жорий этиш
- Қонунчиликнинг барқарорлигини ва қонунларнинг юқори даражада ишлаб чиқилишини таъминлаш, давлат бошқаруви сифати глобал кўрсаткичларидаги ЎЗР баллини 5,0 қадар ошириш.

Суд ҳоқимияти

Демократик институтларни ривожлантириш



Асосий муаммолар

- Мустақил суд тизимига эга бўлишнинг асосий аҳамиятини англашнинг йўқлиги
- Адолатли жараёни таъминлаш қобилиятига нисбатан жамоатчилик ва инвесторлар ишончининг йўқлиги
- Жазонинг муқаррарлигини англашнинг йўқлиги, ҳамда коррупциянинг мавжудлиги
- Адолатли суд жараёнини ўтказишда анъаналар ва шаффофликнинг йўқлиги
- Қабул қилинаётган суд қарорларида шаффофликнинг йўқлиги, шунингдек, суд қарорларидан фойдаланишда очиқлик ва шаффофлик масаласи
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг суд сифатида ҳаракат қилиши чуқур илдиз отган (Совет анаънаси)
- Суд тизимига тегишли моддий-техник, соҳа кадрлари базаси, суд кадрларини тайёрлаш тизимининг йўқлиги
- Суд тизими айрим институтларининг расмиятчилиги ва самарасизлиги: Халқ маслаҳатчилари, Конституциявий суд ва бошқалар
- Ҳуқуқий нормалар билан жорий этилиши лозим бўлган заиф ҳуқуқий этика

Асосий хулосалар

- Судлар куч ишлатувчи тузилмалардан мустақил эмас. Судьяларга босим кўпинча ташқаридан эмас, балки ичкаридан суд раислари ёки юқори турувчи суд идоралари орқали амалга оширилади.
- Олий суд кенгашининг, судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимининг мустақиллигини кафолатлаш, малакали судьялар жамоасини тайёрлаш ва малакасини ошириш ва Суд идораларининг умумиллий ягона имтиҳони тизимини ишлаб чиқиш.
- Судьялар чиқараётган қарорлари учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин, бу эса мустақил қарор қабул қилиш имкониятини чеклайди.
- Судлар камдан-кам ҳолатларда оқлов қарорларини чиқаради ва статистика маълумотларига эса кейинчалик бекор қилинган қарорлар ҳам киритилиши мумкин.
- Судьялар зиммасига ҳаддан зиёд кўп иш юклатилган ва белгиланган иш куни мобайнида ишларни сифатли тарзда ҳал қила олмайди. Судьялар зиммасига ҳаддан зиёд кўп иш юклангани туфайли ҳуқуқбузарликлар, инсон ҳуқуқларининг бузилишлари ҳолатлари мавжуд.
- Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанлари етарли даражада ривожланмаган, кадрларни тайёрлаш эски таълим тизимига асосланган ва назария ҳамда амалиёт ўртасидаги тавофут муаммоси ҳал қилинмаган.
- Коррупция ва судьяларга коррупциявий усуллар орқали таъсир қилиш кенг тарқалган.
- Амалда суд жараёнининг жамоатчилик учун ошкоралик даражаси паст, бу жараёнда иштирок этаётганлар бундан мустасно, кўриб чиқилган ҳолларда суд қарорларининг очиқ базаси йўқ
- Ўзбекистон суд тизими ҳозирги замон ахборот технологиялари ечимларидан етарли даражада фойдаланмайди, бу эса, ўз навбатида, "қоғозбозлик"ни сезиларли даражада қисқартириш, шунингдек, вақт ва бошқа ресурсларни тежаш имконини бермайди.
- Суд амалиёти ҳуқуқий яқдиллик тамойилини етарли даражада таъминламайди ва бир ҳил ҳолатларда турли қарорлар қабул қилинади.
- Халқ судьялари институти фаолиятини ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Президиуми ва Пленумининг, Олий суд кенгашининг, судьялар малакавий ҳайъатининг ва бошқа тузилмалар фаолиятларини, такрорий функцияларни истисно этган ҳолда, тизимлаштириш.
- Адвокатура муассасаларининг ваколатлари ва мақомини ошириш жараёнда рақобатни, ишларни адолатли кўриб чиқиш ва тарафларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлайди.
- Конституциявий суд фаолияти уни ҳуқуқлари бузилган оддий одамлар мурожаат қила оладиган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайдиган самарали ва нуфузли муассасага ислоҳ қилиш ва айлантиришни талаб қилади ва унинг асосий вазифаси - Конституцияни ҳурмат қилишга мажбурлаш ва уни ҳимоя қилишдир.

Суд ҳоқимиятининг жорий ривожланиш даражаси¹

- судьяларни танлаш ва тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва шаффоф ва рақобатбардош тизимни яратиш учун судьялар Олий Кенгаши ташкил этилган. Кенгаш судьялар учун номзодларни танлаш ва тайинлаш борасида катта жамоатчилик назоратини амалга оширган
- Дунёнинг ривожланган мамлакатлари кенг тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта судьяларни тайинлаш амалиёти жорий этилди. Шу муносабат билан фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судьяларнинг мустақиллиги кафолатлари кучайтирилди
- Ўзбекистон Республикаси халқи олдида трибуналлар маъсулиятини ошириш учун янги тайинланган судьялар тегишли жамоатчилик ва маҳаллий фаоллар билан маслаҳатлашади. Фақат фуқароларнинг ижобий фикри мавжудлигида, судьялар учун номзодлар тайинланади
- Суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш тамойилига мустақил равишда риоя қилиш, судларнинг моддий, техник ва молиявий таъминланиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судларни қўллаб-қувватлаш департаменти ташкил этилган. Департаментга судьялар ва суд амалдорларини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, судларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш, судлар учун зарур шароитларни яратиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш топширилган
- Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси доирасида "Хабеас Корпус" институтини янада такомиллаштириш тергов ва дастлабки тергов устидан назоратини кучайтирди. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида телефон орқали сўзлашувларни эшитиш учун рухсатнома бериш ваколатлари прокуратура органидан судга ўтказилди
- Иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жинойи ишлар бўйича судларга тақдим этилган даъволар онлайн, минтақавий ва марказлаштирилган онлайн мониторингни, аризалар (петициялар) ва суд ишларининг онлайн тарзда марказлаштирилган ҳисоботини, барча процессуал тартиб-қоидалар ва муддатларни мониторинг қилишни ўз ичига олади, Онлайн электрон маъумотлар базаси ишга туширилган
- Ягона электрон маълумотлар базаси орқали судга кирган ҳар бир ҳужжат олинган кундан бошлаб архивга топширилгунига қадар ўтказиладиган мониторинг ишнинг мазмунига тўсқинлик қилмасдан амалга оширилади. Қабул қилинган қарорлар томонларнинг эътиборига етказилади, суд ижрочилари ўз вақтида ижро этиши учун йўналтириш тизими жорий этилган. Кунлик онлайн ҳисоботни олиш имконияти яратилган
- Фуқароларнинг судьяларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида судларнинг ички иши шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлайдиган Олий суднинг ички тартиби ишлаб чиқилган. Ушбу келишув доирасида Олий суд веб-сайти интернетда онлайн сессияларни кузатиши мумкин. Ҳозирги кунда энг чекка ҳудудлар ҳисобланган Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида ушбу тизимга 12 та суд уланган
- Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интернет сайтыда суд қарорларини мунтазам равишда эълон қилиш тартиби киритилди.
- Кучга кирган суд ҳукми эълон қилингандан сўнг, унинг мазмунини суд жараёни иштирокчиларига талқин қилиш суд амалиётига киритилди
- Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини суд иши ҳақида хабардор қилиш учун вилоят судларининг раислари ва уларнинг бошлиқлари барча вилоятларда ҳар чорақда учрашувлар ташкил этишад

Жорий ривожланиш даражаси

1 Жадвал/Диаграмма

86	Танзания	0.47
87	Ливан	0.47
88	Филиппин	0.47
89	Россия	0.47
90	Доминикан Республикаси	0.47
91	Ўзбекистон	0.46
92	Мексика	0.45
93	Сьерра-Леоне	0.45

- Қонун устуворлиги индекси бўйича The World Justice Project: The Rule of Law Index 2017 рейтингда Ўзбекистон 91-ўринни эгаллади. 2018 йилда тадқиқот 113 давлат ва юрисдикцияларни қамраб олган, Қозоғистон 64-ўринни, Қирғизистон 82-ўринни эгаллаган.
- Ўзбекистонда аҳоли сонига нисбатан судьялар сони 23 810 нафар одамга 1 нафарни (2018 йил) ташкил қилади, 1 нафар судья Францияда 11 минг кишига, АҚШ 9 минг кишига, Германияда 4 минг кишига тўғри келади.
- 2012 йилдан 2016 йилга қадар бўлган даврда оқлов қарорлари сони 7 –та бўлиб (оқлов эҳтимоли 0 фоиздан бир оз юқори) 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида 590-тани ташкил этди.
- Ўзбекистонда суд қарорларидан фойдаланиш ва процессуал ишлар жадвалини кўриш имконияти мавжуд эмас. 2009 йилдан буён Қозоғистон интернетда барча турдаги суд қарорларини жойлаштиради. Ушбу амалиёт узоқ вақтдан буён қўшни Россия ва Қирғизистонда ҳам бор.
- Ўзбекистонда ҳуқуқий этика йўқ. Ҳуқуқий этика тегишли ҳуқуқий нормалар орқали мустақамланиши керак.

Стратегик вариантлар

1

Суд ҳоқимияти мустақиллигини таъминлаш

Суд ҳоқимияти процессуал доирасидан ташқарида бўлган ҳар қандай ички ҳамда ташқи таъсирдан суд мустақиллигини таъминлаши керак. Судьялар ўз қарорларида эркин ва мустақил бўлиши керак ва фақат қонунга бўйсунушлари лозим. Фақат судьялар инсон айбдорлигини аниқловчи идора бўлиши керак. Суд тизимини тартибга солувчи қонуннинг бир қисми ҳисобланмайдиган, ягона қоидаларга асосланган судья мақомига доир алоҳида қонун зарур. Судьяларга босим ўтказиш воситаси сифатида турли талқинлардан фойдаланишни олдини олиш мақсадида, алоҳида қонун даражасида судьяликка номзодлар учун танлов ва талаблар, судьяларни жавобгарликка тортиш, интизомий жазо тайинлаш, санкциялар масалаларига ва бошқа масалаларга оидлик киритиш лозим.

Суд тизими оддий фуқароларнинг мурожаатлари учун қулай тизимга асосланган бўлиши керак. Конституциявий суд фаолиятини ислоҳ қилиш талаб этилади ва ўз ҳуқуқлари поймол этилган деб ҳисоблаган исталган шахс мурожаат қилиши мумкин бўлган инсон ва фуқаронинг мустақам конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари устунига айлантиришни талаб қилади.



- Суд органлари жамиятдаги нуфузли ва самарали муассасалардир
- Фуқаролар ишончи ва ижтимоий барқарорлик
- Инвестициявий жозибадорлик
- Турли жаҳон рейтингларида тутган ўрнини кўтариш
- Конституция - инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати



- Суд вазифасини жиддий қайта кўриб чиқиш керак
- Узлуксиз ислохотлар жараёни талаб этилади
- Инвесторлар бу ўзгаришларни дарҳол кўришмайди

Мамлакатлардан мисоллар:



Буюк Британия



Германия

Бундай чора-тадбирлар судларга, албатта, мустақил муассаса бўлишига имкон беради, бу эса муваффақиятли суд ислоҳоти мисоли бўлиши мумкин

Тайёрлаш, танлов тизими сифатини ошириш, ҳамда лавозимда умрбод бўлиш ва уни тарк этмаслик судьяларнинг юксак нуфузга ва мустақилликка эга бўлишини кафолатлайди

Мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш, таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан яқин ҳамкорлиги ва шерикчилиги суд тизимини малакали ва юқори даражада рағбатлантирилган ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминлашга ёрдам беради.

Судьяларни ўқитиш ва шаффоф адолатли жараён орқали танлаш тизими ҳақиқат ва қонун асосида мустақил қарор қабул қилиш қобилияти билан ажралиб турадиган юқори малакали ҳуқуқшуносларни судья этиб тайинлашга олиб келади.

Судьяларнинг лавозимига умрбод эгалик қилиш тартиби қайта кўриб чиқиши керак: лавозимга умрбод тайинлашдан олдин бирламчи синов муддати бўлиши керак. Лавозимни тарк этмас ҳам судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим мезонидир.

Мамлакатлардан мисоллар:



Польша



АҚШ



Германия



Франция



Буюк Британия



Япония



- Суд тизими юксак маънавий мезонларга ва ҳуқуқий этикага эга юқори малакали ходимларга эга бўлади
- Суд тизими ва судьялар жамиятда юксак нуфуз ва ишончга эга бўлади
- Суднинг мустақиллиги таъминланган, ҳуқуқлар суд томонидан ҳимояланган




- Кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш керак
- Мезонларни ва умуман олганда, судья бўлиш учун номзодларни танлаш тизимини қайта кўриб чиқиш талаб этилади
- Қўшимча ресурслар, жумладан, вақтинчалик ресурслар талаб қилинади

Судьяларга тақдим этилган кафолатлар қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқларини ва Ўзбекистон судлов тизимига аҳоли ва инвесторларнинг юксак ишончини таъминлашга қодир бўлган суд ҳоқимиятини шакллантиришга имкон беради

2 Жадвал/Диаграмма

Биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган заҳирадаги шахсларнинг сони: 2018 йил ноябр ойидаги ҳолатига кура 75 б ...



2017 йил расмий маълумотларига кўра Олий суд кенгаши 667 нафар судьяларнинг фаолиятини баҳолаган, улардан 500 нафари "эгаллаб турган лавозимига лойиқ судья" деб эътироф этилган, 390 нафари лавозимларга тайинланган.

Судьялар зиммасига юкланган иш кўламини камайтириш, суд харажатларини мос равишда ошириш ва низоларни ҳал этишнинг муқобил ва арбитраж усулларини муваффақиятли қўллаш



Суд ишларини янада такомиллаштириш учун судьялар сонини кўпайтириш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг сони 33 миллионга яқинлашгани билан ҳозирги кундаги судьялар сони билан кўпайиб бораётган иш кўламини ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли, судьялар сонининг кўпайиши судлар зиммасига юкланган иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади, бу ҳар тарафлама ўйлаб кўрилган ва адолатли қарорларни қабул қилиш учун асос бўлади. Судьялар иш ҳажмининг меъёрлари ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистонда кўпинча суд ишини кўриб чиқиш жараёнидаги суд харажатлари қопланади, суд қароридан фойда олган томоннинг харажатлари эмас. Япония, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари (штатга боғлиқ ҳолда) каби дунёнинг ривожланган мамлакатларида суд харажатлари юқори ва бу ҳолат томонларни келишиб олишга ёки келишмовчиликни муқобил воситалар орқали ҳал қилишга ундамоқда. Ўзбекистонда суд харажатларини белгилашда ҳақиқатда юзага келадиган харажатларни, ишнинг мураккаблигини ҳисобга олиш, даъвонинг энг кам миқдорини белгилаш ва ҳоказолар керак.

Ўзбекистонда 2007 йилда "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, 2018 йилда эса "Медиация тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Иқтисодий ва фуқаролик ишларининг бир қисми ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқиш ҳажмининг ортиши ҳам давлат судлари зиммасидаги иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бир неча сабабларга кўра, ҳакамлик судлари амалда барча ишларни ҳал қила олмайди, шунинг учун ЮНСИТРАЛ модели қонун асосида "Арбитраж тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва шу қонунда ҳакамлик судларда ишни кўриш ва халқаро арбитраж масалаларини бирлаштириш талаб қилинади. Қонун бўйича судга қадар мажбурий тартибга риоя этилишини, шунингдек, низоларни ва арбитражни ҳал қилишнинг муқобил усулларида муваффақиятли фойдаланишни, яъни медиацияни қўллашнинг мажбурий тартибини жорий этишни, шунингдек, профессионал медиаторлар маҳаллий мактабини ривожлантиришни назарда тутадиган иш тоифаларини кўпайтириш зарур. Шу муносабат билан Сингапур Конвенциясини Ўзбекистон томонидан ратификация қилинишини кўриб чиқиш зарур.

Халқ маслаҳатчилари институти фаолиятини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш ишларининг самарали коллегиял равишда кўриб чиқишнинг шаклланишига ва суд тизимининг нуфузига ва жамоатчиликнинг ишончини оширишга хизмат қилади



-  Судьялар сонининг кўпайиши ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини ишлаб чиқиш қабул қилинган қарорларнинг сифатини оширишга хизмат қилади
- Судлов тажрибасида томонлар ўртасида судгача бўлган келишувлар сони ортади
- Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари суд томонидан яхши ҳимояланган
-  Қўшимча ресурслар, шу жумладан, вақтинчалик ресурслар ҳам талаб қилинади
- Суд харажатларининг ортиши оддий фуқаролар зиммасига юкланади
- Юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги

Судьяларга иш ҳажмини бир хил тақсимлаш адолат қарор топишини, ишларни тўлиқ текширишни, қонунга, судьянинг бурч ва шарафига асосланган адолатли қарор чиқаришни таъминлайди

Адолатли суд жараёни ва адолатли қарор - Ўзбекистондаги қоида, суд тизимига замонавий АТ ечимларни кенг жорий этиш - шаффофликни оширади, коррупция ва ресурс сарфланиши хавфини пасайтиради, бунинг натижасида инвесторлар ва фуқароларнинг юксак ишончи

Ўзбекистон жараёнларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, ҳамда натижаларга нисбатан барча халқаро стандартларга жавоб берадиган суд жараёни яратиш учун ажойиб тарихий имкониятга эга. Судларга тинтувни ўтказиш ва гумон қилинувчиларнинг телефон сўхбатларини тинглашга санкция ҳуқуқини бериш, шунингдек, жиной судловни инсонпарвар бўлиши.

Қабул қилинаётган суд қарорларида очиқ иштирок этиш имконияти ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун электрон хизматни таъминлаш: судларга электрон ҳужжат топшириш, иш юритувида бўлган ишлар ҳолатини кузатиш ва ҳ.к., қоғозбозликни сезиларли даражада камайтиради, фойдаланиш имконияти билан шаффофликни таъминлайди ва коррупция хавфларини олдини олиш усули сифатида хизмат қилади.

Суд тизими учун илғор АТ – ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш (жумладан, қонунчилик базасини, қабул қилинган қарорлар ва бошқаларни ўзбек тилидан бошқа тилларга таржима қилиш учун сунъий интеллектни ривожлантириш), инвестиция киритмоқчи бўлганларнинг қонунчиликни тушунишига ва ишончли ва очиқ ҳамкор сифатида мамлакатнинг жозибadorлигини оширишга ёрдам беради.

Мамлакатлардан мисоллар: Фақат Англия-Саксон ҳуқуқий тизимига тегишли бўлган давлатлар эмас, балки Франция, Германия ёки Испания каби қитъа ҳуқуқий тизимига асосланган давлатлар суд қарорларини мунтазам равишда жамоатчиликка тақдим этишади

Мамлакатлардан мисоллар:



Франция



Германия



Испания

- Суднинг мақоми ва унга нисбатан ишонч сезиларли даражада ошиб бормоқда
 - Фуқароларнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланган
 - Инвестициявий муҳит сезиларли даражада яхшиланган
 - Судлар устидан жамоатчилик назорати таъминланган
 - Судьялар юқори малакали бўлишга интилади.
 - Ресурсларни, шу жумладан вақтинчалик ресурсларни тежаш
- Қўшимча ресурслар талаб қилинади
 - Жараёнда турли муаммоларни танқидий таҳлил қилиш талаб этилади
 - Юқори малакали ходимлар талаб қилинади

Ўзбекистон самарали суд ислоҳотини амалга оширишга муваффақ бўлган, адолатли суд жараёни, коррупция хавфи даражаси паст бўлган ва ҳамма фойдалана оладиган ҳамда тушунарли суд тизимига эга мамлакатга айланди

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминловчи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва фуқаролар ҳамда инвесторлар орасида беқийс обрўга эга мустақил суд тизими мавжуд.

- Турли халқаро рейтингларда қонун устуворлигига доир рейтингларда биринчи ўнта мамлакатлар қаторига кириш (The Rule of Law Index ва бошқалар)
- Ўзбекистон арбитраж суд ва марказларининг (Тошкент халқаро арбитраж маркази билан бирга (ТИАС)) арбитраж муваффақиятли амал қилган арбитраж марказлари ва юрисдикциялар рўйхатига кириши.
- Коррупцияга қарши курашишга доир рейтингларда энг яхши ўнта мамлакатлар қаторига кириш, шу жумладан адлия тизимида ҳам
- Турли мустақил экспертлардан, жумладан БМТнинг турли идораларидан ижобий фикрлар олиш
- Ўзбекистон судларида йирик корпорациялар ўртасидаги суд аризалари мавжудлиги, бу эса адолатли ҳакам сифатида Ўзбекистон суд тизимига бўлган ишончни тасдиқлайди
- Ўзбекистон судлари томонидан ишлар кўриб чиқилганда, давлат ва хусусий ҳуқуқнинг халқаро нормаларидан фойдаланилади ва талқин қилинади
- Ўзбекистоннинг нуфузли судьялари, адвокатлари ва бошқа ҳуқуқшунослари халқаро судлар, трибуналлар ва БМТ органларида дунёнинг бошқа мамлакатларидан келган ҳуқуқшунослар билан бир қаторда фаол иштирок этишмоқда.
- Аҳолисининг 5000 нафари учун 1 нафар судья мавжуд.

Рақамли кўрсаткичлар:

2020 2030 2035

20000

12000

5000

1 нафар судья аҳоли сонига

Йўл харитаси

Судни шакллантириш

2025

Қонун устуворлиги

2030

Халқаро майдонда

2035

- Институционал мустақилликни таъминлайдиган муассаса сифатида суд ҳоқимиятини ислоҳ қилиш бўйича йўл харитасини қабул қилиш ва амалга ошириш
- Жонқуяр ва умрини ўз касбига бағишлаган малакали, жаҳон миқёсидаги ҳуқуқшунослар билан Ўзбекистонни таъминлаш учун ҳуқуқий таълим ислоҳоти
- Яқуний оқлов қарорлари улушини 20-30 фоизга етказиш
- Низоларни ҳал этишда арбитражнинг муқобил усулларида фаол равишда фойдаланиш, адвокатура институтларини ривожлантириш
- АТ технологияларини суд тизимига жорий қилиш ва сунъий интеллектни қўллаш/ривожлантириш

- Қонун ва амалиёт ўртасидаги фарқни тўлиқ бартараф этиш
- Ўзбекистон судьялари томонидан халқаро шартномалар нормаларини бевосита қўллаш ва талқин қилиш имконини берадиган механизмни қабул қилиш
- Ўзбекистоннинг ҳуқуқий майдонини шакллантиришда фаол иштирок этувчи Конституциявий суднинг ва судлов тизимининг бошқа муассасаларини тўлақонли фаолият юритишига эришиш
- БМТ доирасида шахсий хабарларни етказишга имкон берадиган барча жараёнларга қўшилиш

- Ўзбекистоннинг суд тизими Буюк Британия, Швейцария, Голландия каби Ғарб мамлакатлари даражасига етиб, Евроосиёда энг яхши намуна бўлиб қолади
- Ўзбекистон судьялари ва бошқа ҳуқуқшуносларининг турли халқаро трибуналларда, судларда, ҳакамлик судларида юқори малака, ахлоқий мезонлари, эришган обрўси билан иштирок этишига эришиш
- Халқаро ҳуқуқ Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг ажралмас қисми бўлиб, судьялар орқали барча турдаги ишларни ҳал қилишда бевосита қўлланилади
- Ўзбекистон қонун устуворлиги бўйича рейтингдаги биринчи ўнताликдаги ўринлардан бирини эгалламоқда

2. Иқтисодиёт ривожланиши

Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача
ривожланиш стратегиясининг концепцияси

Қишлоқ хўжалиги

Иқтисодиёт ривожланиши

Жорий ривожланиш даражаси

Асосий муаммолар

- Иқлим шароитларининг ўзгариши
- Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси (2016 йилда 1,9 миллион нафар киши муҳтож яшайди)
- Аҳолининг ортиб бориши ва сувдан оқилона фойдаланмаслик натижасида сув ресурсларининг етишмаслиги
- Тупроқ шўрланиши ва эрозияси тўғрисида экин майдонлари, яйлов, ем етишмаслиги
- Қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг пастлиги (бир нафар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган киши учун 2 247 АҚШ долл.)
- Мева ва сабзавотни сақлаш ва ташиш пайтидаги йўқотишлар
- Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш учун қўйилган тартибга солувчи баланд тўсиқлар
- Кредит ресурсларининг етишмовчилиги
- Кадрлар тайёрлаш марказлари ривожланиш даражаси пастлиги


Асосий муаммолар

- Озиқ-овқат хавфсизлиги индексининг 2017 йилги рейтингда Ўзбекистон 78-ўринни эгаллади. Индекс молиявий имконият ва соғлом овқатланиш маҳсулотлари мавжудлиги нуқтаи-назаридан арзон ва сифатли озиқ-овқат ресурсларини 113 та мамлакатда ҳисоблайди
- Ўзбекистон пахта, ўрик, гилос, майиз (узум) каби кўплаб қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича етакчи ўринда туради
- Ҳозирги вақтда экин майдонлари пахта теримидан кейин мева ва сабзавот экинлари фойдасига бўшатилмоқда.
- Кўпгина мева ва сабзавот экинларини етиштириш учун фойдаланилган далаларнинг унумдорлиги ривожланган мамлакатлардан ортда қолмоқда
- Бугунги кунда барча ерлар 100% давлатга тегишли, фермерлар уларни ижарага олишади
- Инфратузилма муаммолари ҳам мавжуд - сўғориш тизими ўз имкониятларини ишлатиб бўлган¹
- Орол денгизининг қуриши ва ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, дарё суви шўрланишининг ошиши, сувдан оқилона фойдаланмаслик, тупроқ шўрланиши давом этишига ва туз бўронлари оқибатида ҳосил шикастланишига олиб келади.
- Ўтмишда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш натижасида катта миқдорда емирилган тупроқ мавжудлиги

Озиқ-овқат хавфсизлиги

Кенг тарқалган тўйиб овқатланмаслик

Аҳоли сонидан % ҳисобида, 2016²




Шарҳлар

- Ўзбекистонда тўйиб овқатланмаслик кўламининг кўрсаткичи ғарб мамлакатлари, Туркия ва Россияга нисбатан 2-3 баравар кўп ва 1,9 миллион кишини қамраб олади
- Баъзи микронутриент етишмаслиги бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ
- Қорақалпоғистонда аёллар ўртасида анемия билан касалланиш 100% етди

Алоҳида микронутриентларнинг танқислиги

Аҳолидан %, 2016²



* Туркияда болаларда ва Россияда катталарда А витамини танқислиги ҳақида маълумот йўқ

Манбалар. 1 - Сув хўжалиги объектларини бошқариш ва назорат қилиш давлат инспекцияси, 2 - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳисоботи - Европа ва Марказий Осиёда озиқ-овқат ва овқатлантириш хавфсизлиги ҳолати, ишчи гуруҳнинг таҳлили

Қишлоқ хўжалигининг жорий ривожланиш даражаси

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш

2017 й., млрд АҚШ доллар




Иш билан бандлик, иқтисодиётга ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга қўшган ҳисса кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган ва юқори технологияли қишлоқ хўжалигига эга етакчи давлатлар танланган.

Ўзбекистон мева-сабзавот, парранда тухуми, майда шохли қорамол гўштини экспорт қилади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги экинлари, дуккакли экинлар, поме ўсимликлар (зиғир, кунгабоқар, пахта) етиштириш учун катта салоҳиятга эга, хусусан ушбу экинлардан тайёр маҳсулотни экспорт қилиш.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётга қўшган ҳиссаси


2017 й., млрд АҚШ доллари (ЯИМдаги улуши,%)



- Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигининг улуши бошқа мамлакатларга қараганда каттароқ бўлиб, бу Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланаётганлар сафига киритади (1,3-1,5%)

Қишлоқ хўжалигида бандлик


2017 й., млн. (иш билан таъминланганларнинг улуши, %)



- Қишлоқ хўжалигида бандликнинг юқори даражаси қишлоқ хўжалиги соҳасида технологик ечимлар жорий этилишининг паст даражасини кўрсатади

Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги

2017 й., АҚШ долл./иш билан таъминланганлар




- Қишлоқ хўжалиги унумдорлиги жиҳатидан Ўзбекистон ривожланган мамлакатлардан бир неча марта ортада қолмоқда

Қишлоқ хўжалиги


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жорий экспорт даражаси

Агар мавжуд бўлган ер ва сув хўжалиги модели сақлаб қолинса, озиқ-овқат танқислиги ошади, ерларнинг сифати ёмонлашади, сув захиралари камаяди


Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо қилиш учун стратегик жиҳатдан жозибадор бозорлари билан чегарадош



Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг экспорти ҳажми
млн АҚШ доллар



Озиқ-овқат саноати тайёр маҳсулотлари
экспортининг ҳажми
млн АҚШ доллар




Қишлоқ хўжалиги

Ўзбекистон экспорт салоҳиятининг жорий даражаси


Қишлоқ хўжалик экинларини ишлаб чиқариш ҳажми¹

2017 й., минг тонна йилига



Ҳосилдорлик (қишлоқ хўжалиги экинлари намуналари)¹


2017 й., центнер/га




Манбалар: 1 - БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО); 2 - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси

Экин майдонларидан фойдаланишда тузилмавий ўзгаришлар

Экин майдонларидан фойдаланиш таркиби,
2018 й.



Экин майдонларидан фойдаланишнинг мақсадли
тузилмаси,
2035 й.



Шарҳлар

- Ҳосилдорлиги паст ерларда **пахта (60 минг гектарга) ва ғалла (42 минг гектарга) экинларини йўқ қилиш** экинларнинг **ўртача ҳосилдорлигини анча оширди**
- **Оқ гўшт** ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатнинг рентабеллигини оширади (1 кг оқ гўшни ишлаб чиқариш учун 5 марта камроқ ем-хашак талаб этилади)



Чили қалампир

- Қорақалпоғистон Республикасида **чили қалампирини етиштириш** учун **15 минг гектар** майдон ажратилди. Бундай қарорни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида берганди

- Чили қалампирини Индонезиядаги аччиқ қалампир навларидан етиштириш режалаштирмоқда, улар яқинда Ўзбекистон делегациясининг Индонезияга сафари давомида ўрганилган.
- Ҳозирги кунда бутун дунёда **68,3 миллион тонна чили қалампир** ишлаб чиқарилмоқда. Чили қалампирини пишиш даври 60 – 80 кун, саноат етиштирилиши ҳосилдорлиги **40 т/га**



Писта

- **Писта каби экинларни лалмикор ерларда етиштириш** бу ерларда ғалла етиштиришдан **50 баробар** кўпроқ фойда келтиради; **бутун давр мобайнида қорамолни ўтлатиш** шу давр мобайнида писта етиштиришдан олинган фойданинг атиги **4,5 фоизини ташкил этади**

- Писта ва чили Ўзбекистонда етиштиришга яроқли бўлган ягона экинлар эмас, фақат мисол тариқасида берилган. Тадқиқот ўтказиш мамлакат шароитларида энг самарали экинларни топишда энг оптимал ёндашувни аниқлашга имконият беради
- Бундан ташқари, анъанавий (анор, анжир, олма, шафтоли, қовун, нок, турп ва бошқаларнинг маҳаллий навларини) ва зайтун каби янги экинларни (Жанубий Европада зайтун плантациялари иқлим ўзгариши оқибатида қўзиқорин инфекциясидан ўлмоқда) ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин

Эрозияга ва тузланишга учраган суғориладиган ерлар ҳажми, км²

Тузланишга учраган ерлар майдони²

19309 (44,8%)

23791 (55,2%)

43 100

Эрозияга учраган тасдиқланган ерлар майдони¹

6 284 (14,6%)

36 816 (85,4%)

43 100

- Қорақалпоғистонда тупроқ шўрланишининг кўрсаткичи **69%**, Хоразм вилоятида **100%**, Бухоро вилоятида **86%**
- Чўлланиш ва техноген ифлосланиш жараёнлари жиддий хавф туғдиради

Манбалар: 1 - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, ЎзР Давлат статистика қўмитаси, Uzdaily.uz, ишчи гуруҳ таҳлили


2 – Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлиги

Жорий ер ва сув ресурларини бошқариш модели


Агар мавжуд бўлган ер ва сув хўжалиги модели сақлаб қолинса, озиқ-овқат танқислиги ортади, ерларнинг сифати ёмонлашади, сув захиралари камаяди

Озиқ-овқат истеъмоли¹,

кг, йилига киши бошига, 2016 йил




2035 йилда истеъмом



Тупроқ шўрланиши ва сув танқислиги



Ерларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш,



Шарҳлар


- Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондириш учун етарли миқдорда **сабзавот, мева ва гўшт** ишлаб чиқаради
- Бироқ сут маҳсулотлари, шакар ва ўсимлик ёғларини импорт қилиш хажмини оритиши **эҳтиёжи аллақачон мавжуд**
- 2035 йилга бориб, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган ҳолда, бошқа **озиқ-овқат турларига** эҳтиёжлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд:
- Озиқ овқат танқислиги шуларга боғлиқ бўлади:
 - Аҳоли сонининг ўсиши ва ёш таркиби катталар фойдасига ўзгариши
 - Даромад ўсиши = **талабнинг ортиши**
- Озиқ-овқат етишмаслигининг ўсиши қуйидагилар билан боғлиқ:
 - ер ва сув ресурслари **чекланган**
 - 2030 йилга қадар сўғориш меъёрлари 5-10 фоизга ошадиган иқлим ўзгариши тахмин қилинмоқда

Ирригация ва дренаж инфратузилмасига хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш

Сувни тежайдиган суғориш усулларини кенгайтириш ва суғориш ҳамда дренаж инфратузилмасига хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш ерларнинг сифатини яхшилаш ва сув танқислигига барҳам бериш имконини беради

Ернинг сифатини яхшилаш


%



- Унумдорлиги юқори бўлган ерлар
- Мелиоратив ҳолати яхши бўлган ерлар
- Унумдорлиги паст бўлган ерлар

Сув ресурсларга бўлган танқисликни тугатиш,

%




- Танқислик
- Сув билан таъминланганлик

Шароб ишлаб чиқариш ва узумчиликни ривожлантириш натижалари



- 2018 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди
- Энг муҳим масалалардан бири - виночилик фаолиятини лицензиялашни бекор қилиш тўғрисида: "2019 йилнинг 1 январидан ўз узумзор плантацияларининг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган табиий узум виноларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тоифасига киритган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш бекор қилинади;"
- Шунингдек, инвестиция киритмоқчи бўлганлар учун ушбу қарорнинг яна бир моддаси муҳим бўлиб, sanoатга кириш учун тартибга солувчи тўсиқларни жорий қилади: "2019 йилнинг 1 январидан табиий винолар, виноматериаллар ва коньяк спиртини ишлаб чиқариш, шунингдек, узумни қайта ишлаш бўйича фаолиятни узумнинг мева берувчи техник навларини етиштириш бўйича 100 гектардан кам бўлмаган плантация майдонига, (...) корхоналар (...) амалга оширишлари мумкин".

Яратиладиган ва мавжуд узум плантациялари



Шарҳлар


- 2023 йилга келиб, узумзорлар майдонини 5 баравардан ортиқроқ кенгайтириш режалаштирилган

Узумни қайта ишлайдиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш




- Ҳозирги пайтда мавжуд ишлаб чиқариш қуввати тўлиқ ишлатилмаяпти, ишлаб чиқаришни икки баравардан кўпига ўсишининг имконияти мавжуд


Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми



Маҳсулот экспорти



Алкогол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, турлари бўйича



- Ўзбекистонда барча спиртли ичимликларнинг **ярмидан кўпи** ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотларидир
- **Виночилик** умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг фақат 7,4 фоизини эгаллайди

Қишлоқ хўжалигида технологиядан фойдаланиш

Рижик (Камолина) - анъанавий ЯҚҚ маҳсулотидир

“Рижик” - Икки томонлама ишлатиладиган маҳсулот:

- Авиация биоёқилғиси ва биодизели ишлаб чиқариш учун
- Йириқ қорамол боқиш учун



Экспорт салоҳияти:
Йилига 90 млн АҚШ долларидан бошланади

Етиштириш харажатлари:
пахтанинг 30% дан



Лактоферрин - ҳар қандай сүт ишлаб чиқаришдан оддий даромад манбаи

Лактоферрин – қон плазмаси таркибида мавжуд оқсил. Лакторферрин инсон сүт безида ва бошқа сүт эмизувчиларида ишлаб чиқарилади¹

Асосий бозори: ХХР, Япония, Ж. Корея



Экспорт салоҳияти:
Йилига 200 млн АҚШ долларидан бошлаб

1 кг учун нарх:
1 кг учун 800 дан 5000 АҚШ долл.


Бозорнинг ўсиши:
Йилига 39%



Маҳсулотни мембран сақлаш технологияси

Янги мева-сабзавот маҳсулотларини модификацияланган газ шароитида сақлашнинг мембрана усули технологиясини жорий этиш сабзавот ва меваларни **узоқ вақт** сақлаб қолишга имкон беради.

Ушбу технология контейнерларнинг янги турларида қўлланилади, уларнинг ичида герметизация вақтида **бошқариладиган газ муҳити** ҳосил бўлади



Сақлаш вақти:



олма

330 кунгача



гилос

25 кунгача



олхўри

50 кунгача





- 2018 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.
- Ушбу фармоннинг бирида мева ва сабзавот кластерларини яратиш ҳақида гап боради: "2018 йилда ҳар бир ҳудудда 1-2 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этилсин ва 2019 йилдан бошлаб мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган барча туманларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг кластер шаклига жалб этсин; **мева-сабзавот кластерларига** ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан улар томонидан тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш **бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқи тақдим этилсин**"
- Энг яхши халқаро амалиётга мувофиқ мева-сабзавот кластерларини жорий этиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Пиренея жануби (Франция) Кластерлар Уюшмасининг шароити ва фаолияти агросаноат мажмуасида инновацияларни рағбатлантиришда кластерларнинг муҳим аҳамиятини акс эттиради



Агрооуқа сектори – Аквитания ва Ўрта Пиренея минтақалари иқтисодийнинг **асоси**

Кластерда иш билан банд бўлганлар – **210 000** ортиқ киши


Кластердаги молиявий айланма **12 млрд евродан ортиқ**

Тулзанинг 300 км теварак – атрофидаги **20 млн истъеъмолчига** чиқиш



Франция

Кластер уюшмаси лойиҳасининг иштирокчилари



Мақсадлар:

- Кластер маҳсулотининг қўшилган қийматини ошириш
- Рақобатбардош агросаноат комплекси туфайли ҳудудлар ўртасида етакчилик
- Минтақанинг жозибadorлигини ошириш
- Янги иш ўринларини яратиш

- Кластерга инвестиция киритиш учун ҳудудий ресурсларни сафарбар этиш: минтақавий ҳокимиятларга молиявий ва институционал ёрдамни жалб қилиш, молиявий воситалардан фойдаланишни мақбуллаштириш, федерал молиялаштиришни жалб қилиш
- Танланган соҳаларда инновацион клубларни қўллаб-қувватлаш:
 - Экинларнинг иқлим ўзгаришига мослашиши
 - Қишлоқ хўжалиги техникасини ривожлантириш
 - Соғлиқни сақлаш ва сифатни яхшилаш
 - Инновацион маҳсулотлар
 - Ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштириш
 - Янги бозор таклифларини яратиш
 - Атроф муҳит билан ўзаро алоқа
- Бошқа минтақалардаги кластер уюшмалари билан битимлар тузиш

{ 554,9 }

млн евро

238 лойиҳани амалга ошириш учун

{ 595 }

жалб қилинган корхоналар

{ 23 }

лойиҳа мақсадли дастурлар доирасида

Халқаро тажриба

Австралия ва Аргентина мамлакатларида географик кўрсаткичларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг қўшилган қийматлари ва экспортини оширди



"Австралияда ишлаб чиқарилган" индикатори Австралияни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилувчиси сифатида очиб беради



Австралия

Мақсад:

Австралия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорттери сифатида ижобий қиёфасини яратиш:

1. Маҳсулотнинг энг муҳим таркибий қисмлари Австралияда ишлаб чиқарилган
2. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ҳам Австралияда амалга оширилган

Кўрсаткичлар: :

- 10 000 дан ортиқ маҳсулот Made in Australia логотипига эга
- бу логотипни таниган истеъмолчилар 98% фоизни ташкил қилади
- 1800 дан ортиқ компания ўз маҳсулотида логотипдан фойдаланмоқда



"Мамлакат маркаси" дастури қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи сифатида Аргентина ижобий қиёфасини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди



Аргентина

Амалга ошириш механизмлари:

- "Мамлакат маркаси" дастури
- "Аргентина озиқ-овқати" савдо белгиси
- "Аргентина шароблари" товар рекламаси

Тадбирлар:

- «Argentina Top Wines» – экспортга йўналтирилган, ўнларча шароб омборларни бирлаштирувчи ташкилот, ташкил қилиш

Ҳозирги натижалар:

- Ҳозирги кунда "Wines of Argentina" бренди дунёнинг 36 мамлакатиди ва 70 дан ортиқ шаҳарларда намоиш этилган

2020 йилгача мўлжалланган мақсад:

- 2 млрд АҚШ долл. – Аргентина шаробларини сотишдан тушган даромад
- жаҳон шароблари экспортининг 10%



Фермерларга энг яхши халқаро амалиётларни ўргатиш асосида Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми оширилди

БАСФ тренинг дастури Ҳиндистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам берди

2005 йилга қадар Ҳиндистонда соя экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 0,9 тонна/га ташкил этган, бу жаҳонда ўртача кўрсаткичининг атиги 37,5% ташкил этади (жаҳонда ўртача 2,37 тонна/га). Ҳиндистонда паст рентабелликнинг сабаблари қуйидагилар эди:

- Ўғитларнинг нотўғри танлови
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тўлиқ қўлламаслик
- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларнинг оммавий етишмаслиги

Ғоя – БАСФ агрономлари ва фермерларнинг саъй-ҳаракатларини бизнеснинг рентабеллигини янада ошириш учун бирлаштириш:

- 2000 дан ортиқ гуруҳ машғулоти ва 950 амалий семинарлар. 280 иштирокчи агрономларнинг ҳар бири 150 дан 225 гача фермерга таълим берди.
- Қишлоқ хўжалигида фермерларни ўқитиш 2011 йилда БАСФ асосий маҳсулотларидан бири бўлган ўғитларга бўлган талабни ошириши керак эди. Ўғитлар аллақачон мавжуд бўлган ва фермерларга таниш бўлган етказиб берувчилар тизими орқали тарқатилди



Индия



Фермерларни қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш БАСФга Ҳиндистонда 5 йил давомида сотишлар ҳажмини уч баравар ошириш имконини берди

Таълим дастурини жорий этгандан сўнг кўрсаткичлар:



Соя ҳосили **31%** га ошди



Жуда катта талаб туфайли қўнғироқларни қабул қилиш маркази яратилди.



24% даромад ўсиши

3

Тренинг компаниясининг сотишлари 3 бараварга ордди

- Қишлоқ хўжалигида интенсификация қилиш минерал ўғитларга бўлган талабни яратади
- Қишлоқ хўжалигининг жуда катта самара билан ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларга асосланган тўғри қарорлар қабул қилиш керак
- Қишлоқ хўжалиги ривожини паст бўлган шароитда фермерларни қишлоқ хўжалигидаги энг яхши амалиётларга ўргатиш фермерларнинг ўзлари учун ҳам, ўғитлар ёки қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар учун ҳам фойдалидир

Стратегик вариантлар

1

Давлат уюшмалари

Ернинг 80-100% давлат мулкида. Ер участкалари танлов асосида ижарага берилади.

Давлат монополия уюшмаларининг катта таъсири, экин етиштириш ва сув учун квоталар мавжуд

Мамлакатлардан мисоллар:



Ўзбекистон



Исроил



ХХР

- +** Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини давлат миқёсида ҳал қилиш
- Кадрлар тайёрлаш марказларининг юқори даражада ривожланиши
- Бозор шароитининг йўқлиги фермерлар ўртасидаги рақобатнинг камайишига олиб келади
- Давлат томонидан субсидияланган корхоналар жаҳон бозорларида рақобатлаша олмайди

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга

2

Ўрта хўжаликлар

Ернинг 40-60% давлат мулкида. Ер участкалари танлов асосида ижарага берилади ёки фермерларга эгалик ҳуқуқи билан сотилади

Алоҳида эътибор ДХШ орқали ўрта хўжаликларни ривожлантиришга қаратилади, минтақавий қишлоқ хўжалиги кластерлари яратилади.

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мамлакатлардан мисоллар:



Франция



Хорватия



Австрия

- +** Кўлам таъсири асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти
- Кластерлар ичида тўлиқ цикли ишлаб чиқариш синергик эффект беради.
- Маҳсулотларнинг сифатини эмас, миқдорини оширишга эътибор қаратиш
- Ишлаб чиқариш маҳсулотини танлашда мослашувчанликнинг йўқлиги, маргинал маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборни қаратиш

Кластер тизимида фаолият юритадиган йирик ва ўрта корхоналар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий локомотовига айланади

3

Кичик уй хўжаликлари

Ернинг 90-100% хусусий мулкда. Ер участкалари фермерларга мулк қилиб берилади.

Алоҳида эътибор кичик фермер хўжалиklarини ривожлантиришга қаратилади, қишлоқ хўжалиги қуйидаги тузилмага эга: фермерлар-трейдерлар – брокерлар

Мамлакатлардан мисоллар:



Германия



Ирландия



Голландия

- +** Кичик фермер хўжаликлари ўртасидаги рақобат саноатнинг ривожланишини рағбатлантиради
- Квотасизлиги сабабли ишлаб чиқаришни қайта йўналтириш имконияти
- Ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги мақсадли тайинланишини эҳтимол ўзгартиришларига қарши курашиш учун қонуний тўсиқларни жорий этиш зарур

Кичик деҳқон хўжаликлари табиий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради, кейинчалик улар савдогарлар тизими орқали ички бозорга ва экспортга сотилади

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган ва юқори даражада қайта ишланган маҳсулотлар ва янги мева-сабзавот экинлари экспортига йўналтирилган юқори технологияли қишлоқ хўжалиги

- Ернинг 40-60% давлат мўлкида
- Юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот экспортига қаратилган йўналиш
- Алоҳида эътиборни ДХШ катта ҳажмдаги хўжалик юритиш шаклларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кичик ҳажмдаги хўжаликларда эса - хом ашёни етиштиришга қаратиш
- Минтақавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш
- Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш
- Шўрликка чидамли ўсимликлари ўстириш орқали шўр ерларни тиклаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (масалан қизилмия)
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун 15-20-та марказ яратиш
- АҚШ ва Европанинг етакчи университетлари билан ҳамкорликда янги ўқув марказларини очиш
- Қишлоқ хўжалиги комплексларини бошқаришни автоматлаштириш
- “Уруғларни йиғиш-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (экспорт)” ва уларни инфратузилма объектлари билан ўзаро алоқа қилиш ишлаб чиқариш, тўлиқ циклини ташкил қилиш учун фермер хўжаликларида норматив-ҳуқуқ ва институционал механизм яратиш (шу жумладан кўп тармоқли фермер хўжаликларида).
- Ўзбекистон қонунларида “оилавий фермерлик хўжаликлари” таърифини белгилаш ва улар учун зарур ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий шароитларни яратиш
- Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун 2-та завод қуриш
- Халқаро сифат мезонларини қабул қилиш
- Сабзавот ва меваларнинг янада кўпроқ навлари билан таъминлаш орқали аҳолининг тўғри овқатланишига кўмаклашиш, шунингдек, аҳоли учун турли хил озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятини яратиш

Рақамли кўрсаткичлар

	2017	2035	CAGR
Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, млрд АҚШ доллар	30,1	35,7	0,95 %
Қишлоқ хўжалигида бандлик,%	29	12,2	
Қишлоқ хўжалиги унумдорлиги, минг АҚШ доллари/иш билан таъминланганлар	2,2	15,6	10,6 %
Шўрланган суғориладиган ерлар улушининг камайиши,%	48,6	15	
Емирилишга мойил суғориладиган ерлар улушини камайиши, %	14,6	5	
Спиртли маҳсулотлар экспорти, млн АҚШ доллар	21	80	8,2 %
Узумзорлар ўртача ҳосилдорлик, тонна/га	4	10	
Қишлоқ хўжалиги учун йиллик сув истеъмоли, умумий сонидан %	90	70	
Тўйиб овқатланмаслик қамрови, умумий аҳолининг % ¹	6.3	0	

Инвестициялар



млрд АҚШ долл., йиғилган натижа билан

2025

- Халқаро сифат мезонларини қабул қилиш
- Ўсимлик маҳсулотларини сақлаш учун мембрана усулидаги технологияни жорий этиш
- Мавжуд суғориш ва дренаж инфратузилмаларини янгилаш ва янгиларини қуриш
- Йирик агросаноат кластерларини, табиий маҳсулотлар савдо тармоқларини яратиш
- Қишлоқ хўжалиги соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш
- Шўрланган суғориладиган ерлардан тузга чидамли ўсимликлар экиш учун фойдаланиш: лавлаги (овқатга солинадиган, озуқа ва шакар ишлаб чиқариш учун) каби жуда тузга чидамли ўсимликлар, ва помидор, карам, брюква, редис, сабзи, картошка каби тузга ўртача чидамли экинлар.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига субсидиялар
- Мамлакат шароитида мақбул, энг самарали экинларни аниқлаш учун бир қатор тадқиқотларни ўтказиш
- Томчилатиб суғоришда хорижий мамлакатлар муваффақиятли тажрибасини жорий қилиш
- Сув хўжалигида ахборот йиғиш ва сақлаш учун ГАТ технологиясини, шу жумладан суғоришнинг инновацион усул ва йўлларини, жорий қилиш

2030

- Сифат назорати ва хавфсизлик лабораторияларини яратиш
- Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш учун заводлар қуриш
- Ҳайвон, парранда ва балиқларга озуқа учун ҳашаротлардан оқсил маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- Қишлоқ хўжалиги ходимларини қайта тайёрлаш дастурларини яратиш
- Истеъмол кооперативларини ривожлантириш
- Ёрдамчи хўжаликлар ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун субсидияланган кредитлар
- Биотехнологиянинг ривожланиши, шу жумладан генетик модификация, молекуляр маркерлар, молекуляр ташхислаш, вакциналар, ҳужайра турлари, озиқ-овқат саноати учун микробиологик ечимлар
- Тўйиб овқатланмаслик муаммоси ва микронутриент етишмаслигини бартараф қилиш
- Пахтадан кейин тупроқни қайта тиклаш учун рижикдан фойдаланиш

2035

- Агросаноат мажмуаси соҳасида ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш
- Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учун шароитларни шакллантириш
- Қишлоқ хўжалиги мажмулари бошқарувини барча жойда автоматлаштириш: IIOT технологиясини жорий этиш, дронлардан фойдаланиш
- Агросаноат соҳасида тўғри ташкил қилинган тузилманинг якуний шаклланиши (хомашё етиштириш учун кичик ва ўрта хўжалик юритиш шакллари, маҳсулот ишлаб чиқариш учун кенг қамровли хўжалик юритиш шакллари)
- Узум кўчатлари учун бирлашган давлат реестрини яратиш ва узум етиштириш учун қулай ерларнинг маълумотлар базасини яратиш
- Шароб маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

2025

- Техник ускуналар учун лизинг - жиҳозлар, чорвачилик ва ўсимликшуносликни ривожлантириш учун техника
- Уй экинлари маҳаллий навларининг уруғлик захирасини яратиш
- Юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга наслдор чорва моллари лизинги (жумладан, таркибида лактаферрин юқори бўлган сут берувчи сигирлар, майда шохли қорамол, от, туя, туяқуш, курка)

2030

- Фючерс шартномалари ва битим нархлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солиш
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бир қисмини аеропоник базага ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини биологик қайта ишлашга ўтказиш

2035

Саноат

Иқтисодиётни ривожлантириш

Тўқимачилик саноати

Иқтисодий ривожлантириш. Саноат

Асосий муаммолар


- Ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажмини тўлиқ ва чуқур қайта ишлашни таъминлаш учун ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш
- Пахта теримида қул каби меҳнат қилиш муаммосини ҳал қилиш
- Тўқимачилик саноати ижтимоий функцияларни бажариши билан бирга, аёлларни иш билан таъминланишини ҳам ўз ичига олади
- Хорижий бозорлар учун рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш
- Саноат учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

Асосий хулосалар

- Тўқимачиликдаги кластер тизими ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кам ривожланган, аммо ҳозирда янги тўқимачилик-пахта кластерларини яратиш режаси тасдиқланган
- Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатларга ўхшаб **географик кўрсаткичлар** тизими жорий этилмаган
- **Тўқимачиликнинг нисбатан паст рентабеллиги** ва маблағ айланмасининг давомийлиги (4 ойдан ортиқ) туфайли замонавий тўқимачилик ва бўяш ҳамда безак бериш қувватлари сони етарли даражада эмас¹
- Жаҳон ҳамжамияти томонидан пахта теримида мажбурий меҳнатдан (шу жумладан болаларнинг меҳнатидан) фойдаланиш ҳолатлари бўйича бир неча халқаро ташкилотлари ҳисоботлари эълон қилингандан сўнг Ўзбекистоннинг пахта маҳсулотларига бўлган ишончнинг инқирозга юз тутиши пайдо бўлди. Бу тўқимачилик саноати ривожланишига ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш суръатининг секинлашишига олиб келди.
- **Малакали бошқарув ходимларининг етишмаслиги**, менежерлар ва ходимлар малака даражасининг пастлиги, ишчиларда **меҳнат қилиш рағбатининг йўқлиги**, ишчилар ва муҳандис-техник мутахассислар **обрўсининг тушганлиги**

Тўқимачилик саноатининг ЯИМдаги улуши¹,


2017 й., %



- Катта хомашё базасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси етарлича миқдордаги тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқармайди, бу эса ЯИМга қўшган ҳиссаси бўйича тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлардан -2,5 баравар ортда қолиб кетишини изоҳлайди


Иш кучи қиймати¹, 2017 г.

АҚШ доллари соатига




- ХХР ва Туркияга нисбатан Ўзбекистон Республикаси нисбатан арзон ишчи кучи кўринишида рақобатда устунликка эга

Минтақалар бўйича тўқимачилик маҳсулотларининг тақсимланиши¹



Тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми¹

млрд АҚШ долларигача кўтарилди




Манбалар: 1 - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, ишчи гуруҳнинг таҳлили


Жорий ривожланиш даражаси

Пахта ишлаб чиқариш ва экспортининг динамикаси¹


МИНГ ТОННА



Пахта экспортининг таркиби¹



Пахта толаси ишлаб чиқарувчилари²



Манбалар: 1- Европа комиссиясининг Ўзбекистон бўйича 2017 йилги ҳисоботи , 2 - Statista.com таҳлилий портали, ишчи гуруҳнинг таҳлили

1

Арзон маҳсулот (жорий ҳолат)

Геология саноатининг асосий технологик жиҳозлар паркни модернизация қилиш ва техник янгилаш режаси¹, дона



- Технологик жиҳозлар паркни модернизация қилиш режасига тўлиқ эскирган жиҳозлар сонини камайтириш (49% дан 13% гача) фойдаланиладиган ускуналар миқдорини ошириш киради

- Бурғилаш ускуналари
- Кон ўтиш ускуналари
- Геофизик-геодезия ускуналари
- Лаборатория майдалаш ускуналари
- Ўрдамчи ускуналар
- Йўл-қуриш ускуналари
- Автотранспорт воситалари
- Энерго-қувват ускуналари

КММ корхоналарини янада ривожлантириш

КММ корхоналарини IPO чиқариш

- КММ Ўзбекистон иқтисодиётининг янада фаол ривожланишига ҳисса қўшиши учун энг йирик кон-металлургия корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва аввал уларни хусусий бошқарувга ўтказиб IPO олиб чиқиш зарур.

- Ушбу усул бир неча мамлакатларда қўлланилган:



Мисол учун, Саудия Арабистони асосий қазиб чиқарувчи Maaden компаниясини хусусий бошқарувга ўтказди ва шундай қилиб компания қийматини ва Саудия ҳукумати бюджетига тушимларини бир неча марта оширди



Ботсвана ва Чили ўз йирик кон-металлургия компаниялари билан ўхшаш стратегияларни амалга оширдилар


Халқаро экспертларнинг жалб этилиши Maaden-га компаниянинг қийматини ва Саудия Арабистони давлати бюджети даромад маблағини бир неча бараварга ошириш имконини берди

- ✓ Корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш
- ✓ Халқаро экспертларни жалб қилиш
- ✓ Ишлаб чиқаришни яхшилаш бўйича амалий чораларни амалга ошириш
- ✓ Халқаро қарз эвазига молиялаштиришни жалб қилиш
- ✓ Халқаро жамғарма биржаларида IPO чиқиш

Молиявий кўрсаткичлар (Maaden)



ТКМ корхоналарини IPO чиқариш



Давлат корхоналарининг IPO-си давлат учун соҳани ривожлантиришнинг ва имижни яхшилашнинг энг мақбул стратегиясидир

Адолатли баҳолаш ва шаффофлик

IPO активлари бозор қийматининг **энг адолатли баҳоланишини** таклиф қилади. Жамғарма бозорига кирувчи компаниялар молиявий ва бизнес маълумотларни ошкора қилишнинг юқори стандартларига жавоб бериши, шунингдек, эҳтимолдаги инвесторлар учун **инвестициявий жозибадорликни** яратиши керак. Megginson (2000) таъкидлаганидек, активларни хусусий инвесторларга бериш орқали хусусийлаштирилаётган мамлакатларда бу жараён кўп ҳолларда шаффоф бўлмай, инсайдер келишувларга ва коррупцияга олиб келган эди. Инвесторлар учун манфаатли бўлишига қарамасдан, давлат ва солиқ тўловчилар, одатда, хусусийлаштириш даврида активларнинг паст баҳолари сабабли фойда кўрмаган.

Ликвидликни ошириш

Акциядорлар компания акциялари **ликвидлигининг юқорилиги** ва **унинг қийматининг ошиши** тугайли фойда олишлари мумкин. Вақт ўтиши билан, бизнес эгалари ўз фонд портфелининг бир қисмини очиқ бозорда сотишлари ёки улардан кредит олиш учун гаров сифатида фойдаланишлари мумкин.

Асосий мутахассисларни рағбатлантириш

Компаниянинг акцияларини сотиб олиш ҳуқуқини тақдим қилиш **асосий ходимларнинг** узоқ муддатли рағбатлантирилишига олиб келиши мумкин.

Компаниянинг обрўсини ошириш

Компания акцияларини тўғри танланган жамғарма биржа майдонига жойлаштириш орқали компания **бозорда янада кенгроқ танилишига, товар белгиларини танилишига** ва **халқаро миқёсда** эътироф этилишига, шунингдек, манфаатдор томонларнинг компанияга нисбатан **ишончини** ошириши мумкин.

IPO-га қадар ахборотни ошкор қилиш бўйича бир қатор талаблар бажарилиб, халқаро мезонлар жорий қилиниши керак

GRI - ахборотни ошкор қилиш талаблари

GRI (Global reporting initiative) - Глобал ҳисобот бериш ташаббуси - барқарор ривожланиш ва IPOга тайёргарлик концепцияси доирасида ошкор қилиниши керак бўлган ахборот структурасини белгилайди

Ушбу баҳолаш молиявий ҳисоботларнинг одатий қирраларини кенгайтиради ва узоқ муддатли истиқболларни тўлиқ кўрсатади. Ҳисобот, ташкилотнинг ижтимоий ва экологик ҳиссасини, маҳсулот ва хизматларнинг қийматини барқарор ривожланиш нуқтаи-назаридан аниқлашга ёрдам беради.



Халқаро молиявий ҳисобот мезонлари

IFRS (International Financial Reporting Standards) - бу ташқи фойдаланувчиларга корхона бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидаларини тартибга солувчи ҳужжатлар (мезонлар ва изоҳлар) тўплами



Захираларни баҳолашдаги халқаро мезонлар

JORC - бу дунё бўйлаб геологик қидирув ишлари натижалари, минерал қазилмалар захиралари ва маъдан захиралари бўйича ҳисоботларни тайёрлашни тартибга солувчи асосий мезон ҳисобланади.



Кон-металлургия мажмуаси


Ўзбекистон кон-металлургия саноатининг солиққа тортиш тизими

Кон-металлургия саноати корхоналарининг амалдаги солиққа тортиш тизими бўйича самарали фойз ставкаси 113% дан 416% гача.

Ҳозирги кунда кон-металлургия корхоналари учун қуйидаги солиқлар ва йиғимлар қўлланилади:

- Давлат мақсадли жамғармаси 3,5%
- Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи 4,0% - 10,4% (роялти, металллар учун)
- Фойда солиғи 14%
- Қўшимча фойда солиғи 50%
- ЎРТЖ-га ажратмалар (агар мис нархи > \$ 5 600 /т бўлса)
- Бошқа солиқлар ва тўловлар

2017 йилда кон-металлургия соҳасидаги йирик корхонанинг солиқ ажратмалари, металл турига қараб




Ўзбекистон кон-металлургия саноатининг солиққа тортиш тизими

- ЎРТЖ-га ажратмаларни тўлашда, шунингдек давлат компаниялари ҳисоботларида ортиқча фойда солиғини тўлашда, даромадни сезиларли даражада камайтиради.
- Жаҳон амалиётида давлат эгаси маблағларни дивидендлар орқали олиб чиқади, бу молиявий натижаларда ҳеч қандай тарзда акс эттирилмайди, бу компания фойдани кўрсатишга ва ташқи молиялаштиришни жалб этишга имкон беради.

Ўзбекистон кон-металлургия саноатининг солиққа тортиш тизими


Асосий металллар бўйича EBITDA маржаси ва ер ости бойликларидан фойдаланиш учун жорий солиқ ставкалари



Бугунги кунда барча металлларни ишлаб чиқариш давлат корхоналарида жамланган

Металларнинг роялти ставкалари

Соф фойда %







Шарҳлар

- Кон-металлургия саноати ривожланган мамлакатларда ҳукумат металлни қазиб олиш учун турли хил роялти ставкаларини белгилайди.
- Одатда, роялти ставкалари металлларнинг маржа даражасига ва мамлакатнинг маълум бир соҳага инвестицияларни рағбатлантириш истагига боғлиқ.
- Турли мамлакатлардаги солиқ режими қўшимча имтиёзлар билан ҳам фарқ қилади.
- Асосий фарқ инвестициявий фаолиятни рағбатлантирадиган турли имтиёз ва механизмлардан иборат:
 - Тезда эскириш
 - Операцион харажатлар таркибидан капитал харажатларни ҳисобдан чиқариш
 - Зарарларни йилдан йилга кўчириш бўйича чекловларнинг йўқлиги

Эслатма: 1. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 2.7% -3.5% 2. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 0,0% - 2,5%; 3. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 6,5% - 7,5%; 4. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 0,0% -14,0% ; 5. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 0,5% - 7,0%; 6. ўртача ставка кўрсатилган, қонунчиликда қуйидаги диапазон белгиланган 0,5% -5,0%

Металлар кесимида энг муваффақиятли солиқ режими мисоллари

	Мис	Олтин	Нодир металлар	Темир
Мамлакат	 Чили	 Австралия	 Австралия	 Бразилия
Роялти ставкаси	0-14%	0-2,5%	2,7%	2,0%
CODELCO учун махсус шартлар	<ul style="list-style-type: none"> • Мисни сотишдан тушган экспорт даромадига 10% роялти • Роялтидан олинган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши 	<ul style="list-style-type: none"> • Тезда эскириш • Зарарларни ўтказишда чекловлар мавжуд эмас 	<ul style="list-style-type: none"> • Тезда эскириш • Зарарларни ўтказишда чекловлар мавжуд эмас 	<ul style="list-style-type: none"> • Лицензия учун тўлов • Дивидендга солиқ йўқ

	Таъриф
 Чили	Мис - Чили учун бюджет тушимининг асосий манбаи. Бундан ташқари, Чилида дунёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи CODELCO жойлашган.
 Австралия	Австралия олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. Австралиянинг олтин саноатининг иқтисодийта бевосита таъсири туфайли мамлакатнинг асосий саноати ҳисобланади (экспорт йилига 15-20 млрд АҚШ доллари). Олтин 75 та очиқ ва ерости конларида қазиб олинади, бундан ташқари, олтинни йўлдош маҳсулот сифатида чиқарувчи 20 га яқин кон корхоналари мавжуд.
 Австралия	Нодир металлар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллайди. Олтин ва бошқа металлардан фарқи ўлароқ, ноёб металларни ишлаб чиқариш билан кичик компаниялар шуғулланади. Солиққа тортиш соҳасидаги энг муҳим мисоллардан бири Австралияда бўлиши мумкин, унда дунёдаги ноёб металларнинг учдан бир қисми ишлаб чиқарилади. Одатда ноёб металларни қазиб олиш билан кичик компаниялар (junior miners) шуғулланади.
 Бразилия	Темир рудаларини қазиб олишда Бразилия дунёда учинчи ўринда туради. Бразилияда тижоратга доир темир конларнинг тахминан 90% Vale йирик тоғ-кон саноати компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Компания темир кон захиралари бўйича дунёда биринчи, ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди

Кон-металлургия компаниялари учун тавсия этилган солиққа тортиш тартибидаги ўзгаришларнинг қисқача тавсифи

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасида ер қатламларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган хусусий тоғ-кон корхоналари йўқ, ағдарилган ер қатламлари билан шуғулланадиган айрим компаниялар бундан мустасно, Шу муносабат билан, давлат хусусий шахслардан эҳтимолдаги солиқ ажратмаларидан катта даромадларни йўқотади, ва бу хусусий секторда янги иш жойлари яратиш имкониятларини чеклайди.

1. Солиқлар ва роялти жорий тизимидаги ўзгаришлар:

- Давлат корхоналари учун дивидендлар орқали маблағ олиш
- Тоғ-кон компаниялари учун МТБ (Маҳсулот тақсимотига оид битим) тизимини бекор қилиш
- Солиққа тортиш тизимини энг яхши халқаро амалиётга мувофиқ ислоҳ қилиш (хусусан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ)

2. Соҳада янги ташкил этилган корхоналар/лойиҳалар учун имтиёзлар тизимини яратиш:

- Тезда эскириш. Масалан, тоғ-кон фаолияти (газ қувурлари, электр узатиш линиялари ва йўлларни ўз ичига олган) инфраструктурасига, транспортга, объектларини қуришга ва асбоб-ускуналарга киритилган инвестицияларга нисбатан тезда эскириш усули қўлланилади - йилига 33%
- Солиқ зарарларини ўтказиш. Тоғ-кон операциялари солиқ тўловчилари вақтинчалик муддатга солиқ зарарларини чекловсиз ўтказиш ҳуқуқига эга
- Капитал харажатларини ҳисобдан чиқариш. Тоғ-кон саноати корхоналари солиққа тортиладиган даромаддан қидириш ва лойиҳани ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган, шу жумладан, конни қидириш ва улардан фойдаланиш учун лицензия олиш учун кетган сарф-ҳаражатларнинг 100 фоизигача чегириб қолиш ҳуқуқига эга.
- 30 йиллик солиқ барқарорлиги
- Капитал қўйилмалар бўйича импорт божларидан озод қилиш
- ҚҚСни муддатидан олдин қайтариш

1

Давлат активлари

Давлат активлари самарадорлигини ва фойдалигини ошириш ва хорижий компаниялардан технологияларни импорт қилишга эҳтиёж бор. Давлат активларининг IPOсини ўтказиш ва ЖСТга аъзо бўлиш ва минтақавий интеграция (Европа Иттифоқига ўхшаб). Саноатнинг барқарор ривожланиши сабабли нархларни тартибга солишдан воз кечиш.

- +** Давлат саноатни субсидиялаш орқали ишчиларни иш ўринлари билан таъминлайди
- Рақобат муҳити мавжуд эмас
- Бозорга кириш учун тартибга солувчи тўсиқлар мавжуд.
- Иррационал инфратузилма активлари хусусий капитални киритишни талаб қилади

Давлат кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлишни давом эттиради

2

Активларни хусусийлаштириш

Давлат активларини хусусийлаштириш жараёни тўлиқ якунланди, минерал хомашёларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва бойитиш бўйича йирик халқаро иштирокчилар жалб қилинмоқда.

- +** Рақобат муҳити шаклланишига олиб келадиган тартибга солишни тўлиқ тўхтатиш
- Бозор самарадорлигига эътибор қаратиш ҳисобига қазиб олиш секторига кириш тўсиқларини камайтириш
- Миллий иқтисодиётдаги ўзаро боғлиқ тармоқларнинг тўлов қобилиятига эга беқарор талаби

Тўлиқ хусусийлаштириш амалга оширилди, хусусий иштирокчилар соҳани ривожлантиришда асосий омил бўлади

3

IPO ўтказиш

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мавжуд тоғ-кон корхоналари асосида жаҳон чемпионларини яратиш ва кейинчалик IPO ташкил қилиш

- +** Ликвидликни ошириш
- Асосий мутахассисларни рағбатлантириш
- Компаниянинг обрўсини ошириш
- Компаниялар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги кўпинча менежерлар узоқ муддатли ўсишига ёрдам берадиган вазифаларни ҳал қилиш ўрнига қисқа муддатли мақсадларга эришишда ишлашни бошлашлари мумкин бўлган вазиятни келтириб чиқаради

КМК компанияларининг акцияларини илк оммавий жойлашуви бўлиб ўтди

Кутилаётган натижа-2035


КМК бошқарувининг юқори самарадорлиги, жумладан, харажатларни камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш қисмида, хом ашёни қайта ишлаш чуқурлигини ошириш

- Мавжуд тоғ-кон корхоналари асосида жаҳон чемпионларини яратиш
- Корхоналарни IPO-га чиқариш
- Солиққа тортиш тизимини энг яхши халқаро амалиётга мувофиқ ислоҳ қилиш (хусусан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ)
- Геология саноатида кадрлар тайёрлаш марказларининг сонини кўпайтириш, хорижий мамлакатларда ҳодимларни ўқитиш
- Жинсни қазиб олиш кўрсаткичини ошириш
- Ёлланма менежерларни ишга қабул қилиш орқали мавжуд КМК корхоналарининг ишларини қайта ташкил этиш
- Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва ўлим ҳолларини камайтириш
- Ўзбекистон Республикасида вольфрам саноат кластерини яратиш
- Кон ишларини лойиҳавий ва ахборот таъминлаш технологияларини қўллаш (ер ости бойликларини математик моделлаштириш, очиқ кон мақбул шаклларини ва кон ишларини ривожлантириш календар жадвалини ҳисоблаб чиқариш, рудаларни саралаш)
- Давлат корхоналари учун давлат субсидияларини бекор қилиш

Рақамли кўрсаткичлар

	2017	2035
Аниқланган конлар ҳажми, дон ¹	1931	2124
Олтин қазиб олиш, т/йил ¹	100	150

Инвестициялар



2025



- Геология саноатида кадрлар тайёрлаш марказларининг сонини кўпайтириш, хорижий мамлакатларда ҳодимларни ўқитиш
- Қазиб олинган хом ашёни ташиш учун инфратузилмани қуриш
- Тартибга солиш ва инфратузилмага оид чекловларни бартараф этиш йўли билан юқори ишлов берилган металлургия маҳсулотларини, махсус пўлат ва қотишмалар ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш
- Бирламчи металлургия ишлаб чиқарувчиларни ва кейинчалик қайта ишловчиларни бирлаштирувчи саноат кластерларини яратиш
- Ер ости бойликларидан фойдаланишда қазиб олиш амалга оширилмаётган лицензияларни бекор қилишга имкон берадиган "фойдалан ёки йўқотдинг" тамойилини жорий этиш.
- Геология-қидирув ишларини олиб бориш учун шартнома тузишни соддалаштириш бўйича тартибларни амалга ошириш
- Қазиб олиш баҳосини аниқлайдиган кон-руда захираларини баҳолаш ва ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш
- Ишлаб чиқариш экологик жиҳати яхшилانганда Киото протоколи бўйича эмиссия квоталарини сотиш учун норматив-ҳуқуқий асос яратиш
- Аварияларни камайтириш, хавфсизликни яхшилаш ва саноат корхоналарида меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган фаолиятнинг касбий маҳорат мезонларини жорий этиш
- Ишлаб чиқариш ускуналари, шу жумладан тоғ-кон ва металл эритиш ускуналари учун лизинг тизимини ишлаб чиқиш

2030



- Кон ишларини лойиҳавий ва ахборот таъминлаш технологияларидан фойдаланиш (ер ости бойликларини математик моделлаштириш, очиқ кон мақбул шакллари ва кон ишларини ривожлантириш календар жадвалини ҳисоблаб чиқариш, рудаларни саралаш)
- IIOT (Industrial Internet of Things интернет саноати) технологияларини ускуналар ҳолатини таҳлил қилиш ва профилактик таъмирлаш учун қўллаш
- Корхоналарни темир-терсак билан, шу жумладан импортни фаоллаштириш орқали, таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
- Тармоқнинг қаттиқ техноген чиқиндиларини қайта ишлашга, шу жумладан, руда материалларини қайта олишга йўналтирилган технологияларни жорий этиш
- Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириш
- Олий ва ўрта саноат ўқув юртлари талабалари учун Франция ва Германия мисоли бўйича мажбурий узоқ муддатли ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш
- Ҳодимларни ривожлантириш дастурларини, шу жумладан хавфсизлик масалаларини эътиборга олган ҳолда, субсидиялаш
- Етказиб берувчилар экотизимини ривожлантириш доирасида КЎБни рағбатлантириш чоралари
- JORC халқаро стандартлари бўйича кончилик захираларини баҳолаш ва ҳисоботга олиш тизимини жорий этиш ва Ўзбекистонни ресурслар ва захиралар бўйича ҳисоботларни стандартлаштириш бўйича халқаро қўмитага киритиш

2035



- Машиналарни масофадан бошқаришни қўллаш
- Қазиб олиш, қайта ишлаш ва бойитиш соҳаларида технологик ускуналарни тўлиқ роботлаш
- Узоқ истиқболда металлургия маҳсулотларини субститут товарлар билан алмаштириш натижасида сотишнинг камайиб кетиш хавфини камайтириш орқали янги материалларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш
- Қурилиш соҳасидаги ички талабни кенгайтириш ҳисобига қора металлургия маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу қуйидаги омиллар билан таъминланади: эскирган уй-жойни алмаштириш; киши бошига тушган уй-жой майдонининг ўсиши; уй-жой коммунал инфратузилмасини алмаштириш; қурилишда металлдан фойдаланишни рағбатлантириш
- Ортиқча қувватларни камайтириш, самарасиз ишлаб чиқаришни тўхтатиш ёки уларни ягона саноат шаҳарларида қайта профиллаштириш лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
- Мавжуд КМЗларнинг унумдорлигини балансдан ташқари рудаларни ва минерализацияланган массаларни қайта ишлашга жалб қилиш орқали ошириш

Асосий стратегик ташаббуслар

2025



- Ўзбекистон Республикасида вольфрам ишлаб чиқариш кластерини яратиш
- Тоғ-кон компаниялари учун Солиқ кодексини халқаро мезонларга мос равишда ислоҳ қилиш
- Компаниянинг молиявий ҳисоботларида ушбу харажатлар келиб тушган йилга қидириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган капитал харажатларни тўлиқ ҳажмда ҳисобга олиш учун рухсат бериш
- Инфратузилма, транспорт ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ускуналарига инвестициялар учун тезда эскиришни қўллашга (йилига 33% га қадар) рухсат бериш

2030



2035



Автомобиль саноати

Иқтисодий ривожлантириш. Саноат

Жорий ривожланиш даражаси

Асосий муаммолар


- Юқори божхона тўловлари, тахминан 30%, ва автомобиллар импорти учун акцизлар
- Автомобиллар билан таъминланганликнинг паст даражаси - 1 минг кишига 76 та машина*
- Ишлаб чиқаришнинг юқори қиймати ва меҳнатнинг паст самарадорлиги
- Маҳаллийлаштиришнинг паст даражаси ва импорт етказиб беришларига қарамлик
- Кечиккан янгилаш ва эскирган моделлар қатори
- Ўз муҳандислик базасининг йўқлиги ва паст илмий-техник салоҳият
- Кадрлар сиёсатининг етарли даражада самарали эмаслиги

Асосий хулосалар

- ЯИМ автомобиль саноатининг сезиларли улуши - қарийб 8%
- Халқаро компаниялар ишлаб чиқаришларини маҳаллийлаштириш ҳисобидан саноат соҳасида ишлаётганлар сонининг 2018 йилда 27 мингдан 2035 йилда 50 мингга қадар ўсиши тахмин қилинмоқда
- Ўзбекистон автомобиль бозори 2018 йилда ижобий динамикани кўрсатди: 2018 йилда бозор ҳажми 203 мингта автомобилни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 72% ошди
- Автомобиль саноатининг эҳтимолдаги ишлаб чиқариш қуввати йилига 400 мингта автомобиль ишлаб чиқариш учун етарли, айти пайтда эса ишлаб чиқариш қувватининг ярми ишлатилади²
- Ёпиқ бозор ва рақобатнинг йўқлиги валютада даромад олиш мақсадида экспорт бозорига нисбатан ички бозорда автомобиль қийматининг ошишига олиб келади
- Аҳолининг паст тўлов қобилияти эвазига юқори импорт божлари бозор ривожланишини чеклайди
- Автомобил саноатидаги ишлаб чиқариш самарасизлиги боғлиқ соҳаларда самарасизликга айланмоқда


Автомобиль саноатининг ЯИМдаги улуши, 2018 й.²

млн АҚШ долларигача кўтарилди




- Автомобиль саноатининг ЯИМ улуши Россияда 1% дан ва Японияда 10% гача ўзгариб туради.

Автомобиль саноатининг умумий саноат ҳажмидаги улуши, 2018 й.²



- "Ўзавтосаноат" АЖ – автомобилсозлик корхоналарини бошқарадиган Ўзбекистон холдинг компанияси. Айти пайтда бу Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги ягона корхона.

Маҳсулотларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми²




- 2015-2016 йилларда Ўзбекистондаги автомобиль ишлаб чиқаришнинг пасайиши сабаби, ўзбек автомобиль ишлаб чиқарувчилари учун етакчи экспорт бозори бўлган рус автомобиль бозоридаги инқироз бўлгани.

■ Автобуслар ва юк ташиш машиналари ■ Енгил автоибишлар

Жорий ривожланиш даражаси

Ўзбекистонда ва Россияда автомобиль нархининг таққосланиши


АҚШ долларигача кўтарилди



- Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкори ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг асосий импорт қилувчиси ҳисобланади
- Ички бозорда сотиладиган автомобиллар экспорт аналогларига нисбатан қимматроқ
- 2018 йилда "ДжиЭм Ўзбекистон" АЖ экспорт нарх сиёсати қайта кўриб чиқилган ва ҳозирда чакана экспорт нархи янги сотув нархларига асосланади. "ДжиЭм Ўзбекистон" АЖ таннархни камайтириш ва рақобатбардош экспорт нархларини шакллантириш бўйича қўшимча ишларни олиб бормоқда.

Автомобиллар ва енгил тижрат автомобилларининг Ўзбекистонда сотилиши,

1 минг дона



- 2018 йилда Ўзбекистонда автомобил бозори ҳам ижобий динамикани кўрсатмоқда
- 2018 йилда бозор ҳажми 203 минг автомобилни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 72 фоизга ошди.
- Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида Ўзбекистон 2026-2027 йилларда йилига 400 минг автомобиль ишлаб чиқариш ва сотиш салоҳиятига эга.

1

Харажатлар бўйича пешқадамлик

Ўзбекистонда автомобилсозликнинг ҳозирги ривожланиш моделига риоя қилиш: сифат ва ишончликни ошириб, арзон автомобилларни ишлаб чиқариш. Келгусида экспорт истиқболи ўсиб бораётган истеъмол бозорига йўналтирилади.

Мамлакатлардан мисоллар:



ХХР



Ҳиндистон



Покистон

- +** Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасини икки бараварга ошириш учун тайёр ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд
- Айни пайтда аҳолиси ўсаётган мамлакатларда арзон автомобилларга нисбатан талаб мавжуд.
- Айни вақтда юқори даражада эскиргани туфайли мавжуд қувватларни янгилаш зарурати
- Малакали кадрларнинг етишмаслиги
- Аҳоли даромадларининг ўсиши ва юқори тоифадаги автомобилларга бўлган қизиқиш сабабли нархи арзон автомобилларга бўлган талаб камаяди

Арзон автомобиллар сифатини ошириб ишлаб чиқаришга йўналтириш

2

Ривожланиш мақсадининг варианты

Ишлаб чиқаришда инновациялар

Юқори технологияли материаллардан фойдаланган ҳолда янги инновацион автомобиль ишлаб чиқаришни очиш. Инвестиция муҳитини яхшилаш, эркин иқтисодий зонани яратиш, кадрларни тайёрлаш учун очиқ ўқув марказларини яратиш зарур. Келгусида экспорт истиқболи ривожланган бозорларга йўналтирилади.

Мамлакатлардан мисоллар:



Германия



Испания



АҚШ

- +** Автомобил саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш, шу жумладан, таркибий қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш
- Иш жойларини кўпайтириш
- Юқори технологияларга асосланган автомобилларнинг бозор улушини эгаллаш салоҳияти
- Электр моторли автомобилларга бўлган талаб ўсиб бормоқда
- Малакали кадрларнинг етишмаслиги.
- Мавжуд ишлаб чиқариш объектларини ва инфратузилмани жиддий янгилаш талаб қилинади.
- Инвестиция муҳитини яхшилаш зарурати.
- Замонавий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг етишмаслиги
- Кейинчалик модернизация қилиш ва таннархни пасайтириш мақсадида автомобилсозлик саноати учун материаллар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантиришга жиддий инвестициялар талаб этилади

Инновацияларга йўналтириш

Кутилаётган натижа - 2035


Янги технология асосида экспортга йўналтирилган автомобиль ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни кейинчалик маҳаллийлаштириш учун халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчиларни жалб этиш

- Халқаро компаниялар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш
- Божхона тарифларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва ташқи савдони амалга оширишда ЖСТга кириш йўлида бож тўловларини мақбуллаштириш
- Ишлаб чиқарилган автомобиль маҳсулотларининг экспорт қамровини кенгайтириш
- Тўлиқ цикли электромобилларни ишлаб чиқаришни жорий этиш
- Автомобил учун замонавий ва тежамкор материаллар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш
- Монополияни камайтириш учун импорт божларини пасайтириш

Рақамли кўрсаткичлар

	2018	2035
Иш жойларини яратиш, минг ишчи	27	50
Электр моторли автомобилларнинг улуши, %	0	30
Машиналарни ишлаб чиқариш ҳажми, минг дона	221	400

Инвестициялар



2025



- Халқаро компаниялар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш
- Люкс синфидаги автомобилларда мобил технологияларни жорий этиш
- Моделлар қаторини янгилаш, ишлаб чиқарувчилар учун жозибador шарт-шароитларни яратиш, инновацион маҳсулотларни бозорга чиқариш
- Амалга ошириладиган технологик жараёнлардан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурларга автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг имтиёзли равишда иштирок этиш имкониятини таъминлаш (мисол учун, газ мотор ёқилғида автомобилларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш)
- Ўзбекистон эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини глобал автомобиль ишлаб чиқарувчилар ва эҳтиёт қисм етказиб берувчилар занжирига қўшиш
- Иқтисодий ривожланаётган мамлакатларга эҳтиёт қисмлар экспортини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш
- Самарадорликни ошириш, харид қилиш фаолиятини мақбуллаштириш, етказиб берувчиларни ривожлантириш ва ҳқ. ҳисобига таннархни тушириш; таннархни тушириш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш (шу жумладан, белгиланган нарх эвазига лойиҳалаштириш (design-to-cost) ва тежамкор ишлаб чиқариш)
- Интеллектуал транспорт тизимларида ва автомобилларда фойдаланиладиган дастурий ва аппарат таъминоти мос келадиган киберхавфсизлик таснифи ва мезонларини белгиловчи мажбурий техник регламентни шакллантириш.

2030



- Келажак технологиялари ёрдамида автомобиллар ишлаб чиқариш: ҳавосиз шиналар, полимер карбон толаси ва қорамой ҳамда бошқалар
- Автомобиль саноатини экспортга йўналтириш
- Электр моторли автомобилларни ишлаб чиқариш
- 1-2 замонавий маҳаллий платформалар (моделлар) асосида муҳандис кадрларни ва компетенцияларни ривожлантириш.
- “Ўз жойини топиш (нишевых)” ИТТКИ қўллаб-қувватлаш ва ихтисослаштириш
- Двигателлар, узатмалар қутиси, ўқлар, шассилар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш учун зарур бўлган автомобиллар учун ўз эҳтиёт қисмлар базасини шакллантириш
- Электр автомобилларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, шунингдек зарур инфратузилмани қуриш учун ҳуқуқий асосларни тайёрлаш

2035



- Автомобилларни ишлаб чиқаришда, шу жумладан, ўзи бошқариладиган автомашиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш технологиясини янада ривожлантириш
- Эски маҳаллий моделларни ишлаб чиқаришни босқичма-босқич тугатиш ва уларни чуқур маҳаллийлаштирилган глобал платформаларга алмаштириш

● кадрлар ● молия

● технологиялар ● қонунчилик ва давлат томонидан тартибга солиш

● инфратузилма

Кимё саноати

АСМ, саноат, ЁЭМ ва инфратузилмани ривожлантириш

Жорий ривожланиш даражаси

Асосий муаммолар


- Молиявий ресурслар чекланганлиги
- Кимё саноатида фундаментал илмий базанинг ва замонавий лойиҳавий ва муҳандислик ишланмалари йўқлиги
- Малакали ходимларнинг етишмаслиги
- Паст маржали маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш
- Саноатда кимё маҳсулотларидан фойдаланишнинг чекланганлиги

Асосий хулосалар

- "Ўзкимёсаноат" АЖ - Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи Ўзбекистон холдинг компанияси
- ЯИМ кимё саноатининг улуши оз (0,6%) бўлиб, азот, фосфор ва калийли ўғитларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган
- Минерал ўғитлардан ташқари, Ўзбекистон кимё саноати тоғ-кон саноати ва нефт-газ саноати учун кимё маҳсулотлари, ноорганик, органик ва маиший кимё маҳсулотлари сегментлари билан тақдим этилган
- Кимё саноати корхоналари мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида мавжуд: Навоий, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси
- Саноат ривожланишининг асосий чекловларини бартараф этиш учун ички талабни, биринчи навбатда, агросаноат мажмуаси томонидан ички талабни ривожлантириш керак

Кимё саноатининг ЯИМ улуши, 2017 й.


Шарҳлар



- Кимё саноати Ўзбекистон Республикаси ЯИМ 0,6 фоизни ташкил қилади
- Шу билан бирга, Германия мисолида умумий саноатнинг ўсишига эришиш билан кимё саноатининг мавқеини ошириш салоҳияти мавжуд


Кимё саноатининг умумий саноат

ҳажмидаги улуши, 2017 й



Кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш динамикасининг истиқболи

Минг тонна




Эслатма: *ишчи гуруҳининг ҳисоби

- "Ўзкимёсаноат" АЖ томонидан ишлаб чиқилган 2018-2030 йиллар учун Кимё саноатини ривожлантириш дастурида назарда тутилган тахминларга кўра, 2030 йилга келиб минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ички талаб ўсиши ҳисобига, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва экспорт ўсиши билан 2 бараварга ўсади.
- Ушбу ўсиш янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.


Жорий ривожланиш даражаси

Минерал ўғитлар учун ички талаб ва таклифни таққослаш, 2017, минг тонна



- Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиши унга тўлашга қодир ички талабдан ортиб бормоқда, ўртача 40-50%-га
- Ушбу маҳсулотлар экспорти натижасида минерал ўғитларга бўлган таклифнинг талабдан ошиб кетиши
- “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан тайёрланган 2018-2030 йилларга мўлжалланган Кимё саноатини ривожлантириш дастурида экспортнинг 185,6 млн. АҚШ долларига ўсиши кутилмоқда 2030 йилда 769,0 млрд АҚШ долларигача ўсиши назарда тутилмоқда
- Ўзбекистонда кимё маҳсулотларини асосий импорт қилувчилари ХХР, Россия, Қозоғистон ва Туркия ҳисобланади¹

Маҳсулот турлари бўйича кимё саноатида ишлаб чиқариш, млн АҚШ доллари




- БМТ Ривожланиш Дастури маълумотларига кўра, 2030 йилга келиб кимё саноати маҳсулотларининг 70 фоизи юқори технологик полимер маҳсулотлар (полиэтилен, полипропилен, полистиро ва ҳоказо), пардоз воситалари ва дорилар бўлади.

- Бошқалар
- Полимерлар қатори
- Бўёқ, лак, пигментлар
- Дорилар, пардоз воситалари
- Минерал ўғитлар
- Асосий кимё
- Синтетик каучук

Жорий ривожланиш даражаси

Кимё саноати минерал ва маиший кимёвий сегментлар билан ифодаланади

Истеъмол қилувчи тармоқларда тўлиқ интеграцияланган корхоналар шароитида кимё саноатининг ишлаб чиқариш қийматини яратишнинг соддалаштирилган занжири



Кимёвий минераллар	Углеводород конлари	Табиий газ нефт	Соф водород Тоза азот Олтингургурт, олтингургурт оксиди	Карбамид Азот кислотаси Сулфат кислотаси	Аммиакли селитра, калций аммоний нитрати, карбамид-аммиак аралашмаси	Азот-фосфор ўғитлари (N-P) Азот фосфор калийли ўғитлар (N-P-K) Моноаммонийфосфат (MAP) Диаммонийфосфат (DAP)	<ul style="list-style-type: none"> • АСМ • Тиббиёт • Металлургия
	Фосфорит рудалар конлари	Фосфорит рудалар	Бирламчи концентрат	Фосфорит уни Экстракциял и фосфорик кислота	Оддий фосфатли ўғитлар, иккиталик (учталиқ) суперфосфат, озуқа фосфатлар		
	Калий тузлари конлари	Сильвинит, карналит	Калий тузи	Калий хлор Калий сульфат		Калий нитрат	
	Ош тузи конлари	Ҳалит, тош тузи, туз кўллари, денгиз тузи	Ош тузи	Хлор		Пестицидлар	

Маиший кимё	Табиий газ ва нефт конлари	нефт, табиий газ	Олий мойли спиртлар	Юзаки-фаол моддалар		<ul style="list-style-type: none"> • АСМ • Чакана савдо • Озиқ-овқат саноати • Енгил саноат • КМК
	Ош тузи конлари	Ҳалит, тош тузи, туз кўллари	Ош тузи	Каустик сода Натрий гипохлорит Натрий сульфат, натрий силикат	Оқартиргичлар, ювиш кукунлари, сувли хлорлаш воситалари, совун, ювиш воситалари	

1

Харажатлар бўйича пешқадамлик

Ўзбекистонда кимё саноати ривожланишининг жорий моделига риоя қилиш: ички талабни қондириш учун минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва ўсаётган истеъмол бозорига ўғитларни экспорт қилиш

Мамлакатлардан мисоллар:



ХХР



Ҳиндистон



Беларусь

- +** Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасини икки бараварга ошириш учун тайёр ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд
- Айни пайтда аҳолиси ўсаётган мамлакатларда минерал ўғитларга нисбатан талаб мавжуд.
- Малакали кадрларнинг етишмаслиги
- Кимё саноатини ривожлантириш учун рағбатларнинг йўқлиги
- 2035 йилга келиб, талабнинг вектори паст технологик кимё маҳсулотларидан (ўғитлардан) юқори технологик (полимер маҳсулотлари, пардоз ва дори воситалари) маҳсулотларга ўзгаради

Ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган минерал ўғитларига мослашиш

2

Ишлаб чиқаришда инновациялар

Полимер маҳсулотлар, пардоз ва дори воситаларининг янги инновацион ишлаб чиқаришларини очиш. Инвестиция муҳитини яхшилаш, эркин иқтисодий зона яратиш, кадрларни тайёрлаш учун очиқ ўқув марказларини яратиш зарур. Келажакда экспорт истиқболи ривожланган бозорларга йўналтирилади (Араб яримороли мамлакатлари, Туркия)

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мамлакатлардан мисоллар:



Германия



Япония



Жанубий Корея

- +** Кимё саноатини экспортга йўналтирилган саноат сифатида ривожлантиришни рағбатлантириш
- Иш жойларини кўпайтириш
- Юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар бозорида ўз улушини эгаллаш салоҳияти
- Малакали кадрларнинг етишмаслиги
- Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилманинг янгиланиши талаб қилинади
- Халқаро компанияларнинг ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш учун инвестиция муҳитини яхшилаш зарур

Инновацияларга эътибор қаратиш

Янги технологиялардан фойдаланиш ва халқаро компанияларни жалб қилиш орқали юқори технологияли полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган кимё саноати

- Халқаро компаниялар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш
- Саноат кооперациясини фаол равишда рағбатлантириш учун юқори технологияли "илғор" кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериш керак: полимерлар қатори, синтетик каучуклар, дори воситалари¹
- Кимё маҳсулотларини алоҳида ишлаб чиқариш: минерал ўғитлар ва юқори технологик кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича алоҳида компанияларни яратиш
- Бошқа саноат соҳалари билан кимёвий саноатнинг самарали саноат ҳамкорлигини ташкил қилиш
- Илм-фан ва соҳавий илмий изланишларни фаол ривожлантириш
- Углеводород хомашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга йўналтирилган илғор илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш
- Лойиҳалаштириш ва муҳандислик ишларининг сифатини ва диагностика изланишларини такомиллаштириш
- Кимё ва кимёвий технологияларнинг барча йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш

Рақамли кўрсаткичлар

	2017	2035	CAGR
Кимёвий маҳсулотлар экспорт ҳажми, млн АҚШ долларигача кўтарилди	176,2	1323	12,2%
Кимё саноатида полимер маҳсулотларнинг улуши, %	16,2%	50%	

Инвестициялар



2025



- Халқаро компаниялар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш
- Янги кимё саноатининг ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортиментини ва номенклатурасини кенгайтириш мақсадида, технологик линияларни сотиб олиш орқали, қайта техник қуролланиш йўли билан мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш
- Азот, фосфор ва калий (НРК-ўғитлар)ни ўз ичига олган комплекс ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш
- Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурларга, амалга ошириладиган технологик жараёнларга боғлиқ равишда устувор равишда киришни таъминлаш
- Мактабдан бошлаб кадрлар салоҳиятини ривожлантириш
- Кимёвий маҳсулотлар бозорини аниқлаш ва кенгайтириш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш
- Технологик жараёнларни бошқариш бўйича тажриба алмашиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услулларини жорий этиш, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашни ташкил этиш ишларини фаоллаштириш

2030



- Резина-техник маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш (конвейер ленталари, автомобиль шиналари ва бошқалар)
- Полимер маҳсулотларини, пардоз воситалари ва дори-дармон ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш
- Кимёвий маҳсулотлардан хавфсиз фойдаланиш учун техник шартларни ва мезонларни белгиловчи мажбурий техник регламентларни шакллантириш
- "Ўзкимёсаноат" АЖ саноат корхоналарини ва марказий аппаратини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш марказларини ривожлантириш
- Рационализаторлик ғоялари ва ихтироларини, шунингдек, кимё соҳасида янги маҳсулот турларини яратиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун грантлар эълон қилиш билан бир қаторда институтлар, олимлар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш
- Технологик усқуналар текшируви учун диагностика марказини ташкил этиш
- Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтини ташкил қилиш

2035



- Экспорт қамровини кенгайтириш: Ўзбекистон - Марказий Осиёда кимё маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларидан бири ҳисобланади

● кадрлар ● молия

● технологиялар ● қонунчилик ва давлат томонидан тартибга солиш

● инфратузилма

Автомобиль ва темир йўл транспортида асосий стратегик ташаббуслар

2025



- Норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, такомиллаштириш ва халқаро қонунчилик ва мезонлар талаблари билан уйғунлаштириш
- Ташиш вақтида йўловчилар ва юкларни суғурталаш усулини модернизация қилиш ва юк ташувчиларнинг жавобгарлигини ошириш

2030



2035



Транспорт

АСМ, саноат, ЁЭМ ва инфратузилмани ривожлантириш

Транспорт ва логистика соҳасининг жорий ривожланиш даражаси



Асосий муаммолар

- Инфратузилманинг эскилиги
- Аҳоли учун ҳаво йўлларида фойдаланиш имкониятларни камлиги
- Темир йўл транспорти самарадорлигининг пастлиги
- Жамоат транспортининг етишмаслиги
- Темир йўлларда электрлаштириш даражасининг пастлиги
- Муқобил йўналишларда рақобатнинг заифлиги, интермодаллик даражасининг пастлиги
- Паст сифатли транспорт ва логистика хизматлари
- Божхона юк расмийлаштируви муаммолари

Асосий хулосалар

- Транспорт инфратузилмаси республиканинг асосий ҳудудлари ва шаҳарларини қамраб олган ва объектларни кенгайтириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2017 йилда жалб этилган инвестициялар ҳажми 651 миллион АҚШ доллариға қадар ўсди
- 2013-2017 йилларда барча турдаги транспорт воситаларида (темир йўл, ҳаво, авто) йўловчилар оқимининг тўхтаб қолганлиги кузатилади
- Охириги 5 йил ичида авиа ва автомобиль воситалари билан юк ташиш ҳажмининг (+ 5%) ўсиши кузатилади
- Логистика самарадорлиги нуқтаи-назаридан Ўзбекистон ривожланган мамлакатлардан орқада қолиб, LPI (Logistics Performance Index) рейтингда 99-ўринни эгаллайди.

Транспорт ва логистика тизимининг вазифалари ва аҳамияти

Давлатнинг транспорт алоқалари

- Транспортнинг қулайлиги ва мамлакат асосий иқтисодий марказларининг ўзаро боғлиқлиги
- Аҳоли иш ва яшаш жойларининг транспорт билан боғланиши
- Товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жойларининг транспорт билан боғланиши (шу жумладан В2В "хом ашё-товарларни ишлаб чиқариш")
- Исталган бир нуқтадан исталган бошқа нуқтага ташиш имконияти

Ташиш самарадорлиги

- Ташишнинг юқори тезлиги
- Ташишни олдиндан тахмин қилиш ва унинг муддатларига риоя қилиш
- just-in-time етказиб бериш имконияти

Жаҳон ҳамжамиятига интеграция

- Миллий ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон бозорларига транспортда чиқиш (маҳсулот сотиш) имконияти
- Миллий компаниялар учун глобал ресурсларга транспортда бориш (ресурсларни харид қилиш) имконияти
- Мамлакат транспорт ва логистика тизимининг ташқи фойдаланувчилар учун қулайлиги (транзит)

Хизматнинг кенг қамрови ва сифати

- Исталган турдаги юклар ва йўловчилар ташишни таъминлаш
- Мижозларга транспорт ва логистика хизматларининг тўлиқ рўйхатини қулай кўринишда таклиф қилиш
- Ташиш хавфсизлигини таъминлаш

Самарали транспорт-логистика тизимининг мамлакат ривожланишига қўшган ҳиссаси

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш



- Янада самарали транспорт алоқаси ва анча арзон транспорт орқали иқтисодиёт секторларини ривожлантириш ва халқаро савдонинг ўсиши
- Мамлакатга янги компанияларни жалб қилиш (транспорт сифати - маҳаллийлаштириш жойини танлашда компаниялар учун учинчи муҳим омил ҳисобланади)
- Аҳолининг сафарбарлик даражасини ошириш орқали янги иш жойларини яратиш

Меҳнат унумдорлигини ва рақобатбардошликни ошириш



- Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш (самарали транспорт тизими транспорт харажатларини камайтиради)
- Унумдорликни ошириш (just-in-time етказиш ва комплекс логистика хизматларини таклиф қилиш юк жўнатувчиларга ўз транспорт корхоналарини сақлашни рад этиш орқали ишлаб чиқариш захираларини камайтириш имконини беради)

Иқтисодиётнинг тузилмавий ўзгаришларини қўллаб-қувватлаш



- Иқтисодиёт тузилмасида ўзгаришлар содир бўлган тақдирда аҳолининг иш билан бандлигини ўзгартириш имконияти (ривожланган транспорт тизими ишчи кучининг ҳаракатланишини осонлаштиради)

Ҳаёт сифатини яхшилаш




- Сафар вақтининг қисқариши туфайли аҳоли ижтимоий ҳаётга вақт ажратади
- Ривожланган транспорт тизими маҳсулот ва хизматларнинг рўйхатини кенгайтиради
- Ички сайёҳликни ривожлантиради ва минтақалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди

ТЛТ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига қўшган ҳиссаси

Хизматлар соҳасининг ЯИМ улуши

2017 й., млн АҚШ долларигача кўтарилди




Транспорт хизматларининг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши

2017 й., млн АҚШ долларигача кўтарилди




Транспорт соҳасида иш билан таъминланганларнинг умумий бандлик сонидagi улуши

2017, минг киши



Логистика самарадорлиги рейтингида Ўзбекистон Республикасининг ўрни

Халқаро логистика самарадорлиги рейтингида (Logistics Performance Index, LPI) Ўзбекистон 99-ўринни эгаллади¹



Мамлакат	Рейтингдаги ўрин	LPI балли
Германия	1	4,20
Голландия	2	4,07
Швеция	3	4,07
Сингапур	4	4,05
Ўзбекистон	99	2,58


- Кўрсаткич мамлакатлар ва минтақалар ўртасида қиёсий логистика самарадорлигини кўрсатади
- 2018 йилда Германия LPI индексида етакчи ўринни эгаллади
- Ўзбекистон жами 160 ўридан 99-ўринни эгаллаган
- Ўзбекистоннинг барча 6 мезондаги кўрсаткичлари жуда паст, бу эса **комплекс яхшилашни талаб қиладиган заиф ривожланган транспорт-логистика мажмуасига** ишора қилади.

Йўловчи оқимининг ҳажми

Охириги 5 йил ичида баъзи транспорт турлари билан йўловчи ташишда турфунлик кузатилди.


Темир йўлда жўнатилган йўловчилар

минг йўловчи




Авиатранспорт орқали жўнатилган йўловчилар

минг йўловчи



Автотранспорт орқали жўнатилган йўловчилар

минг йўловчи




Йўловчи оқимининг ҳажми

Охириги 5 йил ичида ҳаво ва автойўл орқали юк ташиш ҳажмининг пасайиши кузатилди.


Темир йўл орқали жўнатилган юклар

МИНГ ТОННА




Авиатранспортда жўнатилган юклар

ТОННА



Автомобиль транспорти билан ташилган юклар

МЛН ТОННА



Ўзбекистон Республикасининг асосий транспорт йўлаклари ва аэропортлари



Шарҳлар

Халқаро автомобил ва темир йўл транспорти йўлаклари

- МОМИХ Йўлак 2а
- МОМИХ Йўлак 3а

Шаҳарлар

- Аҳоли > 2 миллион киши
- Аҳоли > 500 минг киши
- 📍 Аҳоли < 500 минг киши

Аэропортлар

- Ислам Каримов номидаги "Тошкент халқаро аэропорти" ДУК
- "Самарқанд" халқаро аэропорти
- "Бухоро" халқаро аэропорти
- "Урганч" халқаро аэропорти
- "Навоий" халқаро аэропорти
- "Наманган" халқаро аэропорти
- "Андижон" халқаро аэропорти
- "Термиз" халқаро аэропорти
- "Фарғона" халқаро аэропорти
- "Қарши" халқаро аэропорти
- "Нукус" халқаро аэропорти

Логистика марказларининг жорий ривожланиш даражаси

Бугунги кунда мамлакатда логистика марказларининг сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга, транспорт соҳаси ўсиб бораётган иқтисодийнинг муаммоларини қабул қилиш ва сақлаш ва логистика имкониятларини кенгайтиришни давом эттириши керак.

Марказ номи	Жойлашуви
Sergeli-AgroFresh	Тошкент
Modus Best LLC	Қўнғирот (Қорақалпоғистон Р)
United Cargo Center	Тошкент
МЧЖ JIZZAXULGURJISAVDO	Жиззах
МЧЖ «Forward Trans Terminals»	Тошкент
TUCella	Тошкент
ҚҚ МЧЖ "UNIVERSAL LOGISTICS SERVICES"	Тошкент
МЧЖ "Bayer Group"	Тошкент
МЧЖ REELLOG TASHKENT	Тошкент
Transatlantic	Тошкент
NOVASPIN LTD	Тошкент
МЧЖ Фарғонаулгуржисавдо	Фарғона
МЧЖ "Предприятие сельскохозяйственного материально-технического обеспечения"	Фарғона
Пахтакор-тола Базаси, Д.П.	Жиззах
"Сурхондарё озиқ-овқат моллари" минтақавий улгуржи базаси	Термиз
МЧЖ Андижон мойлаш материаллари	Андижон
ZVSB, МЧЖ	Самарқанд
BEK Broker LLC	Қўнғирот (Қорақалпоғистон Р)
Хо'jalik va qurilish mollari	Тошкент
TSB, ДО	Келес (Тошкент вилояти)
ТЛМ "Андижон"	Андижон

Айни пайтда мамлакатдаги энг йирик логистика маркази "Sergeli-Agrofresh"



- "Sergeli-Agrofresh" совутиш ва омбор логистика мажмуаси, кўплаб логистика марказлари каби, Тошкент шаҳрида жойлашган.
- Марказнинг ишлаб чиқариш майдони 14 минг м²-ни ташкил қилади, у 10-16 минг тонна юкни қабул қилиши мумкин
- Мажмуа замонавий импорт қилинган юқори сифатли совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Ички ҳарорат ва намлик бўйича сақлаш тартибига мувофиқлиги тўлиқ автоматлаштирилган.
- Ушбу марказ юкларни қайта ишлаш бўйича барча хизматларни бажаради - оддий туширишдан тортиб то саралаш, ёрлиқлаш ва этикетлашгача

Асосий транзит коридорлари

- **Транс-Афғон халқаро транспорт йўлаги. Термиз (Ўзбекистон) - Мозори Шариф - Ҳирот (Афғонистон) - Бандар Аббос (порт) ва Чобахор (порт) (Эрон)**
- **Андижон - Ўш - Сариташ - Иркештом - Қашқар (Ўзбекистон - Қирғизистон - Ўзбекистон) транспорт йўлаги**
- **Ўзбекистон - Туркменистон - Эрон - Ўмон**
- **Денгиз портларига чиқадиган мавжуд транспорт йўлаклари (автомобилда юк ташиш)**
 - 1.1. Тошкент - Қизил-Орда - Аральск - Актюбинск - Балтис портлари (Қозоғистон компаниялари орқали Европа бозорларига кириш учун фаол фойдаланилмоқда)
 - 1.2. Тошкент - Чимкент - Балхаш - Остона - Петухово - Челябинск - Москва
 - 1.3. Тошкент - Чарджоу - Нукус - Гурев - Астрахань - Қора денгиз портлари
 - 1.4. Тошкент - Чимкент - Олмаота - Семипалатинск - Узоқ Шарқ портлари
- **Ривожланаётган транспорт коридорлари (автомобиль транспорти)**
 - 2.1. Тошкент - Олмаота - Дўстлик - Урумчи - Лиаонган порти (ХХР) - Пусан порти (Жанубий Корея)
 - 2.2. Тошкент - Бухоро - Чарджоу - Порт Бандар Аббос (Эрон)
 - 2.3. Тошкент - Туркманбоши порти - Баку - Поти порти (Грузия)
 - 2.4. Тошкент - Чаржоу - Техрон - порт Мерсин (Турция)
 - 2.5. Тошкент - Қўнғирот - Бейнеу - Астрахань - Россия (Украина) - Европа
- **Истиқболдаги транспорт йўлаклари (автомобиль транспорти)**
 - 3.1. Тошкент - Актау порти - Баку - Поти порти (Грузия)
 - 3.2. Тошкент - Актау порти - Волга - Волга-Дон канали - Қора денгиз
 - 3.3. Тошкент - Туркманбоши - Астрахань - Россия - Европа
 - 3.4. Тошкент - Қўнғирот - Астрахань - Новороссийск порти
 - 3.5. Тошкент - Андижон - Ўш - Сарыташ - Иркештом - Кашгар (ХХР)
 - 3.6. Тошкент - Термиз - Мозори-Шариф - Шибирғон - Ҳирот - Доғорун - Бандар Аббос, (ёки Техрон - Анқара)
 - 3.7. Тошкент - Термиз - Мозори-Шариф - Шибирғон - Ҳирот - Дилором - Милак - Чобахор порти
- **МОМИХ дастури (Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик) нинг Ўзбекистон орқали ўтадиган йўлаклари:**
 1. МОМИХ йўлаги - 2а. Йўналиш: Астрахан - Бейнеу - Бухоро - Тошкент - Андижон - Ўш - Иркештом
 2. МОМИХ йўлаги - 2б. Йўналиш: Боку - Туркманбоши - Бухоро - Тошкент - Андижон - Ўш - Иркештом
 3. МОМИХ йўлаги - 3а. Йўналиш: Рубцовск - Олмаота - Чимкент - Тошкент - Бухоро - Сарах - Бандар Аббос
 4. МОМИХ йўлаги - 3б. Йўналиш: Рубцовск - Олмаота - Бишкек - Ўш - Карамик-Жиргатал - Дарбанд - Душанбе - Сариосиё - Термиз
 5. МОМИХ йўлаги - 6а. Йўналиш: (Россия) - Бейнеу (Ўзбекистон) - Бухоро - Фузор - "Ҳайратон" чегара пости (Термиз, Ўзбекистон) - Мозори Шариф (Афғонистон)
 6. МОМИХ йўлаги - 6б. Йўналиш: Оренбург (Россия) - Қизилўрда - Чимкент (Қозоғистон) - Тошкент - Самарқанд - Термиз (Ўзбекистон)
 7. МОМИХ йўлаги - 6с. Йўналиш: Оренбург (Россия) - Қизилўрда - Чимкент (Қозоғистон) - Тошкент - Ховос (Ўзбекистон) - Ўратепа - Айни - Душанбе - Қўрғонтепа - Қуйи Панж (Тожикистон) - Ширкхан Бандар - Қундуз - Қобул (Афғонистон)
- **Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги (ТРАСЕСА) - Европадан Қора денгиз орқали Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиёдаги республикаларга ўтадиган ер усти ва денгиз йўллари тармоғи.**
- Транзитни ривожлантиришнинг эҳтимолдаги йўналишларидан бири ХХР-Европа Иттифоқи йўлаги бўлиб, унда савдо ҳажми 2020 йилга бориб тахминан 800 миллиард долларни ташкил этади.
- Эрон, Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан транспорт алоқаларини кенгайтириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.
- Ҳиндистон, Эрон билан биргаликда, Эроннинг Чаҳбаҳор портида Марказий Осиё ва Россия бозорларига чиқиш учун порт ва логистика марказини қурмоқда.



- Ўзбекистонда темир йўллارни ривожлантириш ва электрлаштириш бўйича 13 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.
 - "Жиззах-Янгиер" янги темир йўл участкасини электрлаштириш, темир йўллارни тиклаш, йўловчи ва юк вагон паркларини таъмирлаш, локомотивларни янгилаш ва модернизация қилиш
 - Кучли логистика марказига айланадиган Чуқурсой станциясини модернизация қилиш




- 2016 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (Тошкент-4) "Тошкент шаҳрида янги халқаро йўловчи терминалини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишни бошлади.
 - "Тошкент-4" майдони тахминан 87 минг квадрат метрни ташкил этади, унинг ўтказиш қобилияти — соатига 1,5 минг ёки йилига 5,7 млн. йўловчи




- 2017 йилда 11 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган
- Жаҳон банки Ўзбекистонда маҳаллий йўллارни ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватлайди
- Лойиҳа биринчи босқичининг умумий қиймати 200 млн. АҚШ долларини ташкил этади, Жаҳон банки уни Республика йўл жамғармаси билан биргаликда амалга оширади

Ўзбекистон Республикасида темир йўллар қамрови



Электрлашган йўлларнинг улуши

тармоқнинг %



Шарҳлар

- Тепловозлар билан таққослаганда, **электрлаштирилган йўлларда юк ташиш қиймати 25-30% паст.**
- Электр кучидан фойдаланган ҳолда темир йўл транспорти транспортнинг энг **самарали ва экологик тоза** усулларидан биридир

Бир йилда таъмирланган йўлларнинг улуши




Шарҳлар

- 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида йўлларнинг **3% таъмирланди**
- Йўлларнинг сифатини яхшилаш учун илмий-тадқиқот ишларига инвестицияларни жалб қилиш ва ривожланган мамлакатлардаги мавжуд ишланмаларни қўллаш керак

Авиа ташишларнинг жорий ривожланиш даражаси

Минтақалар бўйича йўналишлар сони



Ўзбекистонда ташиш хизматларини амалга


ошираётган компаниялар

Авиакомпания	Мамлакат
Air Astana	Қозоғистон
Air Kyrgyzstan	Қирғизистон
Asiana Airlines	Жанубий Корея
Korean Air	Жанубий Корея
China Southern Airlines	ХХР
S7 Airlines	Россия
Aeroflot	Россия
Utair	Россия
Ural Airlines	Россия
- Тартибга солувчи томонидан ИТ тизимларининг мониторинги
- Тартибга солувчи орқали аутсорсингни мониторинг қилиш
- Тартибга солувчи орқали молия институтларини мунтазам равишда мониторинг қилиш
- Тартибга солувчига ҳисобот беришни автоматлаштириш

Шу каби тизим нафақат банк ва молия тизимида, балки Ўзбекистон ҳудудида, ҳар бир компанияда, айниқса, давлат идоралари ва компанияларида жорий этилиши керак

Мувофиқликдан кутилаётган натижалар-2035

SCA, API (PSD2 қонунчилик базаси сифатида қабул қилиш эҳтимоли) жорий қилиш



Мижозлар аутентификацияси бўйича масофавий усулларни ишлаб чиқиш лозим, чунки у банк хизматларини тезлаштиради ва нархини пасайтиради:

- SCA (Strong Customer Authentication) фақатгина Европа Иттифоқи банклари учун мажбурийдир, лекин бошқа мамлакатлар ҳам ушбу мезонни жорий қилиши лозим, чунки бу халқаро банк соҳасида ҳамкорликни осонлаштиради ва йирик халқаро банклар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини сезиларли даражада оширади.
- Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ва ташкилотларнинг ягона маълумотлар базасини жорий қилиш халқаро банклар учун KYC¹ тадбирларининг нархини пасайтиради ва халқаро банклар ишлашга тайёр бўлган транзакциялар ҳажми чегарасини кескин пасайтиради.
- Масофадан идентификациялашни ривожлантириш масофали каналда хизмат кўрсатиш сифатини оширади ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.



Банклараро ва платформалараро ўзаро муносабатлар нуқтаи-назаридан очиқ кодли платформаларини ишлаб чиқиш зарур:

- API интерфейслари банкларни ўз тўловлар ва маълумотлар ўтказиш хизматларини PSD2 асосий мақсади бўлган учинчи шахслар билан боғлаш учун технологик имкониятни таъминлайди
- Ушбу ҳамкорлик операторлар ва рақобатчиларга янги даромадлар оқими ва якка тартибдаги хизмат кўрсатиш таклифларини яратиш учун миждозлар маълумотларидан ва инновациялардан фойдаланишга имкон беради.
- Барқарор ва хавфсиз "очиқ кодли платформалар"нинг (API) ривожланиши 2025 йилдан 2030 йилгача молиявий бозорлар яратиш бўйича ташаббусларни амалга ошириш ва кейинчалик банк, сугурта ва инвестиция ва жамғарма маҳсулотларини интеграциялаш учун асосий лойиҳага айланади

Жорий FinCEN қоидаларини жорий этиш



Ушбу қоида бўйича молия институтлари қуйидаги тартибларни ўрнатиши керак:

- Юридик шахс бўлган миждознинг капиталидан 25% кўпроғига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи шахсни аниқлаш ("мулк ҳуқуқи")
- Миждоз фаолиятини назорат қилиш, бошқариш ва йўналтиришга масъул бўлган шахсни аниқлаш ("назорат ҳуқуқи")
- Талаб қилиниши шарт бўлган таркибий қисмларни ўз ичига оладиган идентификация қилиш қоидаларига мувофиқ, юқорида кўрсатилган шахсларни хавфларни баҳолашга асосланган тартибларга мувофиқ текшириш



Қоида ПЮ/ТМҚҲ доирасида миждозларнинг Due diligence жараёнининг тўртта асосий таркибий қисмини тақдим этади:

- Харидорни аниқлаш ва тасдиқлаш
- Бенефициар эгасини тасдиқлаш ва аниқлаш
- Миждозлар хавфини аниқлаш учун миждозлар муносабатларининг мақсадини тушуниш
- Шубҳали амалиётларни аниқлаш, миждознинг файлида ўз вақтида маълумот ўзгартириш учун доимий мониторинг
- 2-3 асосий идентификаторга (компания номи, яратилган йил) кириш очиқ бўлган юридик шахслар маълумотлар базасини яратиш
- Солиқ соҳасидаги регуляторининг ягона маълумотларига асосланган маълумотлар базасини яратиш



FATF¹

Устуворликка эга:
Корреспондентлик банкинг
соҳасида

1. **Бир банкдан** (корреспондент банкидан) бошқа банкка (респондент банкга) **банк хизматларини кўрсатиш**
2. Респондент банкка кенг **кўламли хизматлар, шу жумладан молиявий кўрсаткичларни бошқариш** (жумладан, турли валюталардаги жамғарма ҳисоб-рақамларни юритиш), халқаро банк ўтказмалари, чеклар бўйича ҳисоб юритиш, транзит тўловлар ва транзит (бевосита) ҳисоб-рақамлари, хорижий валютадаги амалиётлар
3. **Корреспондентлик банкинг** бир марталик битимни амалга оширишни ва SWIFT хабарларини мижозлар билан ўзаро алоқада алмашувини назарда тутмайди, лекин **узоқ мuddатли такрорланиш хусусиятига эга**.
4. Йирик халқаро банклар бутун дунёдаги минглаб бошқа банклар учун корреспондент банклар сифатида фаолият юритмоқдалар.



FATF талаблари

1. Респондент МИ тўғрисида, респондентнинг бизнес фаолияти ҳақида тўлиқ тушунча олиш / МИ ҳақида **очиқ маълумотлар асосида баҳолаш** ва ўзаро йиллик текширувлар амалиёти сифатини тушуниш мақсадида, шу **жумладан, ПЮ/ТМҚҚ қоидалари бўйича тартибга солиш объекти бўлиши ҳақида**
2. **етарли маълумот тўплаш**. Респондентнинг ПЮ/ТМҚҚ бўйича **назорат воситаларини баҳолаш**
3. Корреспондент муносабатларини ўрнатиш бўйича МИ раҳбариятининг **розилигини олиш**
4. Респондент МИ белгиланган маъсулият соҳасига эга бўлиши
5. Корреспондентлик ҳисоб-рақамлар орқали транзит бўлиб ўтадиган транзакцияларига нисбатан, **респондент банкинг** корреспондент банклардаги ҳисоб-рақамларига бевосита кира оладиган мижозларнинг хавфларини аниқлаш ва баҳолаш/бошқариш учун **етарли чоралар кўрилганлигига ишонч ҳосил қилиш**.

FATF талабларини жорий қилиш босқичлари (барча тавсиялар бўйича)



- Тактик қадамлар
- Ўқитиш
 - Банклар
 - Бизнес
 - Асосий давлат тузилмалари

- 1-қадам. Хулоса чиқаришга доир
- FATF тавсияларига асосланган хатоларни тўғрилаш
- Асосий мақсад - кейинги FATF текширувичга тайёрланиш

- FATF текшируви
- Техник тизимлар устида ишлаш
- Тижорат банклари учун ягона маълумотлар базаси

FATF текшириш

FATF текшириш

Пулларни ювишга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ)

Financial Action Task Force on Money Laundering (FATF) - бу пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроли тарқалишининг ва бошқа халқаро молия тизимининг яхлитлигига таҳдидларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий, тартибга солиш ва тезкор чора-тадбирларини самарали амалга ошириш учун мезонларни ўрнатувчи ва кўмаклашувчи ҳукуматлараро ташкилот. ФАТФ ўз мандатини амалга оширишда унинг асосий воситаси ПЮ/ТМҚХ соҳасидаги 40 тавсиясидир, улар ўртача ҳар беш йилда бир марта текширилади.

ФАТФ тавсиялари рўйхати*

Жиноий даромадларни ювиш ва терроризмни молиялаштиришга (ПЮ/ТМҚХ) қарши курашиш сиёсати ва мувофиқлаштириш

- 1) Хатарларни баҳолаш ва хавфга йўналтирилган ёндашувни қўллаш
- 2) Миллий ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш

Пулларни ювиш ва мусодара қилиш

- 3) Пулларни ювиш жинояти
- 4) Мусодара ва таъминловчи чоралар

Террорчиликни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроли тарқалишини молиялаштириш (ОҚҚ)

- 5) Террорчиликни молиялаштириш жинояти
- 6) Терроризм ва терроризмни молиялаштиришга боғлиқ мақсадли молиявий санкциялар
- 7) ОҚҚ тарқатиш билан боғлиқ мақсадли молиявий санкциялар
- 8) Нотижорат ташкилотлари

Олдини олиш чоралари

- 9) Молиявий институтлар махфийлигини ҳимоя қилиш учун қонунлар
- 10) Ҳаридорларни тегишли равишда текшириш
- 11) Маълумотларни сақлаш
- 12) Давлат ходимлари
- 13) Корреспондент банклар
- 14) Пул ёки қимматбаҳо буюмлари ўтказиш хизматлари
- 15) Янги технологиялар
- 16) Электрон маблағ ўтказмалари
- 17) Учинчи томон чораларига ишонч
- 18) Ички назорат ва хорижий филиаллар ва шубҳа корхоналар
- 19) Хавфи баландроқ мамлакатлар
- 20) Шубҳали амалиётлар (битимлар) ҳақида ҳабарлар
- 21) Ошкор қилиш ва махфийлик
- 22) ЎНМКК - мижоз билан тегишли равишда ишлаш
- 23) ЎНМКК - бошқа чоралар

Юридик шахслар ва тузилмаларнинг шаффофлиги ва бенефициарлик мулк

- 24) Юридик шахсларнинг шаффофлиги ва бенефициарлик эгалари
- 25) Юридик тузилмаларнинг шаффофлиги ва бенефициарлик эгалари

Ваколатли идораларнинг ваколатлари ва масъулиятлари ва бошқа институционал чоралар

- 26) Молиявий институтларни тартибга солиш ва назорат қилиш
- 27) Назорат идораларининг ваколатлари
- 28) ЎНМКК тартибга солиш ва назорат қилиш
- 29) Молиявий ўрганиш бўлинмалари
- 30) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тергов идораларининг жавобгарлиги
- 31) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тергов идораларининг ваколатлари
- 32) Нақд пул курсерлари
- 33) Статистика
- 34) Бошқарувчи тамойиллар ва фикр-мулоҳазалар
- 35) Санкциялар

Халқаро ҳамкорлик

- 36) Халқаро воситалар
- 37) Ўзаро ҳуқуқий ёрдам
- 38) Ўзаро ҳуқуқий ёрдам: музлатиш ва мусодара қилиш
- 39) Экстрадиция
- 40) Ҳамкорликнинг бошқа турлари

ФАТФга аъзо давлатлар ва ташкилотлар *

Мамлакатлар

1. Аргентина
2. Австралия
3. Австрия
4. Бельгия
5. Бразилия
6. Канада
7. ХХР
8. Дания
9. Финляндия
10. Франция
11. Германия
12. Греция
13. Гонконг, ХХР
14. Исландия
15. Ҳиндистон
16. Ирландия
17. Италия
18. Япония
19. Жанубий Корея
20. Люксембург
21. Малайзия
22. Мексика
23. Голландия
24. Янги Зеландия
25. Норвегия
26. Португалия
27. Россия Федерацияси
28. Сингапур
29. Жанубий Африка
30. Испания
31. Швеция
32. Швейцария
33. Туркия
34. Буюк Британия
35. Америка Қўшма Штатлари

Ташкилотлар:

1. Европа Комиссияси
2. Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши

Кузатувчи давлатлар:

1. Индонезия
2. Исроил
3. Саудия Арабистони

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги умумий қоидалар (General Data Protection Regulation, қуйида «GDPR»)

GDPR қўлланадиган ташкилотлар:

- ЕИ ташкил этилган компаниялар (controllers) ва / ёки шахсий маълумотлар (processors) қайта ишловчилари бўлганлар ва операторлар
- ЕИ ташкил қилинмаган ва/ёки шахсий маълумотлар (processors) қайта ишловчилари бўлган ва фаолиятлари қуйидаги билан боғлиқ бўлган компаниялар учун:
 - ЕИ фуқароларига товарлар ёки хизматлар тақдим этиш
 - Европа Иттифоқидаги шахсий маълумот субъектларининг хатти-ҳаракатларини мониторинг қилиш

Шахсий маълумотларни қайта ишлашнинг асосий тамойиллари



Шахсий маълумотларни қайта ишлаш жараёнларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва очиқлиги



Қайта ишлаш мақсадларига мувофиқ шахсий маълумотларни қайта ишлашни чеклаш



Қайта ишланаётган шахсий маълумотларнинг ортиб кетишини камайтириш



Қайта ишланган шахсий маълумотларнинг аниқлиги ва долзарблигини таъминлаш



Шахсий маълумотлар вақтини чеклаш



Қайта ишланган шахсий маълумотларнинг яхлитлиги ва махфийлигини таъминлаш

SCA, API (PSD2 қонунчилик базаси сифатида қабул қилиш эҳтимоли) олиб келадиган асосий ўзгаришлар

1

Янги компаниялар мижозларнинг тўлов ҳисоб-рақамларига киришлари мумкин

Янги компаниялар Европа Иттифоқи даражасида рўйхатга олинади, лицензияланади ва тартибга солинади. Янги келганлар учун барча тўсиқлар олиб ташланади, шу сабабли бозорда рақобат юзага келади, бу эса истеъмолчилар учун нархларнинг пасайишига олиб келади. Янги компаниялар мижозлар номидан тўловларни амалга ошириш учун уларнинг тўлов ҳисоб-рақамларига (ҳисобга кириш имконияти "XS2A" деб номланади) киришлари мумкин (албатта, фақат олдиндан тасдиқланганидан кейин).



Бу қандай ишлайди?

Мижознинг тўлови ҳисоб-рақамига эга ташкилот компанияларга дастурий интерфейс ("API") орқали кириш имконини беради. Унинг ишини маълумот алмашиш имконини берадиган мессенжерга ўхшатиш мумкин - у компаниядан сўров қабул қилади ва жавоб юборади.



2

Ишончли фойдаланувчи аутентификацияси (SCA) Интернет тўловлар хавфсизлигини яхшилаш

PSD2 директиваси, электрон транзакциялар билан фирибгарлик эҳтимолини камайтиришни мақсад қилади. Бу мижоз маълумотларини ҳимоя қилишни яхшилаши керак. SCAдан фойдаланилганда, электрон транзакцияларда қуйидаги икки ёки ундан ортиқ мустақил таркибий қисм мавжуд:

Билим



Фақатгина мижоз биладиган маълумот (пароль, ПИН-код)

Мол-мулк



Фақат мижозга тегишли бўлган нарсалар (карта ва бошқалар)

Мижознинг ўзи



Мижознинг биометрик маълумотлари (бармоқ излари, овоз)

+ масофавий транзакциялар учун қўшимча таркибий қисмлар (Интернет, мобил қурилмалар)



Транзакцияни муайян миқдор ва харидор билан динамик равишда боғлайдиган ноёб аутентификация коди.

SCA, API (PSD2 қонунчилик базаси сифатида қабул қилиш эҳтимоли) олиб келадиган асосий ўзгаришлар (давоми)

“Фойдаланувчиларнинг ишончли аутентификация” сидан фойдаланиш ҳолатлари (SCA)

Мижоз ҳар сафар тўловларни амалга оширганда, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:



Тўлов миқдори маълум бир қийматдан паст



Бенефициар аллақачон идентификациядан ўтган



Мижоз ўз тўлов ҳисоб қайдномасини кўрганда ёки қўшимча хизмат ёрдамида барча ҳисоб қайдномалари ҳақида хулоса маълумотларини сўраганда



Ҳисоб қайдномасини (ёки бир неча ҳисоб қайдномаларини) биринчи марта кўрганда



Ҳар 90 кунда

3

Транзакцияларнинг географик қамровини кенгайтириш

Барча транзакциялар, ҳатто томонлардан бири Европа Иттифоқи ташқарисида бўлса ҳам, директива доирасида ижро этилади. PSD2 валютанинг ҳар қандай тури билан (криптовалютадан ташқари) амалиётлар ўтказиш учун амал қилади. Директива мијозларнинг ахборот олишини ва транзакцияларнинг Европа қисмини ҳимоя қилиш даражасини оширади

4

Бевосита дебет ҳисобдан ечилган маблағни қайтариб олиш учун сўзсиз ҳуқуққа доир EPC SDD ягона схемасининг қоидаси расмий қонуний талабга айланади (тўлов амалга оширилгандан кейин 8 ҳафта ичида амал қилади)

5

Картадаги тўловларнинг аксарият қисми учун қўшимча маблағларни олиш чекланади (мукофот ставкаси банклараро воситачилик ҳақини тўлаш қоидаларига мувофиқ ўзгартирилади)

6

Агар сиз рўйхатдан ўтмасдан тўловни амалга оширишга ҳаракат қилсангиз, мијоз 50 еуродан ортиқ (аввал 150 еуро) сарфлай олмайди. Кўпроқ миқдордаги суммани фақат экстремал ҳолатларда сарфлаш мумкин бўлади, масалан, агар мијоз бепарволикка йўл қўйса ёки унинг ҳисоб қайдномасини фирибгарлар эгаллаб олган бўлса

Блокчейн технологиясининг (blockchain) имкониятлари



Блокчейн бир даражали тармоқдаги барча транзакцияларнинг марказлаштирилмаган реестри ҳисобланади. Ушбу технологиядан фойдаланган ҳолда, қатнашчилар марказлаштирилган сертификатлаш органисиз битимлар тузишлари мумкин. Потенциал иловаларга пул ўтказмалари, ҳисоб-китоблар, маҳсулотлар тақсимоти, ахборотни сақлаш, овоз бериш ва бошқалар киреди

Жараённинг схематик диаграммаси



Афзалликлари

- Баланд даражали шаффолик
- Аниқ кузатув
- "Абадий" реестр
- Кам харажатлар

Камчиликлари

- Комплекс технология
- Норматив оқибатлар
- Жорий қилиш муаммолари
- Рақобатбардош платформалар

Криптовалюта

Криптовалюта - бу криптографик шифрлаш усулларидадан фойдаланиб, пул бирликларини яратишни бошқариш ва маблағларни ўтказишни текшириш учун блок занжирида электрон шаклда алмашув муҳити. Биткоин - энг машҳур намунадир

- У олтин-валюта захиралари билан таъминланмагани учун, ўз қийматига эга эмас (АҚШ доллари каби)
- Жисмоний шакли йўқ ва фақатгина тармоқда мавжуд
- Янги бирликларнинг чиқарилиши марказий банк томонидан белгиланмайди ва тармоқ бутунлай марказлашмаган

Потенциал иловалар

Автомобиллар

Истеъмолчилар автоном автоуловларда қисман эгалик мулкни бошқариш учун Блокчейндан фойдаланишлари мумкин.

Молиявий хизматлар

Тезроқ, арзон тўловлар транзакцион харажатларни миллиардлаб долларга камайтириши ва шаффолик даражасини ошириши мумкин

Овоз бериш

Блок кодини қўллаш орқали фуқаролар смартфон, планшет ёки компьютер орқали овоз бериш имкониятига эга бўлиб, бу дарҳол ва аниқроқ натижаларни бериш имкониятини беради.

Соғлиқни сақлаш

Беморнинг шифрланган тиббий маълумотларини махфийликни бузмасдан бир неча томонлар билан бўлиши мумкин.

Суғурта ва пенсия тизими

Иқтисодиётни ривожлантириш

Суғурта тизимини ривожланишинг жорий даражаси


Асосий муаммолар

- Ўзбекистон суғурта секторининг ҳажми, халқаро кўрсаткичлар билан солиштириганда иқтисодиёт ҳажмига мос келмайди
- Мамлакатда мажбурий суғурта даражаси ихтиёрий суғурта даражасига кўра анча паст
- Суғурта маҳсулотлари қатори иқтисодиётнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди: тиббий суғурта, ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси каби турдаги суғурта турлари мавжуд эмас.

Асосий хулосалар

- Суғурта тизими ЯИМга нисбатан жуда кичик - 0,4%
- Молиявий саводхонликнинг паст даражаси, шахсий даромад ва давлат томонидан тартибга солинган қўллаб-қувватлашнинг паст даражаси мамлакатда суғуртани ривожлантиришда умумий вазиятни мураккаблаштирмоқда
- Умумий зарар қўриш тўпланган суғурта бадаллари ҳажми билан биргаликда ортомқда, аммо барибир паст даражани кўрсатмоқда ва бу эса бозорга қўшимча иштирокчиларни жалб этиш имкониятини беради
- Суғурта соҳасида давлатнинг улуши Ўзбекистон умумий молия тизимига нисбатан паст.
- Пойтахт ҳудудида аҳоли юқори даражада тўпланган
- Суғурта компаниялари халқаро қайта суғурталашдан кенг фойдаланишади. Қайта суғурталашда энг катта улуш Буюк Британия компанияларига тўғри келади.
- Қайта суғурталаш портфелини диверсификация қилиш учун мажбурий давлат қайта суғурталовчисини жорий қилиш талаб этилмоқда, у эса суғурта компанияларининг айрим хавфларини ўзига юклаб олади

Суғурта тизими, млрд АҚШ доллари, 2017




Шарҳлар

- Умумий суғурта тизими яхши ривожланмаган, шунинг учун мамлакатда унинг ривожланиши учун катта имконият мавжуд.
- Кўрсаткичлар орасида Ўзбекистон ЯИМга нисбатан энг кичик суғурта портфелига эгадир
- Суғурта тизимининг ЯИМга нисбатан ҳажми Жанубий Кореяга нисбатан 30 баравар кам

Суғурта мукофотлари ва тўловларининг ўсиш динамикаси

млрд сўм



Шарҳлар


- Суғурта мукофотлари портфелининг сўмдаги қиймати, айниқса 2015 йилдан бошлаб, юқори суръатларда ўсиб бормоқда
- Суғурта компаниялари тўловларидан суғурта мукофотларининг сезиларли даражада ошиши суғурта хизматлари бозоридан янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Суғурта ва пенсия тизими

Суғурта тизимини ривожланишинг жорий даражаси

Суғурталовчиларнинг инвестиция ҳажмининг ўсиш динамикаси


млрд сўм



2016 йил якунларига кўра суғурталовчилар инвестицияларининг таркиби



2017 йил якунларига кўра чиқувчи қайта суғурталаш таркиби, %



Шарҳлар

- Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг ҳажми жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу тўпланган мукофотларни ўсиши туфайлидир
- Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан заифлашиши муносабати билан 2017 йилда инвестицияларнинг кескин ўсиши кузатилди

Шарҳлар

- Суғурта секторининг инвестицион тузилмаси ўрта даражада консерватив бўлиб, юқори даражада диверсификацияни кўрсатмоқда.
- Банк депозитларининг юқори улуғлиги суғурта компанияларининг одатий жойлаштирилиш тузилмасига хос эмас, аммо мавжуд бозор шароитида Ўзбекистон Республикаси оқилона вариант бўлиши мумкин.
- Кейинчалик банк хизматлари бозори нормаллашуви ва асосий фоиз ставкасининг пасайиши билан суғурталовчилар маблағларининг катта қисми қимматли қоғозларга жойлаштирилиши мумкин

Шарҳлар

- Суғурта компаниялари халқаро қайта суғурталашдан кенг фойдаланишади. Ташқи қайта суғурталашнинг энг катта улуғли Буюк Британиядаги компанияларга тегишли.
- Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низомга мувофиқ (Рўйх. 12.05.2008 йил 1806-сон билан), хавфларни чет элда фақат тасдиқланган қайта суғурталовчи, шунингдек тегишли Халқаро рейтингларга эга ва тўлашга қодир бўлган суғурта компанияларида қайта суғурталаши мумкин

Пенсия тизимини ривожланишинг жорий даражаси

Муҳим муаммолар

- Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармасининг жорий ҳажми, халқаро кўрсаткичларнинг таққослов таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, нафақахурлар сонига мос келмайди
- Республика пенсия тизимига юкламанинг ўсиши, таклиф қилинаётган пенсия ислохотларига қарамай, таркибий демографик ўзгаришлар туфайли ўсишни давом этади

Муҳим хулосалар

- Фонднинг ҳажми аҳолининг пенсия таъминоти талабларини қониқарли ҳажмда қоплашга имкон бермайди
- Сўнги йилларда аҳолининг юқори ўсиш суръати 2035 йилгача пенсия тизими ва натижада давлат бюджетига қўйиладиган талабларнинг ошишига олиб келади
- Пенсия жамғармаси 48 фоизга ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан молиялаштирилмоқда, натижада, нодавлат ресурслар ҳисобидан тушумлар манбаларини диверсификация қилиш зарурияти туғилмоқда
- Ўзбекистон пенсия тизимининг тўзилмаси турли даражалардаги таъминотга, жумладан, фуқароларнинг мажбурий, қўшимча ва ўз жамғармаларига асосланган бўлиши керак

Пенсия жамғармаси

млрд АҚШ долл.



Шарҳлар

- Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ўз гуруҳида бир нафақахўр тушадиган тўловлар бўйича охириги ўринга эга (фонднинг ҳажми мамлакатнинг барча нафақахўр аҳолини тўлиқ қоплаш учун етарли эмас)

Бир пенсионер учун (АҚШ Долларига нисбатан).

Пенсия ёшидаги кишилар сони,

миллион киши




Шарҳлар

- Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармасининг бир нафақахўр учун миқдори - 743 АҚШ доллари, бу пенсия жамғармасининг давлат бюджети ҳисобидан мустақиллигини таъминлашга имкон бермайди


Суғурта ва пенсия тизими

Пенсия тизимини ривожланишинг жорий даражаси

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёши ва жинси пирамидаси



Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг ўзгариши билан пенсия ёшини эркеклар учун 63 ёшгача (ҳозирги кунда 60 ёш) ва аёллар учун 58 ёшгача (55 ёш) кўтариш муҳокамаси қилинмоқда.



Эслатма: 1 - Пенсия ёшига етган фуқаролар сонининг (ёши 60 дан ошган эркек ва 55 ёшдан ошган аёллар) ишга лаёқатли фуқаролар сонига нисбати (ёши 15 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркеклар ва 15 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар)

Манбалар: World Bank, Population Pyramid, ишчи гуруҳининг таҳлили

Пенсия тизимини ривожланишинг жорий даражаси

14,4 млн. киши
Меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида иқтисодий фаол аҳолининг сони

улардан

4,8 млн. киши.
Пенсия жамғармасига бадал тўловчилар сони

Бадал тўловчиларнинг пенсия олувчилар сонига нисбати

1,5:1

(ХМТ тавсияларига кўра, оптимал нисбати 4: 1)

Ҳозирги пенсия тизими камида 7 йиллик иш тажрибасига эга бўлган шахсларга пенсия тайинлашни назарда тутди (Халқаро меҳнат ташкилоти 102-сонли Конвенциясига кўра, кекса ёшдаги пенсияни тайинлаш учун зарур бўлган энг кам хизмат муддати - 15 йил). Меҳнат тажрибаси учун 7 йил миқдоридидаги минимал талабларнинг мавжудлиги давлат ижтимоий суғуртаси тизимида фуқароларнинг иштирок этиш истигаида салбий акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларни пенсия билан таъминлаш қўйидаги асосий тизимларни ўз ичига олади:



давлат пенсия таъминоти (ходимларнинг ва иш берувчиларнинг мажбурий ижтимоий тўловлари асосида қўшма пенсия тизими)



жамғариб бориладиган пенсия тизими (ходимларнинг мажбурий ва ихтиёрий тўловларига асосланган шартли тўплаш тизими)

Фуқароларнинг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепцияси

Фуқароларни ижтимоий суғурта тизимида доимий иштирок этишга даъват этадиган замонавий механизмларни жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш бўйича мажлисининг 1-сонли баёнмасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президент Маъмурияти раҳбари томонидан тасдиқланган 2018 йил 16 сентябрдаги «2019-2030 йилларга мўлжалланган фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун 2019-2030 йилларда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг лойиҳаси қўйидаги асосий йўналишлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда:

1. Фуқароларнинг ижтимоий норозилигига йўл қўймаслик, уларни пенсия тизимидаги ўзгаришларга тайёрлаш учун янги ўзгаришлар ҳақида олдиндан эълон қилиш керак (масалан, 1 - 3 йил олдин)
2. Пенсия жамғармасининг мумкин бўлган бюджет танқислигини бартараф этиш учун унинг юзага келишининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар қабул қилиш
3. Давлат бюджети ҳисобидан пенсиянинг минимал (кафолатли) қисмини тўлашни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш
4. Фуқароларнинг даромадларини қонунийлаштириш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган ва хорижий мамлакатларда ишлаётган меҳнат мигрантларининг ҳисобидан бадал тўловчиларнинг қамровини кенгайтириш орқали
5. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни 1993 йилда тасдиқланганлигини ҳисобга олиб, пенсия таъминоти соҳасида таклиф қилинган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда Қонунни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур

Меҳнат фаолиятини электрон ҳисобга олишни жорий қилиш



Иш тажрибаси ва иш ҳақи бўйича электрон маълумотларга эга бўлган ҳар бир жисмоний шахс контекстида электрон шахсий карталар яратиш режалаштирилган. Ушбу электрон шахсий карталар Давлат солиқ қўмитаси ва Халқ банкининг (ИНПС ва СТИР) маълумотлар базалари билан электрон ахборот алмашинуви йўли билан олинган 2006 йилдан кейинги давр учун маълумотни акс эттиради. Фуқароларнинг меҳнат фаолиятини электрон ҳисобга олиш Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари асосида амалга оширилади, унинг механизми 2016 йилдан бошлаб жорий этилган.



Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайтини 2018 йил охиригача қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш режалаштирилган бўлиб, бу пенсионерлар ва ходимларнинг шахсий кабинетлари вазифаларини ўз ичига олади. Электрон шахсий кабинет пенсия миқдорини, етказиб бериш сана ва ҳақиқатдан олганлигини, ишлайдиган фуқаролар учун эса - тўпланган иш стажини текшириш имконини беради

Фуқароларнинг пенсия тизимини ислох қилиш

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳотларини амалга ошириш, фуқароларнинг манфаатларини ифода этувчи, давлатдан мустақил равишда фаолият юргизадиган Пенсия идорасини ташкил этишга қаратилган.

Пенсия тизимини ислох қилишнинг асосий жихатлари:

1. Мустақил Пенсия идорасининг аниқ ташкилий тузилишини белгилаш. Тузилма функцияларни самарали тақсимлашни ва ташкилот ичидаги мажбуриятларни тақсимлашни ўз ичига олади.
2. Пенсия идорасини ривожлантириш узоқ муддатли режасини ишлаб чиқиш. Режа барқарор инвестицияларнинг узоқ муддатли стратегиясини тузишни, (келажакдаги) мажбуриятлар бўйича прогнозни тайёрлашни (актуар турар-жойлар ва илмий тадқиқот бўлимининг ёрдами билан), пенсия режаси иштирокчилари билан Ўзаро алоқаларнинг узлуксизлигини таъминлайди
3. Пенсия идорасининг барқарор инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш. Сиёсат хавфли даромад келтирилган маҳаллий/ички инвестициялар ва нолга хавфли инвестициялар ўртасидаги мувозанатни назорат қилишни, қарор қабул қилиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни ўз ичига олади.
4. Аҳоли билан алоқа каналларини ривожлантириш ва такомиллаштириш (қайта алоқа).
5. Бизнесни шафоллик (хисоботларнинг шаффофлиги) тамойили асосида олиб бориш.


Суғурта ва пенсия тизими

Пенсия тизимини ривожланишнинг жорий даражаси

1

Табиий ўсиш

Давлат мамлакатнинг суғурта тизимига аралашмайди ва асосий суғурта турлари бўйича минимал назорат чораларини қўллайди.



Суғурта тизими секин ривожланмоқда, фуқароларнинг суғурта қопламаси ошмайди

- + • Мажбурий суғурталашнинг паст даражаси бизнес учун катта юк туғдирмайди
- • Суғурта тизимининг секин ривожланиши
- • Қўшимча юк давлат бюджетига тушади

2

Асосий ривожланиш

Давлат хусусий суғуртани субсидиялаш билан босқичма-босқич мажбурий суғурталашнинг қўшимча турларини жорий қилади.



Суғурта тизими ўртача суръатда ривожланмоқда, фуқароларнинг суғурта қопламалари ошмоқда

- + • Суғурта тизими янада фаол ривожланмоқда
- • Аҳолини ҳимоя қилиш
- • Бизнесга юкларнинг ошиши

3

Фаол ёрдам

Фуқаролар ва компанияларнинг салбий ҳолатларда молиявий зарарини сезиларли даражада чеклайдиган мажбурий суғурталаш турларининг катта миқдори киритилиши



Суғурта тизими жадал ривожланмоқда, фуқароларнинг суғурта қопламалари сезиларли даражада ошиб бормоқда ва давлат бюджетига тушган оғирлик камаймоқда.

Ривожланиш мақсадининг варианты

- + • Иқтисодиёт учун маблағларни кўпайтириш
- • Аҳолини ижтимоий ҳимоя билан кенг қамраб олиниши
- • Тиббиёт ва молия хизматларининг ривожланиши
- • Бизнесга қўшимча юклама

Суғурта ва пенсия тизими

Пенсия тизимининг стратегик вариантлари

1

Мажбурий пенсия (бир даража)

Давлат аҳолининг пенсия даромадларининг ягона кафолатидир. Ушбу тур ривожланаётган мамлакатлар учун ёки пенсия жамғармаси учун бюджет шакллантириш учун ресурслар етишмаслиги мавжуд бўлмаган ижтимоий давлатлар учун хосдир.



- Бошқаришдаги қўшимча маблағлар
- Давлат ва ҳудуд хизматчиларининг мотивацияси
- Ижтимоий босим
- Бюджетга қўшимча юклама

Мамлакатлардан мисоллар:



Молдова




Буюк Британия

2

Мажбурий пенсия + жамғармалар (икки даража)

Пенсия тизимининг бундай тури иш берувчиларнинг ўз ходимларининг пенсия даромадларини шакллантиришда фаол иштироки билан тавсифланади. Давлат жамиятнинг энг кам таъминланган қатламларини таъминлайди ва бюджет ҳисобидан тўловларни молиялаштиради



- Хусусий молиявий sanoатни рағбатлантириш
- Ижтимоий босим
- Бюджетга қўшимча юклама
- Давлат бюджети маблағларини тўлдириш қисмларининг камайиши

Мамлакатлардан мисоллар:



Чили




Ирландия

3

Мажбурий пенсия + ихтиёрий пенсия + жамғармалар (уч даража)

Учинчи даража асосан пенсиянинг ихтиёрий ва жамғарма турига асосланади. Давлат барча фуқароларга минимал тўловларни таъминлайди, аммо қулай ҳаёт даражасига эришиш учун шахсий маблағлар талаб қилинади. Сценарийни амалга ошириш капитал бозорларида хусусий пенсия инвестициялари учун инвестиция маҳсулотидан фойдаланиш имкониятини ривожлантиришни талаб қилади



- Бюджетга юкломани камайтириш
- Хусусий молиявий sanoатни рағбатлантириш
- Ижтимоий босимни камайтириш
- Давлат бюджети маблағларини тўлдириш қисмларининг камайиши
- Давлат пенсия мажбуриятларининг жадал ўсиши хавфининг сақланиши

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мамлакатлардан мисоллар:



АҚШ



Австралия

Пенсия таъминотининг хусусий пенсия таъминоти тизимига босқичма-босқич ўтиши

1. Кариликда қўллаб-қувватлаш дастури (ҚҚД)

ҚҚД мамлакатда, вояга етганидан сўнг 10 йилдан ошиқ яшаган, 65 ва ундан катта ёшдаги барча инсонлар учун пенсия даромадларининг асосий даражасини таъминлайди. ҚҚД дастури бўйича имтиёзларнинг уч тури тўланади

· **Пенсия ҚҚД.** Бу қатъий белгиланган нафақа, даромадидан қатъий назар, унга эга бўлган барча резидентларга тўланади

· **Кафолатли даромад қўшимчаси (ҚДҚ).** Мукофотнинг миқдори даромадга боғлиқ ва кам таъминланган пенсия олувчиларга тўланадиган белгиланган пенсияга қўшимча ҳисобланади

· **Нафақа / қарамоғининг нафақаси.** Бу ҚҚД бенефициарларининг кам таъминланган эрлари / хотинларига, шунингдек 60 ёшдан 64 ёшгача бўлган бева / бева аёлларга ҚҚД асосий пенсия олгунча тўланадиган вақтинчалик пул ёрдамидир

2. Мамлакат пенсия режаси

Бу олувчининг иш ҳақида боғлаб кўйилган аниқ имтиёзлар тизимига асосланган таъминоти билан таъминланадиган умумдавлат пенсия дастури. Бу иш берувчи ва ишчи томонидан тенг равишда тўланадиган иш ҳақи солиғи бўйича молиялаштирилади. Давлат хисса қўшмайди.

Ушбу режада иштирок этиш 18 ёшдан бошланади. Оддий пенсия 65 ёшга тўлгандан кейин тўланади. Тегишли равишда тузатилган имтиёзлар 65 ёшгача ва ундан кейин олиниши мумкин. Шунингдек, дастурда ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тўланган. Бугун иш стажи бўйича ўртача иш ҳақининг ўсишига қараб 65 ёшга тўлган санага қараб индексланади. Иш ҳақи энг паст бўлган даврининг 15 фоизи, шунингдек ногиронлик бўйича нафақа тўланган йиллар ва (агар бу нафақа миқдорининг кўпайишига олиб келадиган бўлса) тўловчининг 7 ёшга тўлмаган болалари бўлган йиллар чиқариб ташланади. Шундай қилиб, тахминан 40 йилдан сўнг, максимал фойда миқдори одатда иш даври давомида ўртача даромаднинг 25 фоизига тенг бўлади.

3. Ихтиёрий пенсия дастурлар (ИПД)

ИПДга иш берувчилар, касаба уюшмалари ёки соҳалар томонидан молиялаштириладиган анъанавий профессионал пенсия фондлари киради. Бунда банклар ва суғурта компаниялари каби молиявий институтлар томонидан бошқариладиган шахсий пенсия ҳисоблари ҳам киради. Баъзи профессионал пенсия жамғармалари фақат иш берувчилар томонидан молиялаштирилади, аммо аксарияти иш берувчилар ҳам, ишчилар томонидан ҳам молиялаштирилади.


Суғурта ва пенсия тизими

Суғурта тизимида 2035-йилда кутилаётган натижалар

Суғурта тизимининг ривожланишини фаол қўллаб-қувватлаш

- Аҳоли, бизнес ва ҳукуматнинг умумий харажатларини камайтиришга қаратилган иқтисодиёт ва жамиятнинг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлайдиган хусусий суғурта тизими
- Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш лозим

Рақамли кўрсаткичлар



Молиялаштириш




Пенсия тизими мақсадларига қараш 2035

Уч даражали пенсия тизими

- Пенсия тизими учта даражадан иборат: асосий давлат пенсияси, корпоратив пенсия ва индивидуал пенсия
- Ўзгарувчан жамғарма тузилишига эга бўлган хусусий пенсия тизими фуқароларга келажакда қандай даромадларни кутишлари мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Рақамли кўрсаткичлар



Молиялаштириш



Асосий стратегик ташаббуслар

2025



- Мажбурий тиббий суғурта
- Хусусий суғуртани рағбатлантириш
- Икки даражали пенсия тизими
- Саноат пенсияси
- Электрон полисни жорий қилиш

2030



- Касбий суғурталашни ривожлантириш
- Уч даражали пенсия тизими

2035



- Банк, суғурта ва инвестиция-жамғарма маҳсулотларини интеграциялаш

● кадрлар ● молия ● технологиялар ● қонунчилик ва давлат томонидан тартибга солиш ● инфратузилма

Капитал бозорлари

Иқтисодиётни ривожлантириш

Капитал бозорларининг жорий ривожланиш даражаси

Асосий муаммолар


- Ўзбекистон компанияларининг бозордаги капиталлашуви жуда паст
- Банк тизимидан ташқарида иштирокчилар баҳоланиши жуда паст
- Ривожланган бозорлар билан таққослаганда, халқаро инвесторлар айланма таркибида нисбатан паст улушга эга.
- Капиталнинг кутилаётган баланд даромади юқори даражадаги мамлакат хавфлари туфайли юқори бўлиб, Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада чеклайди

Асосий хулосалар

- Ўзбекистон компанияларининг бозордаги капиталлашуви ривожланаётган бозорларга нисбатан юқсак, банкларнинг улуши 60% ташкил қилади. Банк акциялари энг кўп савдога қўйилган ва айланмаларнинг 86 фоизини ташкил қилади
- Капиталнинг кутилаётган баланд даромади юқори даражадаги мамлакат хавфлари туфайли юқори бўлиб, Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада чеклайди
- Акциялар бўйича кутилаётган даромаднинг юқорилиги туфайли инвесторлар Ўзбекистон бозорига катта миқдорда капитални киритишга мойил эмас
- Институционал инвесторлар Ўзбекистон корпоратив секторининг қимматли қоғозларини "инвестиция" сифати билан солиштирганда юқори рентабелликга эга бўлган "экзотик" актив сифатида ушлаб қолади
- Корпоратив секторда инвесторлар билан алоқанинг ривожланиш даражаси жуда паст (IR – investor relations)
- Биржа порталида корпоратив сектор ҳақида етарли маълумотларнинг йўқлиги бозорнинг фаол ривожланишига тўсқинлик қилади

Рўйхатга олинган компанияларнинг бозор капитализацияси


ЯИМга нисбатан %да



Шарҳлар

- 2017 йил бошида биржа котировкаси varaғида 191та компания мавжуд эди
- Бозор капитализацияси нафақат мутлақ ҳажмда ортда қолмоқда, балки мамлакатнинг ЯИМига нисбатан ҳажмининг кўрсаткичи билан кўп ривожланаётган бозорлардан ҳам кам.

Иқтисодийёт секторлари бўйича компаниялар бозор капитализацияси



Шарҳлар

- Листинг компанияларига тижорат банклари, суғурта компаниялари, нефт-газ саноати корхоналари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, агросаноат комплекси, энергетика, металлургия корхоналари ва бошқалар киреди.
- Айланманинг энг катта қисми хорижий инвесторлар ташкил этади, чунки бозор ўсиши билан уларнинг улуши 80 фоизга етиши мумкин (мисол - Жанубий Корея)

Капитал бозорларининг жорий ривожланиш даражаси


Бошқа кўрсаткичлар бўйича акционерлик капиталнинг қиймати, 2017 й.



Шарҳлар

- Капиталнинг кутилаётган баланд даромади мамлакатнинг юқори даражадаги хавфлари туфайли, Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятини сезиларли даражада чеклайди
- Капиталга кутилаётган даромаднинг юқори даражада бўлиши маҳаллий ва хорижий инвесторларни капитал қўйишга тайёр бўлган лойиҳалар ва компаниялар сонини сезиларли даражада чеклайди
- Капитал қийматини камайтириш мамлакат хавфини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин: бизнес юритиш хавфини камайтириш, қонун устуворлиги ва суд тизимининг устуворлигини ўрнатиш ва акционерлик капиталнинг хавфини камайтириш: корпоратив бошқарув даражасини ошириш, корпоратив маданиятни ривожлантириш, халқаро бухгалтерлик ҳисоби ва халқаро аудит стандартларини қабул қилиш ва уларга риоя қилиш Суверен кредит рейтингининг кўтарилиши мамлакат хатарларини камайтиришнинг индикатори ва катализатори бўлади.

Компонентлар бўйича акционерлик капиталнинг қиймати



Шарҳлар

- Тизим Сингапур тажрибасига асосланганлиги сабабли капитал бозорининг асосий институтлари ривожланиши билан ERP кўрсаткичининг даражаси 5% гача пасаяди.
- Молия тизими ва давлат муассасаларини янада ривожлантириш билан Ўзбекистон Республикаси CRP даражаси 3 фоизга етади, бу Марказий Осиёнинг энг ривожланган давлатлари даражасидир

Эслатма: 1 - Юридик шахслар, 2 - Ке - акционерлик капиталнинг қиймати, 3 - ERP - акционер капиталининг хавф муковоти, 4 - CRP - мамлакат хавф муковоти, 5 - RfR - хавфсиз ставка (АҚШ ҳукумати давлат қарзининг узоқ муддатли облигациялари асосида).

Манба: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази

1

Қарз инструментлари ва акционерлик капитал орасидаги мувозанат

Ривожланиш мақсадининг варианты

Қарз ва акционерлик капиталнинг мутаносиб равишда ишлатилиши тез ўсаётган бозордан максимал фойдаланиш имконини беради.

$$D/E^1 < 1$$

Мамлакатлардан мисоллар:



Сингапур



Ирландия



Венгрия



- Юқори молиявий барқарорлик
- Корхонанинг қарз капитали ва мажбуриятларига нисбатан камроқ қарамлиги
- Мамлакатнинг молия институтларига аҳолининг ва хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш



- Бизнесга катта оғирлик, айниқса, иқтисодий инқироз даврида
- Иқтисодий инқироз даврида капитал таклифининг камайиши

Акционерлик капитали ва қарз маблағлари ўртача тенг пропорцияларда

2

Асосан - қарз инструментлари

Одатда, камроқ консерватив вариант купрок ривожланган иқтисодиётларга хос бўлади. Иқтисодий циклга мойилликнинг ўртача даражаси иқтисодиётнинг ўсиш босқичида акционерлик капиталнинг қийматини ошириш имконини беради ва инқироз фазасида капитал таклифини қўллаб туради

$$D/E^1 > 6$$

Мамлакатлардан мисоллар:



Буюк Британия



Чехия



- Акциядорлик капиталнинг қийматини ўртача оширишга ёрдам беради
- Етук иқтисодиёт учун мақбул танлов



- Тез ўсиб бораётган иқтисодиёт учун оптимал танлов эмас.

Акционерлик капиталга нисбатан қарзга олинган маблағларнинг юқори даражаси

3

Қарздорлик инструментларини максимал даражада ишлатиш

Корпоратив қарзларнинг юқори даражадалиги паст даражадаги хавфга мойилликни, шунингдек, бозор ўсишининг ва корпоратив сектор учун даромадларнинг кутилаётган даражаси пастлигини билдиради. Инвестицияга нисбатан кам сезгирлик хусусиятига эга

$$D/E^1 > 9$$

Мамлакатлардан мисоллар:



Япония



Австралия



- Ушбу моделда камроқ бозор ўзгаришлари рўй беради.
- Ўсиш даврида акциядорлар учун фойдалироқ бўлади



- Қарзга хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси корпоратив секторни иқтисодий шоклар юз берганда банкрот бўлиш хавфига олиб келади

Қарздорлик инструментларининг миқдори акционерлик капиталдан 10 баробар кўпдир

Энг муқобил воситаларидан фойдаланиш (Исломий молиявий махсулотлар: сукук)

Шу билан бир қаторда, қарз воситаларини капиталнинг энг истиқболли манбаи бўлган исломий облигациялар бозори (сукук инвестиция сертификати) бўлган капитал воситаларидан фойдасига фойдаланишни рад этиш киради.

Сукукдан фойдаланишнинг халқаро аҳамияти ортиб бормоқда: ислом молия бозори ҳар йили ўртача 15-20 фоизга ўсиб бормоқда. Сукук ишлаб чиқариш, айниқса инқироз даврида, қулай иқтисодий вазиятни сақлашга ёрдам беришни жаҳон амалиёти тасдиқламоқда.

Мамлакатлар мисоллари:



Эрон



Покистон



- Юқори молиявий барқарорлик - қоғоз активлар билан таъминланиши керак: моддий ёки номоддий
- Сукук ҳолати дефолт болганда, сукук эгалари мулк хуқуқларини амалга ошириш ва активлардаги улушларини сотиш хуқуқига эга, шу билан инвестицияларнинг асосий қисми қайтарилади.
- Корхоналарнинг қарз маблағлари ва мажбуриятлардан мустақиллиги
- Хорижий капитал кириш мумкин бўлмаганлиги учун санкциялар шароитида маблағларни жалб қилишнинг алтернатив манбаи
- Қимматли қоғозларни чиқариш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритишни талаб қилмайди



- Бундай модел тўлиқ бозор ўзгаришига боғлиқ
- Сукук беришни ташкил қилишнинг асосий шарти молиялаштириш мақсадлари (активларни сотиб олиш, қурилиш, инвестиция лойихаси, бизнесни ривожлантириш ва хоказо) ва сертификатларнинг шариат қонунларига мувофиқлиги

Капитал бозорларида 2035-йилда кутилаётган натижалар

Қарз ва акционерлик капитал ўртасидаги мувозанат

- Капитал бозорни тартибга солиш, инфратузилма ва технология жиҳатдан барча замонавий талабларга жавоб беради.
- Юқори сифатли ахборот тақдим этилиши ва кириш тезлиги
- Барқарор назорат ва шаффоф тартибга солиш
- Бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали кимматли қоғозларни котировка қилиш тизимини яратиш
- Прогнозланадиган солиқ сиёсати
- Қарз ва акционерлик молиялаштириш ўртасидаги мувозанатни сақлаш
- Халқаро институционал инвестицияларни жалб қилиш
- Маҳаллий компанияларни ривожлантириш

Рақамли кўрсаткичлар

Капитал бозорининг ҳажми, млрд АҚШ долл.	2,5	114
Капитал бозорининг ҳажми, ЯИМга нисбатан %	3,7%	80%
Хорижий инвесторлар улуши	43%	70%
Капиталдан кутилаётган даромад	22,7%	11,7%

Молиялаштириш



млрд АҚШ долл., йўқилган натижа билан

Капитал бозорининг мақсадли таркиби

Инструментлар

Давлат облигациялари
Корпорациялар
облигациялари ва БДҚҚ¹

Акционерлик капитал
ҲМИ²

Капитал бозорлари

2. Назорат тизими

Тартибга солиш органлари ва уларнинг иерархияси

3. Институтлар

Бошқарув ва мулк
Иштирокчиларни турга ажратиш

4. Тартибга солиш ва стандартлар

Шаффоф қоидалар
Прогнозланадиган тартибга солувчи ҳатти-ҳаракати

5. Солиқлар

Прогнозланадиган солиққа тортиш
Солиқ имтиёзлари

6. Инфратузилма ва технологиялар

Юқори техникавий жиҳозланиш
Савдо ташкилоти ва барқарорлиги

1. Асосий тамойиллар ва қоидалар

Индексларнинг мавжудлиги

Капитал таклифи

Капитал талаби

Глобал иштирокчилар учун

Бозор эркинлиги

Мувозанат баҳосини қидириш қобилияти

Капитал бозорининг сиғимини ошириш бўйича Сингапур мисоли



1. Узоқ муддатли мақсадларни тузиш ва келишувга эришиш

- 1990-йиллар охирида Бош вазир ва Бош вазирнинг ўринбосари Сингапурни Осиёдаги асосий тўлиқ хизматлар доирасига эга молиявий марказга айлантириш учун топ-даун ёндашувни танлади.
- Бу қарар миллий устуворликка айланди ва иш ўринларини ташкил этишнинг ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига эришишнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига боғлиқ бўлган.

2. Тартибга солувчи муассасаларнинг имкониятларини яратиш ва кенгайтириш

- Мақсадни амалга ошириш ваколати олий идорага берилди: Сингапур Пул бошқармаси (MAS)
- MASга мақсадга эришиш учун барча керакли чораларни кўриш ҳуқуқи берилди.

3. Кенг доирадаги манфаатдор томонларни бошқариш

- Хусусий сектор сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол жалб қилинди.
- Хусусий секторга бозор иштирокини кенгайтириш учун рағбатлар таклиф қилинди

4. Ўзгариш катализаторларини аниқлаш орқали ўсиш омилини яратиш

- Биржалар бирлаштирилди ва кенг иштирокчилар доираси учун очиқ бўлди.
- Давлат облигациялари бозори қўшимча қарз бозори ўсиш нуқталарини яратиш учун модернизация қилинди
- Фондларни бошқариш ва хусусий банкинг маҳаллий капитал бозори ўсишидаги долзарб талабларини тўлароқ қондириш учун ўзгартирилган.

5. Иқтидорлилардан узоқ муддат фойдаланиш имкониятларини таъминлаш

- Таълим соҳаси ислоҳот қилинди, масалан, молия сектори учун иқтидорлар заҳирасини яратиш учун махсус курслар, чет эл университетларига таклифлар, академик доираларда тадқиқот ва инновацияларга алоҳида эътибор қаратиш ва бошқалар.
- Чет эллик истеъдодлар учун Сингапурга келиш ва туриш учун ёрдам кўрсатилди

6. Стратегик тараққиётга инвестициялар

- Ҳукумат томонидан кенг миқёсда тараққиёт ва шаффофлик, жумладан, мунтазам равишда матбуотни жалб қилиш ва давлат ва компанияларнинг инвесторлари билан мулоқотни юқори даражада ривожлантириш
- Роудшоу ва инвесторларнинг компанияларини қайта ишлаш учун махсус тараққиёт бўлинмасини яратиш

Капитал бозорларини ривожлантириш учун MIFID II жорий этиш



- Ташкилотлар мижозларни муайян тоифаларга ажратиши керак: компанияга молиявий саводхонлик даражасини билиш керак, бу эса янада қулайроқ хизматни таъминлаш учун зарур бўлган асосий омил бўлади.
- Хизматларни таклиф қилувчи барча ташкилотлар мижозларга савдо шартлари тўғрисида тўлиқ маълумот беришлари керак
- Битимни амалга ошириш мижоз томонидан сўров юборилгандан сўнг дарҳол амалга оширилиши керак
- MIFID бирлашган бозорни яратишга ҳисса қўшади, бунинг натижасида иштирокчиларга янада қулай шароитлар яратилади.
- Молия соҳасидаги хизматларни тартибга солиш амалга оширилмоқда. Фаолият олиб боришга руҳсати бор ташкилотларни лицензиялаш асослари кўриб чиқилади

2025



- Тартибга солиш ва назорат қилишнинг халқаро стандартларини мослаштириш, жумладан, корпоратив бошқарув, фондлар ва компаниялар ҳисоботи стандартларини (шу жумладан ХМХС ва ХАС), мижозларни таснифлаш, маълумотларни сақлаш ва ошкор қилиш стандартлари ва бошқалар.
- Профессионал бозор иштирокчилари учун ахлоқ кодекси ва хатти-ҳаракат стандартларини яратиш
- Капитал бозорининг иштирокчи давлатларнинг жаҳон уюшмаларига кириш, хусусан, Осиё ва Европа назорат ва тартибга солиш ташкилотлари
- Ички қимматли қоғозлар бозорининг жалб қилувчанлигини ошириш, ИИҲни жорий этиш ва жисмоний шахсларга тегишли солиқ имтиёзларини тақдим этиш
- Инвестиция синфидаги давлат ва корпоратив еврооблигацияларни, шунингдек, юқори кредит рейтингига эга давлат қисқа муддатли облигациялари ва маҳаллий валютадаги облигациялар
- Стандартлаштириш ва назорат қилиш бўйича маҳаллий брокерлик компанияларининг ривожланиши, шунингдек, халқаро иштирокчиларни капитал бозорларига иштирокчилар ва ёки ҳамкорлар сифатида интеграциялаштириш

2030



- Инвесторлар ва бизнес эгаларининг, хусусан, инновацион ривожланиш йўналишларида инвестицион инкубаторлар ва акселераторларни яратиш
- Замонавий иқтисодийнинг талабларига, хусусан, жисмоний шахслар учун ETF, ишлаб чиқариш корхоналари учун ресурслар ва валюта ҳосилалари ва институционал инвесторлар учун тузилмали маҳсулотлар талабларига жавоб берадиган маҳсулот портфелини ривожлантириш
- Биржа АТ-инфратузилмасининг технологик жиҳозланишини ва ҳисоблаш қувватини ривожлантириш
- Чет эллик инвесторларни жалб қилиш учун махсус солиқ режим тамойилларини ишлаб чиқиш

2035



- Ликвидликни жойлаштириш тизимларини яратиш ва корпоратив сегментдаги банк маҳсулотлари билан интеграциялаш
- Чакана сегментдаги банк, суғурта ва инвестицион-жамғарма маҳсулотларининг интеграциялашуви ва ҳаёт циклига хизмат кўрсатиш моделига ўтиш

2025

2030

2035

- FCA (Буюк Британия) мисолида кенг ваколатларга эга мустақил молиявий тартибга солувчини яратиш
- Синов ва текшириш орқали молиявий бозорлар ходимларини лицензиялаш

3. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача
ривожланиш стратегиясининг концепцияси

Соғлиқни сақлаш

Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Жорий ривожланиш даражаси



Асосий муаммолар

- Юрак-томир касалликларининг юқори даражаси ва болалар ўлимининг юқори даражаси
- Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш даражаси пастлиги
- Соғлиқни сақлаш тизимига тенгсиз кириш имконияти
- Соғлиқни сақлаш тизимининг ходимлари учун иш ҳақи даражасининг пастлиги
- Капитал харажатларнинг паст даражаси ва бунинг натижасида соғлиқни сақлаш тизими технологик ривожланишининг паст даражаси (замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган)
- ОИТС ва ОИВ тарқалиши хавфи
- Тиббий таълимнинг паст даражаси

Асосий хулосалар,

- Аҳоли саломатлигининг ҳолати туғилишда кутилаётган умр кўриш давомийлиги (73,3 ёш) ва ўртача ўлим даражаси (минг аҳолига нисбатан 4,9) билан тавсифланади. **Юрак-томир касалликларининг юқори даражаси ва болалар ўлимининг юқори даражаси** (ВОЗ бўйича тегишли рейтингларнинг етакчиларидан бири) соғлом ҳаётнинг давомийлигига таъсир қилади.
- Асосий соғлиқни сақлаш муаммоси - **молиялаштириш тизимининг ҳозирги ҳолати**, бу қуйидаги ҳолларда намоён бўлади:
- **Аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари паст** (тахминан 54 АҚШ долларидамкам бир кишига 2018 йилда)
- **Соғлиқни сақлаш тизимидан тенгсиз фойдаланиш имконияти**. Кўп ҳолларда иккиламчи ва учламчи тиббий ёрдам тўлов учун кўрсатилмоқда, фуқароларнинг соғлиқни сақлашни молиялаштиришда шахсий тўловларининг улуши 40%¹ кўп
- **Молиялаштириш инструментлари ривожланмаган**. Шундай қилиб, мажбурий тиббий сўғурта мавжуд эмас.
- **Натижада тиббий хизмат кўрсатиш сифати пасайиб кетмоқда**, бу аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Гўдақлар ва болалар ўлими кўрсаткичлари, 2017 йил (минг 1000 тирик туғилганга)



- Секторни кам молиялаштирилганлиги кўплаб муаммоларга олиб келади, жумладан:
 - Коррупцияга олиб келадиган шифокорларнинг кам иш ҳақи
 - Кам даромадли аҳоли қатламларига фойдаланишни чекловчи коррупция
 - Паст молиялаштириш даражаси (капитал харажатлар билан бирга) соғлиқни сақлашнинг сифатини пасайтиради

Чақалоқларнинг ўлим даражаси, 1000 чақалоққа 5 ёшгача бўлган болалар ўлими, 2016 йил




- 2017 йил Ўзбекистондаги болалар ўлимининг даражаси юқори. 1000 туғилган боладан 15.4-си 5 ёшгача ўлади
- **Энг юқори ўлим кўрсаткичи 1 ёшгача бўлган даврда кузатилади** - ҳар 1000 янги туғилган чақалоқ учун 21,4 ўлим, 28 кунгача бўлган даврда 1000 та чақалоқ бошига 13,8 ўлим

127 Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин

Эслатма: 1 - Баъзи мутахассисларга кўра, соғлиқни сақлашни молиялаштиришда фуқароларнинг шахсий тўловлари улуши қарийб 70% ташкил қилади
Манбалар: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ишчи гуруҳ таҳлили

Жорий ривожланиш даражаси


Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимида хусусий тўловларнинг улуши устунликка эга бўлиб, мажбурий тиббий суғурта мавжуд эмас, бу тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини чеклайди



- Ўзбекистонда **мажбурий тиббий суғурта тизими йўқ**, ихтиёрий тиббий суғурта тизими кам ривожланган
- Ўзбекистон Республикасида давлат тиббий ёрдам кўрсатиш тизими бепул бирламчи тиббий маслаҳат беришни ва қўшимча хизматларга ва такрорий маслаҳат учун ҳақ тўлашни ўз ичига олади
- Хусусий тўловлар давлат муассасаларида тиббий хизмат учун ҳақ тўлашдан ва хусусий суғурта учун тўловлардан иборат.** Ўзбекистонда тиббий хизмат учун хусусий тўловлар тўлиқ фуқароларнинг тўлиқ шахсий ҳаражатларидан иборат
- Бошқа мамлакатлардаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги молиялаштириш тизимлари - масалан, **Сингапурда**, ишлайдиган фуқароларнинг **мажбурий ажратмалари ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** асосида фаолият юритади. Мажбурий ажратмаларнинг миқдори фуқаронинг ёшига ва умумий саломатлигига қараб ўзгаради.
- Ишчи гуруҳ мутахассисларининг фикрига кўра, расмий статистика маълумотлари ҳақиқатни акс эттирмайди, фуқароларнинг шахсий тўловлари улуши 70-80 фоизни ташкил этиши мумкин

Соғлиқни сақлаш тизими ходимининг ўртача иш ҳақи

АҚШ доллари/ойига




Соғлиқни сақлаш тизими ходимининг ўртача иш ҳақи

Мамлакатда ўртача маош


- Ўзбекистонда шифокорларнинг иш ҳақи **мамлакатдаги ўртача ойлик маошидан кам**
- Қўшимча тўловлар малака тоифасига, хизмат кўрсатиш муддатига ва тиббий фаолият соҳасига боғлиқ. Масалан, юқори тоифадаги жарроҳларнинг ўртача иш ҳақи - 351 долл. кўтарилди
- Шифокорларнинг паст иш ҳақи секторда **яширин иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.** Масалан, тиббий ходимларнинг иш ҳақига **беморлардан норасмий тушумлар** қўшилиши мумкин. Бундан ташқари, экспертларнинг фикрига кўра, тиббиёт ходимларининг асосий қисми **фармацевтика компаниялари билан ҳамкорлик қилади ва кўпинча улардан ахлоқий бўлмаган иш ҳақи олади**, бу эса тиббий тавсияларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жорий ривожланиш даражаси


Туғилишда кутилаётган^(а) умр давомийлиги 2016 йилда, ёш



Ўлим коэффиценти 1000 аҳолига нисбатан, 2016 йил



5 ёшгача болалар ўлими коэффиценти, минг тирик туғилганга, 2016 йил



★ **127** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин


Шарҳлар

- **Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги.** Ўзбекистон, умр кўриш давомийлиги бўйича собиқ совет ҳудудида етакчи мамлакатларидан бири бўлиб Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат бўлишига қарамай, Ўзбекистон Европада ва Осиёда, жумладан, ХХР ва Сингапур каби етакчи мамлакатлардан орқада қолмоқда.
- **Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти** (183 мамлакатдан 152 мамлакат) маълумотлари бўйича **ўлим кўрсаткичи** пастлиги билан ажралиб туради ва **рейтингда** етакчилардан бири бўлиб турибди.
- Бироқ 5 ёшгача бўлган болалар ўлим даражаси билан боғлиқ муаммолар мавжуд (194 мамлакатдан 82-ўрин)


Эслатма: а - туғилишда кутилган умр давомийлиги чақалоқнинг туғилиши пайтида аниқланган ўлим даражаси умр давомида ўзгармайдиган ҳолатда у яшайдиган йиллар сони; б - туғруқ асоратлари, шунингдек, перинатал ҳолатлар ва озикланиш бузилишларини ўз ичига олади; в - уйларнинг қулаши, хавфсизлик қоидалари ва бошқалар.
Манбалар: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

Жорий ривожланиш даражаси


Юрак-томир касалликлардан ўлим даражаси, 1000 кишига ўлимлар сони, 2016



Хавfli ишлардан ўлим даражаси, 1000 киши бошига ўлимлар сони, 2016



Ошқозон-ичак йўли касалликларидан ўлим, 1000 кишига ўлимлар сони, 2016




★ **127** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин

Шарҳлар


- Ўзбекистон юрак-қон томир касалликларидан ўлим бўйича дунё миқёсида етакчи давлатлардан бири (183 дан 36-мамлакат). Ўлимларнинг 43,9% ишемик юрак касалликлари, 14,4% ини эса инсультлар билан боғлиқ
- Умумий ўлим даражасининг юқори бўлишига қарамай (5 промилле), Ўзбекистонда хавfli касалликлардан ўлим даражаси дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.**
 - Хавfli ўсимталардан ўлимнинг энг кўп тарқалган сабаби ошқозон саратони (ўлимнинг 12,8%), нафас олиш йўллари саратони (10,3%), кўкрак беши саратони (9,6%).
 - Хавfli ўсимталардан юқори даражали ўлимнинг сабаби саратон касалликларининг кам ёки кечроқ аниқланиши ва превентив тиббётнинг кам ривожланиши бўлиши мумкин
- Ўзбекистондаги ошқозон-ичак йўли касалликларидан ўлим даражаси бошқа мамлакатларга нисбатан ўртача. Ошқозон-ичак касалликларидан ўлимнинг асосий сабаблари жигар циррози (79,8%), бу В гепатити (39%), ортиқча спиртли ичимлик истеъмоли (26%) ва С гепатити (16%) ва замонавий ва сифатли диагностика йўқлиги сабабларидан юзага келади

Жорий ривожланиш даражаси

Оналар ўлиш коэффиценти, 100 мингга тирик туғилганга, 2017 й.



Чақалоқлар ўлим коэффиценти 1000 тирик туғилганга (28 кунгача бўлган болалар), 2017




★ **127** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин

Шарҳлар

- Ўзбекистонда оналик ўлимнинг кўрсаткичи ўртача. ЖССТ маълумотларига кўра, мамлакатда туғилшларнинг 100 фоизи тиббиёт ходимларининг назорати остида амалга оширилади.
 - Ўлим сабаблари қон кетиши (45%), инфекциялар (12%) ва кеч токсикоз (5%).
 - Ҳомиладорлик пайтида шифокор назорати остида турилса ва тиббий ходимларнинг ҳаракатлар тўғри бўлган тақдирда, оналар ўлимнинг олдини олиш мумкин
- Ўзбекистон юқори неонатал ўлим даражаси билан ажралиб туради (дунёдаги 77 мамлакат 183 дан). Неонатал ўлимнинг асосий сабаблари эрта туғилиш асоратлари (ўлимларнинг 44%), хомилалик асфиксия ва туғилиш шикастланиши (42%) ва неонатал инфекциялар (16%),

Жорий ривожланиш даражаси

Касаллик туфайли (DALYs) эрта ўлим ва ногиронлик сабабли йўқотган йиллар, минг йил, 2016



Мисоллар




Методология: Касалланиш даражасини аниқлаш учун “Меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тузатилган ҳаёт йиллари” кўрсаткичи қўлланилди. Бу кўрсаткич эрта ўлим ва ишга ярамаслик сабабли йўқотилган ҳаёт йилларнинг чизикли суммасини тақдим этади


Эслатма: (а) шунинг жумладан туғилишнинг асоратлари, шунингдек, перинатал ҳолатлар ва озиқланиш бузилишлари (б) уйнинг қулаб тушиши, хавфсизлик ҳоидаларини бузишлари ва бошқалар.
 Манбалар: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

Жорий ривожланиш даражаси


Юрак-қон томир касалликларига чалинган касалликлар туфайли бевақт ўлим ва ишга ярамаслик туфайли йўқотган йиллар сони, 1000 кишига, 2016 й.



Неонатал ўлими ва касалликлар туфайли йўқотган йиллар суммаси, 1000 кишига 2016 й.



Тасодифий шикастланиш туфайли бевақт ўлим ва ишга ярамаслик сабабидан йўқолган йиллар, 1000 кишига, 2016 й.




127 Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин

Шарҳлар


- Ўзбекистон юрак-қон томир касалликлари бўйича жаҳон рейтингда етакчилардан биридир. Касалланишларнинг 43,9% юракнинг ишемик касалликлари, 14,4% ини инсульт, 25% гипеттензия туфайли юзага келади
- Ўзбекистонда ўлимга олиб келадиган неонатал касалликлар даражаси юқори. Вақтидан олин туғиш (44%), хомилалик асфиксия ва туғруқ шикастланиши (44%) ва неонатал инфекциялар (31%) асосий сабабларидандир
- Тасодифий жароҳатланиш ҳам ҳаёт сифатини пасайтиради. Асосий сабабларининг ичига йўл-транспорт ҳодисалари (27%), қулаш (21%) ва чўкиб кетишлар (10%) киради

Жорий ривожланиш даражаси

Соғлиқни сақлаш тизимига харажатларининг ЯИМдаги⁽¹⁾ улуши, %, 2015 йилда



Аҳоли жон бошига тўғри келадиган соғлиқни сақлаш тизими харажатлари², ҳарид қилиш қобилияти паритетига асосланган индекс, 2015 й.




Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро рейтингда ўрин

Шарҳлар


- Мамлакатнинг ЯИМдаги соғлиқни сақлаш харажатларининг улуши ЖСС ташкилоти рейтингининг 189 мамлакати билан таққослаганда ўртача даражада
- Бироқ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган соғлиқни сақлаш харажатлари Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга қараганда анча паст
- Ўзбекистонда ҳарид қилиш қобилияти паритети асосида ҳисобланган киши бошига соғлиқни сақлаш харажатлари рейтингига кўра, Ўзбекистон ҳам анча паст даражада бўлиб рейтингда 122 ўринни эгаллайди.
- Рейтингдаги Ўзбекистоннинг паст кўрсаткичи қисман ЯИМнинг ҳажмидаги фарқ билан қисман изоҳланади: Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти рейтингдаги иштирок этаётган бошқа мамлакатлардан паст, шунинг учун соғлиқни сақлашга сарф-харажатлар даражаси пул жиҳатидан пастроқ

Эслатма: 1 - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 189 мамлакат бўйича маълумотлар асосида рейтинг; 2 - хусусий ва давлат сектори харажатларини ўз ичига олади
Манбалар: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

Соғлиқни сақлаш харажатларининг ЯИМдаги¹ улуши, %, 2010-2015



Аҳоли киши бошига соғлиқни сақлаш харажатлари¹, АҚШ доллари, 2010-2015



Шарҳлар

- 2010 йилдан бошлаб соғлиқни сақлашга йўналтирилган кўрсаткич ЯИМнинг 5-6% даражасида бўлиши билан, **8 йил давомида аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари анча паст даражада бўлган** - қўшни мамлакатларга ва ривожланган Осиё давлатларига қараганда камроқ
- 2018-йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш 40 фоизга ошди, бироқ харажатларини киши бошига АҚШ доллари ҳисобида, ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан тушиши сабабли, кўп эмасди. Ўзбек сўмда киши бошига сарф қилинган соғ харажатлар 2018 йилда 5 фоизга ошди

Эслатма:

1 - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланиб ҳисобланган, ҳисобларда 2015 йилдан бошлаб хусусий сектор харажатлари табиий қийматида ўзгармас бўлиши тахмини ишлатилган.

2 - хусусий ва давлат сектори харажатларини ўз ичига олади

Жорий ривожланиш даражаси

Ёрдам тури бўйича мавжуд хизмат турлари

Бирламчи ёрдам Умумий амалиёт шифокорлари маслаҳати	Иккиламчи ёрдам Тегишли ихтисослик шифокорлари маслаҳати	Учламчи ёрдам Диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари
Энг кенг тарқалган касалликлар, шикастланишлар, заҳарланиш ва бошқа фавқулдда ҳолатларни даволаш	Саратон, ақлий, инфекцион, эндокрин касалликлар, сифилис, ОИТС ва ОИВ, сил касаллиги, гиёҳвандлик, мохов, нурланиш касаллиги	Кардиология
Болалар кўриги ва даволаниши		Онкология
Чақирув комиссиялари йўналишлари бўйича 15-17 ёшдаги ўсмирларнинг ва ҳарбий ёшдаги (18-27 ёш) шахсларни кўрик қилиш ва даволаш	Тери-таносил, юрак-қон томир, урология, ортопедия касалликлари ва шикастланиш оқибатларини даволаш ва диагностика қилиш.	Ортопедия
Хомиладорларга ва туғадиган хотинларга хизмат кўрсатиш (пулик муассасалардан ташқари)		Офтальмология
Бир қатор юқумли касалликларга қарши аҳолини иммунизация қилиш ва эмлаш	Нейрохирургия, аллергология, йирингли-жарроҳлик касалликлари	Травматология ва ортопедия
Тез ёрдам		Эндокринология
		Нейрохирургия
		Кардиология
		Урология

Барча фуқаролар учун бепул фойдаланиш имконияти^(а)

Фақат фуқароларнинг баъзи тоифаларига бепул^(а)


Шарҳлар

- Аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари барча тоифадаги бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга
- Касалликларни даволашдан фойдаланиш имконияти барча турдаги фуқаролар учун мавжуд эмас. Ёрдамга муҳтож одамлар фақат фавқулдда вазиятларда - ҳаётга таҳдид соладиган ҳолларда ёрдам олишлари мумкин. Шундай қилиб, **касалликларнинг кучайиб кетишининг олдини олиш ривожланмаган.**
- Давлат секторида пулли хизматлар кўплиги **норасмий секторнинг ривожланишига** сабаб бўлиши мумкин. Экспертларнинг фикрига кўра, норасмий тўловлар амалиёти аксарият ҳолларда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам пулли равишда кўрсатилишига олиб келади.
- Ўзбекистонда тиббий ҳаражатларининг улуши баланд - тиббий хизматлар учун тўловлар 45%ни ташкил қилади.

Эслатма: (а) бепул иккиламчи ва учламчи ёрдамдан фойдаланиш имконияти бор фуқаролар рўйхати:

- Ёлғиз яшайдиган парваришга муҳтож қария фуқаролар
- I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар
- Ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ва лаёқатлиги чекланган фуқаролар
- Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинганлар
- Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар
- 1941-1945 йиллардаги ногиронлар ва уруш ва меҳнат fronti иштирокчилари,
- Бошқа шахслар

Соғлиқни сақлашга сарф қилинган харажатларнинг умумий ҳажмида манба турига кўра харажатлар улуши, %, 2011-2015




Шарҳлар


- **Соғлиқни сақлаш харажатларининг таркиби 2011 йилдан буён кўп ўзгармади:** давлат харажатлари ва фуқароларнинг шахсий туловлари барча харажатларнинг катта қисмини ташкил қилади.
- Ўзбекистонда ихтиёрий тиббий суғурта амалиёти жорий этилган, ammo у умумий миқдорнинг фақат 3 фоизини қоплайди
- 2011 йилдан бошлаб ихтиёрий тиббий суғурта сектори соғлиқни сақлаш соҳаси учун бошқа молиялаштириш манбалари ўрнини босмайди.

Жорий ривожланиш даражаси

Энг сўнги сана учун, 1000 киши учун ётоқлар сони



10 000 нафар киши учун Ўзбекистон Республикасида ётоқ жойлар сони




Шарҳлар

- 2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда ҳам, минтақанинг бошқа мамлакатларида ҳам 10 000 кишига шифохона ётоқлари (шифохоналар шошилич ёрдам ётоқлари билан бирга) камайди.
 - Мавжуд маълумотлар Ўзбекистон Республикасида давлат тиббиёт муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан ёки ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ётоқларнинг сони ҳақидаги маълумотларни акс эттиради.
 - Шундай қилиб, бепул равишда мавжуд бўлган шифохона ётоқларининг сони кўрсатилган қийматлардан паст.
 - 1990-2016 муддати учун стационар тиббиёт муассасаларида 100 кишига госпитализациялаш даражаси 24,6 дан 15,5 гача камайган
- Касалхоналар ётоқларининг сони уларнинг айланма кўрсаткичлари билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Касалхоналар ётоқларининг айланмаси тиббиёт тизимидаги бошқарув самарадорлигини акс эттиради. Мисол учун, Сингапурда кўриб чиқилган мамлакатлар гуруҳидаги тиббиёт муассасаларида жойлар кўрсаткичи энг паст, Сингапур тиббиёт тизими эса юқори самарадорлик⁽⁶⁾ билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикасида шифохона ётоқлари айланмаси тўғрисидаги маълумотлар очиқ манбаларда эълон қилинмади, шунинг учун мамлакатдаги тиббиёт муассасаларида жойларни бошқариш самарадорлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин эмас.

Жорий ривожланиш даражаси

Соғлиқни сақлашда умумий капитал инвестицияларининг ҳажми, млн АҚШ доллари, 2015



Техник ва технологик жиҳозланиш даражаси (очиқ манбалар маълумотларига кўра)

Йўналиш	Баҳолаш	Шарҳлар
Ахборот технологиялари	✘	"Ақлли тиббиёт"ни жорий қилиш дастури 2018 йилда бошланган 2017 йилдан бошлаб тиббий карталардан олинган маълумотлар электрон маълумотлар базаларига киритилган, аммо соғлиқни даволаш ва профилактика муассасалари ўртасида маълумот узатиш тизими мавжуд эмас.
Электрон ҳисобга киритиш ёки ҳужжат айланиши тизими	✘	Усқунани сотиб олишга сарфланган инвестициялар жуда кам
Тиббий усқуналар	✘	

Шарҳлар


- Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар қурилиш, усқуналар сотиб олишни ва таъмирлаш ишларини ўз ичига олади
- Ўзбекистонда капитал инвестициялар ҳажми сезиларли даражада эмас.** Расмий статистика маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш фаолияти турига киритилган асосий капиталга инвестициялар 2012-2015 йилларда улар йилига ўртача 302 млн. АҚШ долларига яқин бўлди ва **бу бошқа мамлакатларга қараганда анча паст**
- Соғлиқни сақлаш тизими янада ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда давлат харидлари учун **дори-дармонлар, тиббиёт усқуналари ва маҳсулотлар рўйхатини белгиловчи ташкилот мавжуд эмас.** Харидлар давлат маблағлари, халқаро кредитлардан тушумлар, хусусий капитал маблағлари ёки ҳомийлик маблағлари билан амалга оширилади. Амалдаги харидлар ҳажми жуда кам, масалан, Қозоғистонда аҳоли сони 2 баробар кичикроқ бўлса ҳам, сотиб олиш ҳажми 400-600 баробарга кўп
- 2018-йилда "Ақлли тиббиёт" (шифокор ва бемор ўртасидаги масофавий мулоқот тизими) ва "Тиббий маълумотларнинг ягона маркази" (соғлиқни сақлаш бўйича ягона рақамли маълумотлар базаси) ахборот технологиялари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури қабул қилинди.

Жорий ривожланиш даражаси

Бир касалхонага муассасасига аҳоли сони, 2016 й.

Бир касалхона муассасасига аҳоли сони¹, 2016 й.

2016 йилга келиб 10 минг аҳолига АПУ¹ (сменага ташриф буюриш) имконияти




Шарҳлар


- "Касалхоналар" тоифасига стационар даволанишни таъминловчи муассасалар киради, амбулатория-поликлиника тоифасига - дастлабки қабулни таъминловчи муассасалар
- Бир касалхона муассасасига аҳоли сони ҳудудлар орасида фарқ қилади, фарқ 137%гача бўлиши мумкин
- Бир амбулатория-поликлиника муассасасида аҳоли сони ҳам ҳудудларда тенг тақсимланмаган: фарқ 159% фоизга етиши мумкин.
- Туманлар бўйича аҳолини шифохоналар ва амбулатория поликлиникалари билан таъминлаб бериш даражалари бир бирига боғлиқ эмас
- Амбулатория поликлиникаларининг қуввати ҳудудларда сезиларли даражада фарқланади: фарқ 138 фоизга етиши мумкин.
- Аҳолини энг юқори даражада таъминлайдиган ҳудуд Ўзбекистон Республикаси пойтахтидир

Халқаро тажриба

10 000 аҳоли учун шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар сони, сўнги мавжуд санада



ЎЗРда 10 минг аҳолига шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар сони, 2000-2016 йилларда




■ Шифокорларнинг барча мутахассисликлари буйича сони
 ■ Тиббий ҳизмат курсатувчи ходимлар сони

Шарҳлар

- Ўзбекистон бошқа давлатларга қараганда 100 минг аҳолига нисбатан энг кўп тиббий мутахассисларга эга. ХХРда тиббиёт ходимларининг катта танқислиги мавжуд.
- Шу билан бирга, Ўзбекистонда таққосланадиган мамлакатлар гуруҳида ўрта тиббий ходимларга нисбатан энг кам шифокорлар улуши кузатилмоқда.
- Ўзбекистон Республикасида тиббий мутахассислар сони 4% камайди, мутахассисларнинг умумий сонидаги шифокорлар сони ҳам камайди.
- Шу билан бирга, 2010 йилдан бошлаб **18 минг аҳолига нисбатан шифокорлар сони 4,7% камайди**. Шунга ўхшаш тенденция МДХнинг бошқа мамлакатларида кузатилган. Шундай қилиб, Россияда 2010-2015 йилларда бу кўрсаткич 20 фоизга, Қозоғистонда эса 2010-2014 йилларда 7 фоизга камайган.

Жанубий Кореяда соғлиқни сақлашга маблағ сарфлаш манбалари, 2015 й.



Жанубий Корея

Миллий суғурталаш тизими молиялаштириш манбалари, 2015

National Health Insurance Program

Ишлаётган фуқаролар ва уларнинг қариндошлари:

- Барча ишлайдиган фуқаролар ва уларнинг қариндошларига нисбатан қўлланиладиган тиббий суғурта
- Ишлайдиган фуқаролар пулни тўловчи ёки унинг оиласи томонидан қўлланилиши мумкин бўлган шахсий ҳисобга ўтказилади
- Шахсий ҳисоб-рақам жамғармавий


Пенсионерлар

- Пенсияга чиққандан кейин тиббий хизматлар жамғарма ҳисоб-рақами ва давлат ҳисобидан таъминланади (хизматлар нарҳининг 15-20%)

Кам таъминланганлар

- Дастур ишламаётган ва кам таъминланган кишилар учун харажатларни қоплайди (давлат ажратмалари ҳисобидан)

Бошқа



Тамаки компаниялари

Тамаки компаниялари дастурнинг йиллик бюджетининг 2 фоизини шакллантириши керак

ҳукумат

Йиғилган солиқлардан ажратмалар

Ўз-ўзини иш билан таъминлаш

Йиллик ажратмалар даромадга, мол-мулкига, ёшига ва бошқаларга боғлиқ. Қишлоқ жойлардаги фуқаролар учун ажратмалар миқдори камаяди

Иш берувчилар ва ишчилар

Иш ҳақидан ажратмалар (тахминан 5%) ходим ва иш берувчининг ўртасида тенг равишда тақсимланади

Шарҳлар

- **Хусусий сектор** Жанубий Корея соғлиқни сақлаш тизимида **устунлик қилади**: 2012 йилда деярли барча шифохоналар ва стационар тиббиёт муассасаларининг 94 фоизи нодавлат мулкдорларга тегишли

Тизимнинг ютуқлари:

- Аҳолини 100% тиббий суғурта билан таъминлаш

Тизимнинг камчиликлари:

- Хусусий сарф-харажатларнинг энг катта улуши OECD мамлакатларида қисман тўлов тизими ҳисобидан - тиббий суғурта учун ажратилган маблағлардан ташқари, фуқаролар даволаш харажатларини, амбулатория-даволаш муассасаларида туриш, дори-дармон ва ҳоказоларга қўшимча тўлайди

Канада соғлиқни сақлаш бўйича ахборот институти

Институт 1994 йилда ташкил этилган.

Бу мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими ва фуқароларнинг соғлиғи ҳақида маълумотларни марказлашган ҳолда тўплайдиган мустақил нотижорат ташкилот.

Институтнинг ўз маълумот базалари, ва стандартлар ва ҳисоботлар тизими мавжуд. Ташкилотнинг асосий шериклари Канадалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Канада давлат статистика хизмати ҳисобланади.

Институтнинг маълумотлар базаси илмий тадқиқотларда қўлланилиши мумкин. Тиббий статистика мониторинги соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлайди.

2016 йилда Институт гиёҳванд моддалар билан заҳарланиш оқибатида касалхонага ётқизилганлик ҳақидаги ҳисоботни чиқарди: ҳар куни 13 нафар канадалик шифохонага гиёҳванд моддаларидан заҳарланиш белгилари билан тушади. Шу билан бирга, кекса одамлар аҳолининг бошқа гуруҳларига қараганда тез-тез касалхонага боришади, ёшлар орасида наркотик моддалар билан заҳарланишнинг ўсишининг энг юқори даражаси кузатилади. Айти пайтда Канадада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга қарши кураш амалга оширилмоқда.

Канада беморлар хавфсизлиги институти

Институт 2003 йилда ташкил этилган. Бу нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади тиббий соҳада энг яхши амалиётларни амалга оширишдан иборат бўлиб, беморнинг хавфсизлигини оширишга ёрдам беради. Фонднинг прогнозларига кўра, келгуси 30 йил давомида ҳар йили Канадада бемор хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ 400 минг иш юз берди, бу соғлиқни сақлаш бюджети учун 2,75 миллиард доллар миқдорида қўшимча юклама яратади.

Бемор хавфсизлиги дори-дармонлар хавфсизлигини, жарроҳлик операциялари хавфсизлигини, юқумли касалликларнинг олдини олишни ва уй шароитида даволанишнинг хавфсизлигини ўз ичига олади.

Институт фаолиятининг йўналишлари:

1. Хавфсизлик даражасини кучайтириш - энг яхши амалиётларни тўплаш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш механизмини яратиш.
2. Касал хавфсизлиги ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш
3. Бемор хавфсизлигини ошириш учун стандартлар ва ҳуқуқий амалиётларни жорий этиш
4. Давлат органлари ўртасида бирлаштирилган ўзаро таъсир тармоғини яратиш

Канада Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан молиялаштирилади.



CADTH

CADTH дориларни баҳолаш ва тиббиёт технологиялари агентлиги 1989 йилда Канада федерал, вилоят ва ҳудудий ҳукуматлари томонидан ташкил этилган мустақил нотижорат ташкилотдир. Соғлиқни сақлаш технологияларидан оптимал фойдаланиш тўғрисида асосланган қарорларни қабул қилиш учун масъул шахсларга объектив ахборот бериш учун масъулдир. CADTH компанияси Соғлиқни сақлаш технологиясини баҳолашни методология сифатида фойдаланади.



Соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш

Соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш (ССТБ) бу тиббий технологияларни ривожлантириш, тарқатиш ва улардан фойдаланишнинг клиник, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини ҳисоблаш жараёнидир. ССТБ бир нечта дори-дармонлардан энг клиник ва иқтисодий жиҳатдан оптимал вариантни танлаш имконини беради. Бундан ташқари, технологияни баҳолашда олинган натижалар фармацевтика компаниялари билан музокаралар олиб боришда дори-дармоннинг иқтисодий жиҳатдан мақбул нархини аниқлашда қўлланилиши мумкин. ССТБнинг асосий вазифаси, қарор қабул қилувчиларга соғлиқни сақлаш технологияларини жорий этиш оқибатлари тўғрисида хабардор қилишдир.

Соғлиқни сақлаш технологияларига қуйидагилар киреди:

Тиббий ускуналар



Дори воситалари

Вакциналар ва муолажалар

Бугунги кунда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Буюк Британия, Европа, Австралия ва бошқалар) молиялаштириш ҳақида қарорлар қабул қилишда соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш қўлланилади. Бундай ёндашув соғлиқни сақлашда лойиҳани молиялаштириш ва тендер савдосини янада шаффоф қилади ва миллиардлаб доллар миқдорида давлат маблағларини тежайди.



Буюк Британияда ССТБ ёрдамида устуворлиги аниқланган 10та лойиҳани жорий этишдан иқтисодий таъсир йилига £ 3 миллиардни ташкил этди.

Ўзбекистонда ССТБ жараёнини яратиш схемаси

1

босқич

Таълим компоненти:

Дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналарни клиник ва иқтисодий баҳолаш бўйича кадрларни тайёрлаш.



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёш олимлари ва мутахассисларини тайёрлаш


Университетларда "ССТБ ва фармо-экономика" лабораториясини ёки бўлимини яратиш. ССТБнинг иқтисодий баҳолаш бўйича дарсликларини тайёрлаш

2

босқич

Институционал компонент:

Давлат бюджетидан дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналарни молиялаштириш устуворлиги тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигига тавсиялар ишлаб чиқадиган тузилмани (ССТБ маркази) ташкил этиш



Таълим компонентида ўқитилган ходимлар билан тузилма (ССТБ маркази) яратиш


Соғлиқни сақлаш технологияларини молиялаштириш устуворлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун етакчи клиник мутахассисларнинг экспертлар кенгашини ташкил этиш.

Кўриб чиқилаётган соғлиқни сақлаш технологиясини иқтисодий баҳолашни амалга ошириш, клиник далилларни мунтазам кўриб чиқишларни тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун маблағларни ҳисоблаш.

ССТБ ва мавжуд тизим ўртасидаги фарқ нимада?

Кўрсаткичлар	Мавжуд амалиёт	Соғлиқни сақлаш технологиясини баҳолаш
Баҳолаш учун жалб қилинадиган экспертлар	Бош мутахассислар, клиник фармакологлар, етакчи клиницистлар (энг яхши вазиятда, энг ёмонида, ҳеч ким)	Клиник эпидемиология экспертлари, статистиклар, иқтисодчилар, етакчи клиницистлар.
Баҳолашнинг давомийлиги	1 – 3 ой	6 – 12 ой
Баҳоланаётган материаллар	Дори ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (тадқиқот маълумотлари)	Дори ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган мунтазам текширув натижалари + ҳужжатлари
Жараён	Шаффоф эмас ва ноаниқ	Расмий шаклланган, жараённинг барча иштирокчилари учун ягона ва шаффоф.
Натижалар	Тузилмалаштирилмаган ҳисобот	Клиник ва иқтисодий далилларни тизимли текшириш; иқтисодий модел.
Бюджетга таъсирнинг таҳлили	Мавжуд эмас	Технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган давлат ресурсларининг ҳажми ва асосланиши
Молиялаштириш қарорларини қабул қилиш	Субъектив фикр	Илмий далилларга асосланган ҳолис фикр, клиник ва иқтисодий баҳолаш натижалари.

Сингапур тиббий таъминотни молиялаштириш тизими



Соғлиқни сақлашга сарфланадиган капитал харажатлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

ХХР тиббий таъминотни молиялаштириш тизими

Тоифа	Муаммо	Ечим
Шаҳар аҳолиси учун асосий тиббий сўғурта	<ul style="list-style-type: none"> Ходимнинг оила аъзолари учун тиббий сўғурталаш имкониятининг йўқлиги. Тиббий сўғурталаш тизимига мажбурий қўшиш йўқлиги 	<ul style="list-style-type: none"> Сўғурта қамрови кенгайтирилди: сўғурта дастурига нодавлат сектор ходимлари киритилди, ўз-ўзини иш билан таъминлагандар ва норасмий иш билан таъминланганлар киритилди Давлат кутилмаган тиббий харажатлар пайдо бўлганда аҳолининг энг кам таъминланган гуруҳларини қўллаб-қувватлаш дастурини молиялаштирди.
Қишлоқ аҳолиси учун кооператив тиббий сўғурта тизими	<ul style="list-style-type: none"> XX асрда бошланган қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг кооператив тизими 1980-йилларда йўқ бўлиб кетди, бундан кейин сўғурталанган шахсларнинг улуши 10 фоиздан камроққа камайди. 1990-йилларда касалхонага ётқизилиши керак бўлган қишлоқ аҳолининг 65 фоизи касалхонага ётқизилмаган. Кам таъминланган фуқаролар сўғурта қилиш учун пул тўлашга қодир бўлмаган. 	<ul style="list-style-type: none"> Янги тизим қисман давлат томонидан молиялаштирилди ва барча оила аъзоларига тарқатилди.
Шаҳар аҳолиси учун асосий тиббий сўғурта	<ul style="list-style-type: none"> Расмий равишда ишламайдиган шаҳар яшовчилари сўғурта қопламасидан ташқарида қолди. 	<ul style="list-style-type: none"> Янги тизимни молиялаштириш қисман фуқаролар томонидан, қисман эса давлат томонидан амалга оширилди - марказий аппарат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг субсидиялари 36 фоизни ташкил этди.
Мигрант ишчилар учун асосий тиббий сўғурта	<ul style="list-style-type: none"> Мигрант ишчилар - қишлоқ жойларидан шаҳарларга кўчиб келган фуқаролар сўғурта тоифаларининг ҳеч бирига тушмади 	<ul style="list-style-type: none"> Маҳаллий ҳокимият органлари барча меҳнат мигрантлари учун тиббий сўғуртани тақдим қилишга мажбур. Молиялаштириш манбалари ходимлар ва/ёки иш берувчиларнинг сўғурта бадаллари, кам таъминланган мигрантлар учун эса маҳаллий ҳукумат субсидиялари бўлган



Дастурнинг натижаси: аҳолини бепул тиббий ёрдам билан қамраб олишни кенгайтириш.



Тиббий сўғурта қопламаси
 2002 йил - шаҳар аҳолисининг 55,2 фоизи
 2002 йил - қишлоқ аҳолисининг 20,9 фоизи
 2009 йил - қишлоқ аҳолисининг 94 фоизи

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида тиббий таъминот учун молиялаштириш тизими

ХХР

- Ҳукумат 2010 йилда қишлоқ жойларида тиббий ходимлар учун стипендия очди. Дастур иштирокчилари беш йиллик бепул тиббий таълим ва қишлоқда 6 йиллик иш учун ойлик стипендия олишди. 2010 йилдан бери ҳар йили дастурда 5 000 нафар талаба иштирок этди. Дастурда иштирок этганларнинг 90,7 фоизи шартларни бажарди, қишлоқ жойларида ишлаган, иштирок этмаган талабаларнинг 2,8 фоизи шаҳарлардан кўчиб борган
- 2008 йилда Ҳукумат қишлоқ жойларда ишлайдиган шифокорлар учун дастур бошлади - уларга 20 минг юан (тахминан 3000 АҚШ доллари) тўланади. Дастур натижаларига кўра, 828 та маҳаллий тиббиёт марказида 1080 нафар шифокор ишга қабул қилинди.
- 2009 йилдан 2013 йилгача ҳукумат қишлоқ жойларнинг шифокорлари учун ривожлантириш дастурларини субсидиялади. 2010 йилдан буён Ҳукумат шифокорлар меҳнатини яхшилаш учун тиббий инфратузилмани ривожлантиришни молиялаштирди.

Вьетнам

- Вьетнамда Ҳукумат ривожланиш дастурларини, молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш механизмалари билан бир қаторда қўллаган
- 2012 йилда мамлакатимизда, асосан, қишлоқ жойларида 1816та ўқув дастурлари амалга оширилди.
- 2009 йилдан 2014 йилгача ҳукумат қишлоқ жойларда тиббий ходимларни қўллаб-қувватлаш учун қонунлар чиқарди. Мисол учун, қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш ходимлари қишлоқ жойларда дастлабки 5 йил мобайнида иш ҳақини 70% ошириши мумкин эди. 2014 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ, қишлоқ жойларда 3 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлаган тиббиёт ходимлари давлат хизматчиларининг мақомини олишлари мумкин (Осиё мамлакатларида барқарор ва истиқболли иш).

Таиланд

- 1968 йилдан бошлаб Таиланд қишлоқ жойларда тиббий давлат институтлари битирувчиларининг мажбурий амалиётини жорий қилди. Иш давомийлиги шифокорлар ва стоматологлар учун 3 йил, кичик тиббий ходимлар учун - 2 йил ташкил қилади.

Камбоджа

- Камбоджада ҳукумат фельдшер-акушерларга ҳар муваффақиятли туғиш ҳолати учун тиббий марказларда 15, шифохоналарда эса 10 АҚШ доллар таклиф қилди.
- Соғлиқни сақлаш муассасалари қишлоқ жойларига тиббий мутахассисларни жалб қилиш учун йиғилган даромадларнинг 60 фоизини сарфлаш ҳуқуқига эга эди.
- 2000 йилда Ҳукумат ҳомийлар иштирокида кам таъминланган аҳоли қатламлари учун тиббий хизматларни молиялаштиришни субсидиялаш учун соғлиқни сақлаш масалаларида тенгликни таъминлаш фондиди ташкил этди.
- Фонд маблағларининг бир қисми қишлоқ жойларида тиббий ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган эди.
- Шунингдек, қишлоқ жойларда тиббий ходимлар халқаро ташкилотлар томонидан грантлар олиш имконига эга бўлишди.
- 2016 йилд Камбоджа ҳукумати барча тиббий ходимларга давлат хизматчиларининг мақоми берилишини эълон қилди.

Қозоғистон тажрибасидаги рақамлаштириш



Иқтисодий натижа



1

Иқтисодиётда давлат иштирокининг катта улуши

Давлат томонидан хизматлар кўрсатиш, солиқ тушумлари орқали молиялаштириш, хусусий сектор ва хусусий суғурта орқали аҳолининг бой қатламларининг эҳтиёжларини қоплайди.

Мамлакатлардан мисоллар:



Буюк Британия



Франция

- +** Аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун соғлиқни сақлаш тизимидан юқори фойдаланиш имконияти
- Соғлиқни сақлашнинг сифати солиқ тушумларининг миқдорига боғлиқ
- Паст сифатли хизматларни тақдим қилишнинг юқори хавфлари, айниқса иккиламчи ва учламчи ёрдам доирасида
- Тизимнинг инновацион ривожланишининг паст умумий даражаси

Аҳолининг барча гуруҳларини қўллаб-қувватлаш кафолати¹ аммо сифатли хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланган

2

Аралаш модел

Аҳолининг кам даромадли қатламлари учун давлат етказиб берувчиларни сақлаб қолган ҳолда, хусусий хизмат етказувчиларини ривожлантириш, миллий суғурта тизимини яратиш ва хусусий суғуртани ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш

Ривожланиш мақсадининг варианты

Мамлакатлардан мисоллар:



Канада



Германия

- +** Соғлиқни сақлаш тизимининг юқори фойдаланиш имконияти
- Тиббий ёрдамнинг барча босқичларида бир хил сифат
- Хусусий секторнинг кам ривожланганлиги
- Хусусий молиялаштириш институтларининг кам ривожланиши

Сифат барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда соғлиқни сақлаш хизматлари билан аҳолининг катта миқдорини қамраб олиш

3

Хусусий секторнинг катта улуши

Тиббий хизматларни тақдим этиш хусусий компанияларга тўлиқ ўтказилган, хусусий суғурта ташкилотлари ёки фуқароларнинг ўзи тўлайдиган маблағлари ҳисобига молиялаштирилади, давлат ёрдами фақат кам таъминланган қатламлар учун ҳаражатларни биргаликда молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш орқали

Мамлакатлардан мисоллар:



АҚШ

- +** Юқори сифатли хизматлар, айниқса, иккиламчи ва учламчи ёрдам доирасида
- Давлат асосий тартибга солиш органи сифатида
- Тиббий суғурта қоплаши тўлиқ эмас
- Юқори хизмат кўрсатиш қиймати
- Бирламчи ёрдам кам ривожланган (чунки у кам даромадли)
- Касалликларнинг олдини олиш кам ривожланган

Юқори сифатли соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш имконияти кам

Эслатма: 1 - етарли миқдорда шифохона ва ихтисослашган мутахассислар ҳолатида
Манбалар: очик манбалар маълумотлари, ишчи гуруҳнинг таҳлили

2035-йилда кутилаётган натижалар


Ривожланган молиялаштириш тизимига, юқори даражадаги таълимга ва самарали бошқарувга асосланган фойдаланиш имкони бор юқори технологияли тиббиёт

- Мажбурий тиббий сўғурталашни жорий этиш ва ихтиёрий тиббий сўғурталашни ривожлантириш
- Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланишни таъминлаш
- Инфратузилмани янгилаш (таъмирлаш, жиҳозлаш)
- АТ-воситаларини жорий қилиш
- Шифокорлар ва тиббий ходимларнинг таълимини ривожлантириш
- Шифокорлар иш ҳақини ва ижтимоий пакетини ошириш (ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган)
- Хусусий сектор жалб қилиш, ДХШни ривожлантириш (80% гача)
- Тиббиёт фанини тартибга солиш ва илмий тадқиқот ишлари тартибини ривожлантириш (GCP, лойиҳаларни молиялаштириш)
- Тиббиётнинг инновацион ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантириш (R&D учун солиқ имтиёзлари)
- Юқори инновацион тиббий ёрдам марказларини яратиш
- Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш учун соғлиқ сақлаш технологияларини баҳолаш жараёнини яратиш
- Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Халқаро фармацевтика тадқиқотлари ва натижаларни баҳолаш жамияти (ISPOR)

Рақамли кўрсаткичлар

	2017	2035	CAGR
Аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари, АҚШ доллари ^(а) .	45	1000	19%
Туғилганда кутилган умр кўриш давомийлиги, йил ^(б)	73,7	80	0,6%
Болалар ўлимининг сони, 1000 туғилишга 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг сони ^(в)	15,4	<10	
Фуқароларнинг шахсий тўловлари ҳисобига молиялаштириладиган соғлиқни сақлашга сарф қилинган харажатлар улуши, %	43%	<20%	

Соғлиқни сақлашни молиялаштириш



млрд АҚШ долл., йўқилган натижа билан

2025

- Қонуний базани ривожлантириш (кафолатланган ёрдам миқдорини аниқлаш, халқаро НХҲларни жорий қилиш ва бошқалар)
- Суғурталаш дастурини жорий қилиш учун клиник стандартлар ва бошқа зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш
- Мажбурий тиббий суғурталашни жорий этишга тайёрланиш, пилотли ишга тушуришларни ўтказиш, МТС ишга тушириш
- Компенсация тўловларини ва шифокорлар ижтимоий пакетини ошириш
- Аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва минтақалар аҳолиси учун соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланиш имкониятини ошириш
- Шифокорнинг ахлоқий кодексини жорий этиш орқали тиббий мутахассислар ишининг қоидаларини тартибга солиш, шу жумладан фармацевтика компаниялари билан ҳамкорлик амалиётини чеклаш
- Асосий касалликларнинг олдини олиш бўйича миллий режани яратиш (масалан, юрак-қон томир касалликлари)
- Сурункали касалликларни даволашда ёндашувни белгиловчи сиёсатни ишлаб чиқиш
- ОИВ/ОИТС касалланишининг олдини олиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш
- Соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш жараёнининг таълим ва институционал таркибий қисмларини ишлаб чиқиш

2030

- Хусусий суғурталашни ривожлантириш
- Тиббий жавобгарлик суғуртасини ривожлантириш
- МТС асосида хусусий тиббий хизмат кўрсатувчиларни молиялаштириш учун инфратузилмани (фондлар, агентлар) ривожлантириш
- Янги клиникаларни қуриш доирасида ДХШ воситаларини ривожлантириш
- Шифокорлар меҳнат фаолиятини лицензиялаш ва меҳнат фаолияти натижаларига қараб иш ҳақи даражасини белгилаш асосида иш ҳақи тизимини жорий этиш
- Тиббий ходимларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш
- Хусусий тиббий хизмат етказувчиларни ривожлантириш учун шароит яратиш
- Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ тартибга солиш органларини ривожлантириш
- Таълимни ривожлантириш (халқаро мутахассисларни жалб қилиш, жиҳозларни янгилаш, малакани ошириш учун шароит яратиш)

2035

- Тиббиёт фанларини ва тадқиқот жараёнларини тартибга солиш механизмларини ривожлантириш
- Тиббиётнинг инновацион ривожланиши учун шароитларни шакллантириш (технопарклар, тадқиқот марказлари учун имтиёзлар, чет эл илмий-тадқиқот марказларини жалб қилиш)
- Тиббиётнинг технологик ривожланишида инвестицияларни жалб қилиш
- Даволаш-профилактика тармоғини оптималлаштириш, самарадорлиги паст бўлганларни йўч қилиш
- Юқори инновацион тиббий ёрдам марказларини яратиш (инновацион неонатал марказлар ва бошқалар)
- Ўзбекистон тиббиёт олий таълим муассасаларини халқаро альянслар тизимига интеграциялаш, халқаро марказлар базасида шифокорлар малакасини ошириш
- Ҳудудлар ва тиббиёт муассасалари даражасида соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш жараёнини яратиш
- Инфратузилмани янгилаш (капитал таъмирлашлар, қурилиш, асбоб-ускуна сотиб олиш)
- ИТ инструментларини ҳисобга олиш воситаларини ва ягона республика маълумотлар базаларини яратиш
- Юқори технологияли инфратузилмани ривожлантириш
- Беморларнинг электрон карталарини кенг оммалаштириш
- Илм-фанни ривожлантириш (тиббиётда тадқиқотларни молиялаштиришни ошириш, Ўзбекистоннинг тиббиёт таълим муассасаларида ўқитиш ва тадқиқот учун халқаро мутахассисларни ишлашга жалб қилиш)

Ижтимоий сиёсат

Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Жорий ривожланиш даражаси



Асосий муаммолар

- Ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳаражатларининг паст даражаси
- Юқори даражадаги қашшоқлик: аҳолининг 10% экстремал қашшоқлик шароитларида яшамоқда
- Юқори ишсизлик, қўллаб-қувватлаш чоралари муаммони фақат қисман ҳал қилмоқда
- Ногиронлар учун қулай муҳит мавжуд эмас
- Муҳтожлар сони расмий рўйхатдан ўтганлардан юқори бўлиши мумкин
- Номолиявий қўллаб-қувватлаш тизими ривожланмаган
- Юқори даражадаги жиноятчилик
- Аёлларга нисбатан дискриминация

Асосий ҳулосалар

- Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя қилиш модели **иқтисодийнинг ҳозирги ҳолатига мос келмайди**
 - Давлатнинг устувор йўналиши - барча фуқароларни **ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси - бюджет чекловлари тўғайли эришиш учун қийин масала**
 - Ўзбекистонда эътибор **эҳтиёжманд кишиларга молиявий кўмак** кўрсатишга қаратилган бўлса, ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ эътиборни номолиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда
- Ўзбекистонда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг барча йўналишларини тақдим қилиш учун **марказлашган тизими мавжуд эмас**
 - Ижтимоий сектор фаолиятини тартибга солувчи, назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи **ягона орган йўқ**: бу функциялар Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги орасида тақсимланган
 - Ижтимоий қўллаб-қувватлаш олувчиларини танлаш **мезонлари халқаро стандартларга мувофиқ шакллантирилмаган**
 - Шунақа ёрдамга муҳтож бўлган кишилар сони тўғрисида **объектив статистика** мавжуд эмас

	Скандинавия модели	Ўзбекистон модели	Осиё модели
 Давлатнинг роли	Аҳолини ҳимоя қилиш	Ижтимоий соҳани ривожлантириш	Иқтисодий ўсишни таъминлаш
 Қўллаб-қувватлаш вазифалари	Аҳолининг барча гуруҳларини қўллаб-қувватлаш	← Барча гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, пенсионерлар диққат марказида	Энг муҳтожларни қўллаб-қувватлаш
 Солиққа тортиш даражаси (солиқ юкининг улуши)	60% 	← 40% 	10% 
 Ижтимоий соҳага бюджет харажатларининг улуши^(а)	20-25% 	← 22% ^(а) 	5-10% 
 Ҳар бир киши учун ижтимоий харажатлар миқдори	10-13 минг АҚШ долл. 	→ 131 АҚШ долл. ^(б) 	2-4 минг АҚШ долл. 
 Етакчи қўллаб-қувватловчи муассасалар	←  Давлат	 Давлат	 Хусусий компаниялар
 Асосий қўллаб-қувватлаш воситалари	←  Молиявий	←  Молиявий	 Номолиявий

Эслатма: (а) пенсия жамғармаси харажатларини ҳисобга олмаганда (б) пенсиялар билан
Манбалар: OECD Stat, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, очиқ манбалар маълумотлари, ишчи гуруҳнинг таҳлили

Жорий ривожланиш даражаси

Ижтимоий ёрдам ҳаражатларининг катта қисми ижтимоий ёрдам учун молиявий чораларни таъминлашга йўналтирилган, бу эса иқтисодиёти ўсиб бораётган мамлакатлардаги тенденцияларга мос келмайди.



Молиявий чоралар - ижтимоий ёрдам олувчиларга тўғридан-тўғри тўловлар ва имтиёзлар (ишсизлик нафақалари, боланинг туғилиши учун нафақа, УЖКХ имтиёзли тарифлари ва бошқалар)



Номолиявий чоралар - ижтимоий ёрдам олувчиларга хизматларни тақдим қилиш (муваффақиятли ишга жойлашиш учун тренинг ва маслаҳат бериш ва бошқалар)


Европа, АҚШ

Осиё

	France	USA	UK	China	Indonesia	Hong Kong	Uzbekistan
Молиявий чоралар	✓	✓	✓				✓
Номолиявий чоралар	✓	✓	✓	✓	✓	✓	

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлари тоифалар бўйича,

млрд сўм



● Тўловларнинг умумий ижтимоий ҳаражатлардаги улуши (пенсияни ҳисобга олмаганга)


■ Ижтимоий нафақалар
■ Ижтимоий таъминот

■ Кредит линияси
□ 2014 йилдаги 9 ой маълумоти


Жорий ривожланиш даражаси

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий тўловлар миқдори, олувчилар сони ўсиши туфайли эмас, ижтимоий нафақалар миқдори ортиб бораётганлиги туфайли ортиб бормоқда

Ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори, минг сўм



Пенсия ва ижтимоий нафақа олаётганлар сони, минг киши



Шарҳлар

- Ижтимоий нафақалар ўртача миқдори 2 баробардан зиёд ошди. Шу билан бирга, ижтимоий нафақа олаётганлар сони атиги 2 фоизга ўзгарди
- Шундай қилиб, тўловлар ҳажмининг ошиши нафақа олувчилари сонининг кўпайиши билан боғлиқ эмас, балки ижтимоий нафақалар миқдори ошиши билан боғлиқ.

Жорий ривожланиш даражаси

Ривожланаётган давлатлар қўллаб-қувватлаш олувчиларининг бир неча гуруҳига эътибор қаратмоқда

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш гуруҳлари жаҳон амалиётида

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш асосий эътибори қабул қилувчилар гуруҳларида



Ногиронлар



Катта ёшли фуқаролар



Ишсизлар




Оилалар ва болалар

- Фарзандлари оилалар
- Асраб олинган фарзандари бор оилалар
- Кўп болали оилалар
- Кам таъминланган оилалар
- Ёш оилалар
- Тўлиқ бўлмаган оилалар
- Оилавий зўравонлик қурбонлари

Европа

Осиё



Уй-жойсиз ва дарбадарлар



- паст қўллаб-қувватлаш даражаси



- ўртача қўллаб-қувватлаш даражаси




- ўртачадан юқори қўллаб-қувватлаш даражаси



- юқори қўллаб-қувватлаш даражаси


Жорий ривожланиш даражаси

Экстремал қашшоқлик шароитида яшовчи аҳолининг улуши¹



- Қашшоқлик - Ўзбекистон ижтимоий соҳасининг асосий муаммоларидан бири
- Ўзбекистонда истеъмол саватчаси асосида минимал яшаш ўлчамининг таърифи йўқ
- Озиқ-овқат хавфсизлиги индекси 2017 рейтингда Ўзбекистон **78-ўринни** эгаллади. Индекс молиявий имконият ва соғлом овқатланиш учун мавжудлиги жиҳатидан озиқ-овқат ресурсларининг мавжудлиги ва сифатини 113 мамлакатда ҳисоблайди

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда ишсизлик даражаси



- Халқаро баҳоларга кўра, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси расман тасдиқланган кўрсаткичдан 4 фоиз юқори
- **Норасмий ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик 35 фоизни ташкил қилиши мумкин**, яъни меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар учинчи Республика фуқароси ишсиз
- Мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми (деярли учдан бири) чет элда ишлапти. Миграция оқими давлат томонидан назорат қилинмайди
- Экспертлар баҳолашлари бўйича Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиётининг улуши 50% дан ортиқ бўлиши мумкин.

Эслатма: 1 - экстремал қашшоқлик бир кишининг кунига 1,9 АҚШ доллардан камроқ пулга яшаш деб таърифланади.

Жорий ривожланиш даражаси

Кам таъминланган оилаларга мавжуд бўлган қўллаб-қувватлаш чоралари қашшоқлик муаммосини қисман ҳал қилади

Молиявий

Кам таъминланган оилалар учун имтиёзлар

Нафақалар миқдори:

- 1 фарзандли оилалар учун - 60% ЭКОИХ
- 2 фарзандли оилалар учун - 100% ЭКОИХ
- 3 фарзандли оилалар учун - 120% ЭКОИХ
- ЭКОИХ (июл 2018 й.) миқдори 184 300 сўмни ташкил этади



- 1-2 фарзандли оилалар учун нафақалар ЭКОИХни қопламаслиги мумкин
- Имтиёз бериш мезонларига фақат энг экстремал қашшоқлик даражасига эга оилалар тўғри келиши мумкин

Меҳнат

Кам таъминланган оилаларга бериладиган кредитлар

- 100 ЭКОИХгача
- 4%
- 3 йилгача

Тижорат банклари (рўйхат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади)

Кредит мақсадлари:

- Керакли асбоб-ускуналарни сотиб олиш ёки томорқа ерни (фермерлик, боғдорчилик) ривожлантириш



Кам таъминланган оилаларни ўзини ўзи иш билан таъминлашга рағбатлантириш

Маиший

Турар жой хоналарини таъмирлаш

2018 й. - ҳар бир тумандан 25 оила

Уй-жой билан таъминлаш

2018 й. - ҳар бир тумандан авариявий ҳолатда ва эскирган уйларда яшовчи 5 оила

Маиший техникани сотиб олиш

2018 й. - ҳар бир тумандан 70 оила



- Кам таъминланган аҳолининг¹ 1% дан камроғи ушбу чоралар билан таъминланади
- Кам таъминланган оилалар учун озиқ-овқат билан таъминлаш дастурлари йўқ

Таълим

- Кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан бепул таъминлаш
- Бошланғич синф ўқувчиларига қишқи кийим ва пойабзаллар билан бепул таъминлаш
- Болалар боғчалари ва интернатларга бепул қатнаш ҳуқуқи



- 9-11 синф битирувчилари учун иш ўрнига тўлиқ таълим олишларини рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас

Транспорт



Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларга жамоат транспортида юриш учун имтиёзлар йўқ

Эслатма: 1 - Ўзбекистон аҳолисининг 10 фоизи ўта қашшоқлик шароитида яшайди (қарийб 3 миллион киши), 1200 нафар оила ёрдам олишда иштирок этади, бу 300 мингдан кам одамларни ташкил қилади
Манбалар: Ўзбекистон қонунчилиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, "Норма" ахборот-ҳуқуқий портали


Мавжуд қўллаб-қувватлаш чоралари ишсизлик муаммосини қисман ҳал қилади

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари

- Мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш
- Ўзбекистон Республикасининг бўш иш ўринлари электрон банкини ривожланишининг режалари

2017 йил натижалари бўйича **229,9 минг киши** иш билан таъминланди. - **28%** расмий равишда рўйхатдан ўтган ишсизлардир

Жамоатчилик ишларини ташкил қилиш

 **Иштирокчилар:** ишсиз деб эътироф этилган ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан йўлланма олган фуқаролар



Давомийлиги: молия йилининг 2 ҳафтасидан 3 ойигача бўлган муддатига меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади



Тўлов:

- жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ишлар учун - ойига 5 ЭКОИХдан ошмаган миқдорда (жамоат ишлари Фонди томонидан 100% қопланади)
- Тадбиркорлик субъектлари ёки ННТ томонидан уюштирилган ишлар учун ойига 2,5 ЭКОИХдан ошмаган миқдорда (компенсациянинг 50% жамоат ишлари Фондидан)

2017 йилда жамоат ишларига **27,1 минг киши** жалб этилган. - **ишсизларнинг 3%**

Ишсизлар учун ўқув марказларини яратиш - 12 та тумanning ҳар бир марказида -240 ўрин



Таълим йўналишлари

- Электр ва электроника, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш иши, автомобиллар ва ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказо.



Молиялаштириш манбалари:

- Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз:**
- Жанубий Корея Ҳукуматининг гранти
- ЎзР бошқа ҳудудлари:**
- Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси, донор мамлакатлардан ажратилган грантлар,
 - Халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари


